ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی 1991

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

25 ОКТЯБРЬ № 43 (3147) ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ X ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон ёзувчилари X қурултойини Ўзбекистон халқ шоири, қурултойни ўтказиш ташкилий комитетининг раиси **ШУКРУЛЛО** очиб, жумладан, шундай деди:

— Азиз дўстлар, қадрдон ҳамкасблар! Ўзбекистон ёзувчиларининг X қурултойи янги бир даврда, асрлар бўйи халқимизнинг қайғу, орзулари билан яшаб, шу мақсадда курашиб келган, ёзувчиларимиз ният қилган мустақиллик насиб этган кунларда ўтиши ниҳоятда қувончли. Бу қурултойимизга кўтаринки руҳ бағишлаши билан бир қаторда, адабиётимизнинг олдига янгича талаблар қўяди. Бизлар 74 йиллик қарамлик сиёсати даврида ўз она тилимиздан ажралиш даражасига бориб қолган эдик. Унинг бойлиги ва гўзаллигини сақлаш учун курашганлар, уни улуғлаганлар миллатчиликда айбландилар. Бирдан-бир орзу-дардимиз қачон она тилимиз ўз қадрини топади, ривожига йўл очилади, анжуманларимиз ўз тилимизда бўлади, қачон шу кунларга етарканмиз, дейдиган бўлдик. Таңрига шукур, тилимизга давлат мақоми берилди. Жумҳуриятимиз мустақиллиги шарофати билан адабиётга қўйиладиган талаб, унинг вазифаси ҳам энди бурунгидай бўлмайди. Асарларимизда асосий йўналиш бадиий юксаклик, умуминсоний масалаларни кўтаришга қаратилади. Фақат бадиийлик! Теран фикр! Фақат ҳақиқат! Умид қиламанки, икир-чикир гаплар атрофида айланиб қолмасдан, мулоҳазаларимиз халқ бахт-саодати каби муҳим масалаларга, адабиётнинг туб муаммоларига қаратилади. Албатта жиддий баҳслар, тортишувлар бўлиши табиий. Қурултойимиз маданиятли кишиларга хос вазминлик, ҳурмат-эҳтиром билан ўтсин. Бу йўлда сизларга муваффақият тилайман.

Агар қўшимча истаклар бўлмаса, таклиф этилган ҳайъат рўйхатини тасдиқлаб беришларингизни сўрайман.

Шундан кейин ўн кишидан иборат қурултойнинг ишчи президуми сайланди ва ҳисобот маърузаси учун сўз Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби **Одил ЁҚУБОВ**га берилди. Одил Ёқубов маърузаси қуйида тўлиқ эълон қилинаётир.

Одил ЁҚУБОВ

АДАБИЁТ МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДА

ҚУРУЛТОЙДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

МАНА, БИР НЕЧА марта муддати белгиланиб, бир неча марта кўчирилган уюшмамизнинг навбатдаги қурултойига йиғилдик. Менга қолса, қурултой ўтган йилги «машҳур» пленумдан кейиноқ ўтса ва шу билан майда-чуйда гапларга барҳам берилса, дегандим. Аммо мен истагандай бўлмади. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Аввало келгуси уюшма ва унинг Низоми қандай бўлмоғи даркор. Иттифоқ уюшмасидан мустақил ташкилот бўламизми ёки ажралиб чиқамизми, айниқса, бугун, жумҳуриятимиз мустақил жумҳуриятга айланганда бу муносабатлар қандай асосга қурилади каби ўнлаб чигал саволлар туғилди. Қолаверса, бу йил Навоий йили деб аталгач, ҳамма кучғайратимизни бобомиз тўйини ўтказишга сафарбар этдик. Лекин бу сабаблар қанчалик асосли бўлмасин, қурултойимизнинг кечикиши ва бу ораликда пленум ўтказилмагани учун Сиз — қаламкаш дўстларимдан узр сўрайман.

Биз икки қурултой ўртасида адабиётимизда яратилган асарлар ва амалга оширилган ишлар тўғрисида иккита ҳужжат тайёрладик. Мен уларда адабий жараён тўлиқ акс этган ва нуқсонлардан холи, деб айтолмайман. Улар қурултой баҳорда ўтади, деб йил бошида тайёрланган эди, оқибатда, кейинги бешолти ой давомида яратилган кўп асарлар таҳлил доирасидан четда қолган бўлиши мумкин. Умид қиламанки, бу нуқсонни сўзга чиққан нотиқлар тўлдириб кетадилар.

Мен қурултой арафасида жуда кўп ўйладим. Қилган ишларимиз ҳақида батафсил гапириб беришим шартми, шарт эмасми? Ниҳоят, шарт эмас, деган қарорга келдим. Аввало, бу ҳақда қўлларингизда ҳужжат бор, қолаверса, бу камтар ишлар ҳаммангизга маълум.

Кўриб турибсиз, ҳозирги котибият, хусусан, менинг фаолиятим мамлакатимизда содир бўлаётган ниҳоятда оғир, мураккаб, серташвиш, серғалва йилларга тўғри келди. Бу пайтда, гарчи сиёсий иқлим бирмунча яхшиланган бўлса ҳам, иқтисодий вазият, жумладан, ёзувчиларимизнинг моддий аҳволи илгаригига нисбатан ўн баробар оғирлашди. Тўғриси, биз машина тугул, гугурт ундириш қийин бўлган бир вазиятда ишладик. Оқибатда, аҳвол шунга бориб етдики, биз йўл қўйган хато ва нуқсонларимиз баробарида емаган сомсамиз учун ҳам калтак тагида қолдик, десам лоф бўлмайди.

Назаримда, ҳар қандай уюшманинг энг биринчи вазифаси, бу — истеъдодларга катта йўл очувчи, соғлом муҳит, яхши ижодий иқлим яратишдир. Мен ҳозир ана шундай муҳит ярата олдик, аҳил бир оила қура олдик, десам бу гапим ҳақиқатга зид келарди. Лекин шунга ҳаракат қилдик, дейишга ҳақлимиз. Ҳарқалай, турли адабий оқимларни йўлга солиш, қовуштириш, қовуштира олмаган ҳолларда, лоақал, ҳеч бир йўналишнинг томонини олмай ўртада бетараф туришга, ҳаммага баравар қарашга уриндик.

Биз раҳбарликка келишимиз биланоқ ишимизни адолат комиссиясини тузиб, ўттизинчи йиллар қурбонлари бўлмиш буюк ва жабрдийда адибларимиз номларини, улар яратган ўлмас асарларни халқимизга қайтаришдан бошладик. Тўғри, Қодирий ва Усмон Носир биз раҳбарликка келгунчаёқ деярли оқланган эди. Лекин Чўлпон ва Фитрат-чи? Беҳбудий, Мунаввар қори, Боту, Элбек ва бошқалар-чи, Яссавий, Сўфи Оллоёр-чи? Мен шунга шукрона билдираманки, ҳозир эмас, ошкоралик эндигина чиллак ураётган бир маҳалда уюшмамиз ҳурматли олимларимиз билан бирга бу савоб ишнинг бошида турди. Зотан, биз уюшмамизнинг халқ ҳаётидаги мавқеини, унинг масъулиятини оширишга узлуксиз ҳаракат қилдик.

Уюшмамизда Орол фожиасига кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортиш, пахта яккаҳокимлигини чеклаш, пахтакор аёлларнинг оғир меҳнати, болалар ўлими, қишлоқ мактабларининг ночорлиги, табиатни муҳофаза қилиш каби элимиз учун жуда муҳим, жуда ҳаётий муаммолар хусусида ўнлаб, балки юзлаб йиғинлар, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Бу йиғинлар фақат гап билан чекланиб қолмади. Уюшмада бўлиб ўтган мулоқотларда жиддий хатоларга йўл қўйган ўнлаб вазирлар ҳисоб берди, ёзувчилар билан биргаликда улар йўл қўйган хатоларни тузатиш режалари белгиланди, муҳокама қилинди. Адиблар даргоҳида жумҳуриятимизнинг олий раҳбарлари билан уюштирилган учрашувларда томонлар бир-бирига салом-алик ва изҳори ихлос билан чекланиб қолмай, балки халқ турмушига боғлиқ ҳаёт-мамот масалалари илгари сурилди. Ёзувчилар халқимиз бошидаги ташвишлар тўғрисида жуда дадил, ошкора муҳокама ва мунозара юритдилар. Ёки, масалан, Бўстонлиқни ҳимоя қилиш масаласига бағишланган мажлислар, заҳматкаш пахтакорларимиз бошига сепилган заҳарли дориларни тақиқлаш, миллий ишчи-кадрларни етиштириш, пойтахтимиз атрофидаги боғ-роғларни асраб қолиш муаммоларининг қизғин, муросасиз муҳокамалари-чи? Инсоф билан айтганда, янги давр талабларига мос бу ишларнинг ҳаммаси шу «ёмон» уюшмамиз даргоҳида бўлиб ўтди. Бундай — ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий аҳамиятга молик ишлар бизнинг энг истеъдодли адибларимизнинг жонкуярлиги, ўз халқига меҳр-садоқати, ватанпарварлиги туфайли амалга оширилди. Жумҳурият собиқ хўжайинларининг ошкора таъқиб ва тазйиқларига қарамасдан ижодкорларимизнинг бу савобли ишларини уюшма доимо қўллаб-қувватлашга интилди.

Албатта, биз бу ишларни ҳамду сано учун эмас, балки жафокаш халқимизнинг мушкулини жиндек бўлса-да осон қилармиканмиз, жонига оро кирармиканмиз деб, қолаверса, адолат ва ҳақиқат учун кураш ҳар бир ёзувчининг виждоний бурчи, деган ақидадан келиб чиқиб бу ишларга ҳамиша хайрихоҳлик билдириб келдик. Ҳарқалай, жамоатчиликнинг, оддий кишиларнинг сўнгги йилларда уюшмамизга дарёдай оқиб келишлари, бу жойда бўлиб ўтган барча жиддий баҳс-мунозараларда фаол қатнашаётганлари уюшмамиз фаолиятини жиндеккина бўлса-да, оқлайди, деб ўйлайман. Бу камтар ишларимиз билан биргаликда уюшмамиз фаолиятида анча-мунча нуқсонларга ҳам йўл қўйдик. Бу хатолар биринчи галда кадр танлаш борасидаги камчиликларимизга бориб тақалади. Котибларимиздан бири, шубҳасиз, яхши ишлади. Лекин қалби нозик инсон, уюшмамиздаги икир-чикир гапларга дош беролмай ишни тарк этди. Гап Тоҳир ҳақида кетаяпти. Афсуски, биз унга шароит яратиб беролмадик. Яна бир котибимиз халқимиз учун шубҳасиз фойдали ижтимоий фаолият билан банд бўлиб, уюшма ишларига эътибор беролмади. Яна учинчиси катта ташаббускорлик кўрсатиб яхши ишлашган бўлса ҳам, характерларидаги нуқсонлар сабаб, ёзувчиларни ранжитиш ҳоллари юз берди. Сир эмас, уюшмамиз каби катта ташкилот уёқда турсин, ҳатто аҳил оилада ҳам ноҳуш гаплар, кўнгилсиз воқеалар бўлиб туради. Надоматлар бўлғайки, бундай ноҳуш ҳодисалар даргоҳимизда ҳам, гарчи Москва даражасида бўлмаса ҳам, юз берди. Биз эсак бунинг олдини ололмадик, қаттиқ чора кўролмадик. Лекин бунга сабаб, бировларни хушлаб, бировларни хушламаганимиз эмас. Биз томонларни яраштириш, ҳаддидан ошганларни кечирим сўратиш, хуллас, оловни пуфлаб, аланга олдириш эмас, балки уни сув сепиб босиш йўлини тутдик. Ҳар қалай мен, баъзилар айтганидек, ҳеч қачон бир адибни иккинчи бир адибдан устун қўймадим. Чунки ҳеч кимнинг ҳимоясига муҳтож бўлмаганман, энди ҳам муҳтож эмасман.

Яна бир масала: раҳбарлар фаолиятини тафтиш қилишни яхши кўрадиган айрим дўстларимиз орасида уюшманинг молиявий ишларида қинғирликлар бор деган гаплар чиқди. Биз бу гапларни аниқлаш учун ўз ташаббусимиз билан халқ назорати, молия ва ички ишлар вазирлигидан комиссиялар чақирдик. Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, бу соҳада айрим молиявий қоидалар, тақсимот масаласида навбат бузилишлари содир бўлган. Аммо қаллоблик, бегоналарга машина ёки уй-жой сотиш каби ҳоллар топилгани йўқ.

ОДАТДА РАҲБАРЛАР фаолиятини танқид қилган биродарларимиз таъна қилишадики, мамлакатда демократик принциплар, матбуот ва ижод эркинлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари қарор топаётган бир маҳалда гоҳо жумҳуриятимизда бу принциплар бузилмоқда, шунда раҳбарият ва шахсан сиз адиблар ҳуқуқини дадил ҳимоя эта олмадингиз. Кўпинча бунга мисол тарзида уюшма раҳбарлари, «Бирлик» миллий халқ ҳаракатини ва «Эрк» демократик партиясини қўллаб-қувватламади, сиёсий курашларда четда турди, Гулчеҳра Нуруллаева, Ёдгор Обид, Дилором Исҳоқова каби ижодкорларимиз таҳқирланганида бир чеккада томошабин бўлиб турдингиз! Ўш ва Фарғона фожиалари рўй берганда уюшма раҳбарияти қаёқда эди? — сингари маломатлар бот-бот эшитилиб турди. Мен бу таъналарни инкор этмоқчи эмасман. Айни замонда ўйлайманки, ёзувчилар уюшмаси каби мураккаб ташкилот фаолиятига баҳо берганда қилинган ишлар бошқа ташкилотларнинг ишлари билан муқояса этилса адолатдан бўларди. Мен виждоним олдида айта оламанки, бугунги даврда, ўйламай айтилган ҳар бир сўз, ўйламай ташланган ҳар бир қадам қон тўкилишига олиб келиши мумкин бўлган бир вазиятда биз қўлимиздан келганича ҳаракат қилдик. Халқимиз осойишталигини, унинг энг олий орзуси бўлмиш мустақиллик йўлидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватладик. Инсоф билан айтганда, биз «Эрк» партияси ва ҳатто «Бирлик» миллий халқ ҳаракатига, айниқса, бу ҳаракатлар, агар таъбир жоиз бўлса, чақалоқ пайтларида уларга кўмаклашишга уриндик. Хайрият, мана энди жумҳурият раҳбарияти ҳам «Бирлик»ка йўл очишга ваъда берди. Энди Ёдгор Обид сингари адиблар масаласига келсак, биз бу ҳолда ҳам қонун бузилган пайтларда ўзимизни билиб-билмасликка солиб турмадик, балки республика прокурори ва бошқа ҳуқуқий ташкилотларга мурожаат қилдик, хатлар ёздик, телеграммалар бердик. Мен шуни эслаб ўтмоқчиманки, бизнинг адибларимиз Ўш ва Фарғона фожиалари содир бўлган қора кунларда ҳам қўл қовуштириб ўтиришмади. Ўш фожиасини ўз фожиаларидек қабул қилиб, матбуот органларида ўнлаб мақолалар билан чиқишди, радио ва ойнаи жаҳон орқали халққа мурожаат қилишди. Ўш фожиаси рўй берган кунларда ёзувчилар уюшмасига юзлаб ўшлик ҳамюртларимиз келишди.

Давоми иккинчи бетда



Ёзувчилар қурултойи: ҳаяжонли ва баҳсли гурунглар

ИХТИЁР МЕНДА БЎЛСА...

Чернобиль ҳалокати минглаб кишиларни йиғлатди ва йиғлатмоқда. Мен АЭСларни йўқ қилиб, ГЭСларни кўпайтирар эдим. Юзлаб дарёларимиз бўла туриб, атом станцияларидан фойдаланиш ноўрин-ку!

Ўзбекистон пахтасини фақат жаҳон нархида сотардим.

Санд МАМАНАЗАРОВ

Тожикистон

●

Одамларни ёлғон қасамга ўргатмасдим. Чунки қасам-хўрлик ёмон иллат. Масалан, ўқувчи қасам ичиб кашшоф бўлади. Тиббиёт олийгоҳи толиби Гиппократ номига қасамёд қилади. Ҳаттоки, жиноятчига ҳам қасам ичдирилади. Бу билан ҳамма ҳам диёнатли бўлиб қолмайди-ку.

Мунаввабек МУРОДОВ

Тошкент

●

Инсон қадр-қимматини кўтарардим.

Ишлаб чиқариш муассасаларида рақобатчиликни кучайтириб, хизмат кўрсатишни чет эл даражасига етказар эдим.

Унутилган ҳунармандчилиг-у, урф-одатларимизни қайта тиклардим.

Муроджон ТУХТАНАЗАРОВ

Андижон

●

Ихтиёр менда бўлса, бутун ихтиёрни Президентимиз Ислом Каримовга берган бўлардим.

Самуқул ЖУЛБОЕВ

Сирдарё

●

Афғонистон, Эрон, Туркия каби мусулмонобод давлатлар билан дипломатик ва савдо алоқаларини кенг йўлга қўярдим.

Ўзбекистонда Олимпиада қўмитаси тузардим. Ҳар ҳол Олимпиада қўмитасига аъзо бўлишини таъминлардим. Ўзбеклардан ҳам ғолиблар чиқиши учун барча шароитни яратардим. Қолаверса, Туркистон футбол лигаси ташкил этар эдим.

Жумҳуриятда ҳар қандай партияни бекор қилардим.

Ҳудудимиздаги азот заводлари ишини тўхтатардим. Ахир ота-боболаримиз бир грамм ҳам минерал ўғит ишлатмай-мўл ҳосил олишган-ку!

Ўзбек тилида ўқитадиган ҳарбий билим юртлари очардим.

Т. ҚОРИЕВ

Андижон

●

Мутахассисларнинг билими ва инсонийлик даражасини аниқлаб берадиган машина яратардим. У билан аввало раҳбар ходимларни кўрикдан ўтказардим.

Матбуот соҳасидаги маҳаллийчиликка, танишбилишчиликка чек қўяр эдим. Мен адабиётни поклик дунёсига айланиши тарафдориман.

МАҲМУД ҚУРБОННИЕЗОВ

Беруний шаҳри

●

Ўрта Осиёда қадимги «Туркистон» давлатини қайта тиклардим.

А. ЭШОНҚУЛОВ

Сурхондарё

●

Самарқанд шаҳрига кираверишдаги Чўлпонота тепалигида қад ростлаб турган, миллатимиз шаънини оёқости қилган босқинчи шарафига ўрнатилган ёдгорлик ўрнига Амир Темурнинг от миниб турган ҳайкалини барпо эттирардим. Токи у миллий ғуруримизни тиклаб, қалбимизга шижоат бахш этиб турсин.

Мамарасул ҲАСАНОВ

Самарқанд

●

Барча «коммерческий» дўконларни йўқ қилардим. Ахир бир халта шакарни 1100 (бир минг юз сўм!) баҳолаш инсофданми? Бундан ташқари болаларнинг кийим-кечагини арзонлаштирардим.

Хуршида ҲОЖИЕВА

Бухоро

ОРОЛ ХАЙРИЯСИ ҚАНДАЙ ЎТДИ?

⊙ АҚШдан келган туҳфалар ⊙ Мирзакарим Норбеков ташаббуси

1 — 10 октябрь кунлари Қорақалпоғистон жумҳурияти ҳамда Хоразм ва Бухоро вилоятларининг айрим туманларида халқаро Орол хайрия кунлари бўлиб ўтди. Оролни асраш қўмитаси раиси **П. Шермуҳаммедов** бу тадбирлар хусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Хайрия тадбирларимизда АҚШдаги Колумбия дорулфунуни профессори Артур Боннер, Ойхон Ёқубова раҳбарлигидаги «Гавҳар» халқ фольклор ансамбли, машҳур экстрасенс Мирзакарим Норбеков бошлиқ шифокорлар гуруҳи, олимлар, адиблар, журналистлар, эколог ва сув хўжалиги мутахассислари иштирок этдилар. Ҳаммаси бўлиб 500 мингдан ортиқ болага бир миллион сўмликка яқин кийим-кечаклар тарқатилди. Артур Боннер эса АҚШдан ўзи билан бирга келган икки катта қутидан иборат кийим-кечакларни ўз қўли билан Орол болаларига туҳфа этди. Экстрасенслар ва шифокорлар гуруҳи ҳар бир учрашувда болалар, аёллар ва кекса ёшдаги кишиларни даволаш бўйича бепул сеанслар ўтказишди. Қаҳрамон оналардан ташкил топган фольклор ансамблининг чиқишлари ҳам Орол болаларига қувонч бахш этди.

Шундай учрашувлардан бири 7 октябрь куни Хевада бўлиб ўтди. Бутун Хоразм вилоятидан тўпланган ногирон болалар ҳузурида сўзлаган М. Норбеков ҳар йили 350 дан ортиқ хоразмлик болаларни ўз ҳисобидан кийим-бош билан таъминлашга қарор қилганлигини айтди. У ҳар уч ойда бир марта ана шу болалар билан учрашади.

Биз шу чоққа қадар Орол фожиасидан фақат қорақалпоғистонлик ва хоразмлик аҳоли азият чекмоқда деб ҳисоблаб келардик. Афсуски, фожиа кўлами йил сайин кенгайиб эндиликда Бухоро вилоятининг Томди ва Учқудуқ туманларига ҳам ёйилибди. Биз бу туманларда бўлганимизда меҳнат жамоалари, чўпонлар билан учрашдик. Улар хайрия тадбирларида қатнашаётган туман ва вилоят раҳбарлари ҳузурида кўнгилсиз экологик фалокатлар хусусида сўзлаб бердилар. Айниқса, Зарафшон ва Мурунтов кон-металлургия комбинатлари қазилма бойликларини тозалашда зарур тиббий талабларга эътибор бермаётганлиги оқибатида заҳарлилик даражаси ниҳоятда хатарли бўлган қўллар вужудга келмоқда. Унинг сувидан тотган жамики жонзот қирғинга учраб, саҳродаги сурув-сурув қўйлар ҳам хавф остида қолаётир. Касалликлар ва ўлим ҳоллари кўп. Бу жойдаги радиация фони эса меъёрдагидан тўрт баробар юқори. Бу жойга шошилинч ёрдам кўрсатилиши керак.

Биз бундан буён ушбу хайрия кунларини ҳар йили такрорлашга ва уни 1 июнда — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида ўтказишга қарор қилдик. Шуни айтиш керакки, Орол жамғармасини мустаҳкамлаш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. АҚШда тузилган шундай фонд 32 миллион доллар маблағини Орол бўйида яшовчиларнинг маиший-тиббий шароитларини яхшилаш учун ёрдам тариқасида ажратишга қарор қилди. Бизнинг ҳукуматимиз ҳам бу масалада қўл қовуштириб ўтирмаслиги керак. Ҳеч бўлмаса, Т. Гдлян гуруҳи томонидан турли йўллар билан олинган 40 миллион сўм пул халқимизга қайтариб берилса ва Орол бўйи аҳолиси эҳтиёжларига сарф этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

НАВОИЙ ВА МУСИҚА

Жумҳуриятимизда Алишер Навоийнинг 550 йиллик муборак тўйи нишонланмоқда. Адабиётимиз, санъатимиз тарихини ўрганишга ҳозир катта эътибор берилмоқда. Илм даргоҳларида, мактабларда ҳатто болалар боғчаларида ҳам А. Навоий меросини ўрганиш давом этяпти.

Яқинда Тошкент шаҳар Куйбишев тумани «Улуғбек» қўрғонидаги 27-болалар мусиқа мактабида ҳам адабий мусиқий кеча бўлиб ўтди. Навоийнинг мусиқа билан жуда яқинлиги, унинг мусиқага оид рисолалари борлиги таъкидлаб ўтилди. Кечада Иброҳим Ҳакимов, Нажим Тўлаганов, Ўктам Эргашев, Марҳабо Эргашева, Муборак Юнусова каби мураббийлар ўзбек мақомларидан, халқ куйларидан намуналар ижро этишди. Каттаю-кичик севиб тинглайдиган «Муножот» яна ўзгача сеҳр билан янгради. Кеча охирида мактаб директори Клара Узенбоева кечани ташкил этган ўқитувчи ва ўқувчиларга миннатдорчилик билдирди. Қўрғондаги ёш санъат ихлосмандлари Алишер Навоий меросининг янги-янги қирралари билан танишдилар.

М. ЮНУСОВА

АДАБИЁТ МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДА

Боши биринчи бетда

Ёзувчилар уюшмасида ёрдам фонди ташкил этилди. Биз ўшликларга Дўрмондаги ижод боғимиздан бошпана бердик. Ўша бориб фожиалар содир бўлган жойларда халқдан кўнгил сўрадик, мотам ва азаларда иштирок этдик. Адабиёт соҳасида ҳам озми-кўпми шундай ишларни жумҳуриятимизнинг собиқ раҳбарлари даврида ижод аҳлига қилинган ноўрин ҳужумлар, асарлардан ғоявий хатолар қидирилиб, пашшадан фил ясалган пайтларда ҳам биз бир чеккада томошабин бўлиб турмадик. «Аср баҳси», «Авлодлар довони», айниқса, ёш, истеъдодли ёшларимиз шеърлари лупа тагидан ўқилди, сатрлар орасидан хатолар қидирилганда биз уларни қўлимиздан келгунча ҳимоя қилдик. Мен Омон Матжоннинг ишдан бўшатилишига ҳам унча қўшилмадим. Собиқ Марказий Комитетга чақиришиб, бообрў газетамизнинг бош муҳаррири ва унинг муовинини ишдан бўшатиш, газетани ғоявий тутуриқсиз ходимлардан тозалаш керак дейишганда мен бу гапга қатъиян қўшилмадим ва бугун ифтихор билан айта оламанки, бу яхши одамларни асраб қолдим. Албатта, бу борада биз янада дадилроқ бўлишимиз лозим эди. Ўйлайманки, бўлғуси раҳбарият бу масалада биздан дадилроқ бўлади, биздан каттароқ ишларни қилади.

Ҳозирча мен амалга оширилган айрим ишларимизга тўхталдим, адабий жамоатчилик орасида юрган баъзи савол ва танқидий фикрларга жавоб беришга уриндим. Энди қисқача бўлса ҳам адабиётимиз олдида, жумладан уюшмамиз олдида турган вазифаларга ўтайлик.

Маълумки, умумиттифоқ миқёсида бу масалалар бўйича кескин баҳс-мунозаралар, қизғин жангу жадаллар давом этмоқда. Етмиш йил давомида совет адабиёти фақат нотўғри йўлдан борди, адабиёт халқ турмушидан узилди, ҳаёт ҳақиқатидан юз ўгириб, фақат сохта асарлар яратди, деган қарашлар илгари сурилди, кечагина кўкларга кўтариб келинган асарлар ва уларни яратган классиклар ижодига қора қалам тортилди. Шубҳасиз, шунингдек, шунингдек, адабиётимиз босиб ўтган йўлда хатолар кўп. Аммо, менинг назаримда, бу қарашларда ҳақиқат билан бирга муайян даражада бирёқламаликлар ҳам йўқ эмас. Гарчи, ҳақиқат баҳсда рўёбга чиқади, деган гапга қўшилсам-да, бу мунозараларга теранлик етишмаганлигини, илмий таҳлил ўрнига қизиқ-қонлик ва сиёсатбозлик устун турганлигини эътироф этмай иложим йўқ. Ҳеч бир адабиётга, ҳеч бир ижодкорга уни дунёга келтирган давридан узган ҳолда баҳо бериб бўлмаслигини унутиб, бир-биримизга тош отдик, мураккаб исканжага тушган санъаткорларни фақат битта тарозу — виждон тарозусига солиб бўладик. Албатта, санъатда, ижодда виждон мезонининг аҳамияти катта, лекин бунга инкор этмаган ҳолда, давр ҳам адабиётга ўз муҳрини босмаслиги мумкин эмаслигини ёддан чиқармаслигимиз даркор. Энг ёмони, биз майда-чуйда тортишувлар, кичик ҳақиқатлар атрофидаги баҳслар доирасидан чиқа олмаганлигимиз сабабли, етмиш йиллик ижтимоий ҳаётимизда йўл қўйилган мудҳиш хатоларнинг илдизларини очиб ташлайдиган илмий ва назарий асарлар ярата олмадик. Масалан, коллективлаштириш баҳонасида элимизда амалга оширилган ноҳақликлар, ўттизинчи йилларда бегуноҳ зиёлиларимиз бошига тушган қаро кунлар ёки босмачилик ҳаракатини олайлик. Мана ярим асрдан ошдики, бу ҳаракатга боғлиқ битта савол ҳавода бежо чарх уриб юрибди: «Нега бошқа халқларда ўз ватани учун курашганлар ҳурмат билан «партизанлар» деб аталади-ю, биздаги ҳаракат ҳануз «босмачилик» деб қораланди. Демоқчиманки, дунёни ларзага солиши мумкин бўлган бу мавзу ҳануз ўз ижодкорини, нигоҳи теран, мушоҳадаси кенг, ҳалол ва мард ижодкорни кутиб ётибди! Ўша қатағон йиллари юртимизни йиғлай-йиғлай тарк этган ватандошларимиз тақдирига ҳам бефарқ қарамаслигимиз керак. Мисли кўрилмаган уқубатларни бошларидан кечирган бу жабрдийдалар, бизга хайрихоҳлик билдираётган бу жабрдийдаларга ҳамон шубҳа билан қараш — кечириб бўлмас гуноҳ, ўртоқлар!

БИЗ ШУНИ ҚУВОНЧ билан қайд этамизки, сўнгги йилларда яратилган асарлар, айниқса, публицистика, ҳужжатли проза соҳасида пайдо бўлаётган очерк ва мақолалар адабиётимизда сифат ўзгаришлари содир бўлаётганидан далолат беради. Худди шу гапларни шеъриятимиз ҳақида ҳам дадил айтишимиз мумкин. Биз жимжимадорлик, турмушни бўяб-бежаб кўрсатиш, мадҳиябозлик, шиорбозликдан, яхши партком ва қолоқ раис ўртасидаги сохта конфликтлар асосига қурилган, китобхон қалбини ҳеч эттиришдан ожиз схемалардан озод бўлаяпмиз. Умид қиламизки, бу жараён аста-секин илдиз отиб, адабиётимиздаги бу сифат ўзгариши тобора камол топиб боради.

Биз вилоят адиблари олдида қарздормиз, ёшлар олдида қарздормиз. Дуруст, биз яхши семинарлар ўтказдик, бу семинарларда энг тажрибали, энг таниқли ёзувчиларимиз иштирок этишди, истеъдодли ёшларнинг бошларини силаб, оқ фотиҳа беришди. Биз бу ёшларнинг ҳаммасини бўлмаса-да, аксар қисмини уюшмамизга қабул қилдик, матбуот органларимиз, газета ва журналларимиз ёшларга хайрихоҳ. Аммо китобларини чоп этиш ҳамон қийинчиликларга тўқнашмоқда. Албатта, нашриётлар ёшларга чап кўзлари билан қараётганликлари учун бўлаётгани йўқ бу иш. Бу нарсага яна ўша мамлакатдаги умумий танглик, биринчи навбатда, қоғоз танқислиги сабаб бўлмоқда. Китоб — бизнинг ош-нонимиз, бизнинг ризқ-рўзимиз. Иқтисодий аҳволимиз китобларимизнинг чоп этилишига боғлиқ. Биз учун бу ҳаётмамот масаласи.

Афсуски, бу иш тобора чигаллашиб бораяпти. Давлат матбуот қўмитаси ва унинг нашриётлари бизнинг кўз ёшларимизга қўшилиб кўз ёши тўкишдан нари ўтмаяпти. Биз уларнинг аҳволига тушунамиз, лекин тушунган ҳолда ҳам кўрилаётган тадбирлар суст деб ўйлаймиз. Устига устак нашриётларимиз пул кетидан чопиб, олди-қочди гаплар, бозори чаққон брошюралар кетидан югуриб, адабиётимиз тақдирига, унинг келажагига лоқайд қарай бошлаганларини ҳам эътироф этмай ўтолмаймиз. Бу соҳанинг баъзи мутасаддилари эса ҳар қандай маданиятнинг ривожи, санъатнинг ҳамма турларининг савияси биринчи навбатда адабиётнинг савияси, унинг ривожига боғлиқ эканлигини эсдан чиқариб қўймоқдаларки, бунга бефарқ қараб туролмаймиз.

Хўш, бу вазият қанча давом этади, биз иқтисодий тангликдан чиқа оламизми, ёзувчиларимизга нормал шароит яратиб бера оламизми, йўқми? Бу чигал масалани ҳал этишда уюшмамиз ва жамғармамиз савоб ишлар қилишга қодирми, йўқми?

Сир эмас, адабий жамоатчилик орасида уюшмамиз ҳақида ҳар хил гаплар юрибди. Шу туришда уюшма керак эмас, сал кам саккиз юз кишига ҳеч қандай уюшма, ҳеч қандай жамғарма, ҳеч бир давлат ёрдам беролмайди, саккиз юз аъзомизнинг қарийб ярми бадий қимматга эга маҳсул беришга қодир эмас, бас, шундай экан, уюшмани истеъдодсиз кишилардан тозаламоқ даркор, бу ишни худди шу съезднинг ўзида амалга оширмоқ лозим, деган фикрлар ошкора айтилаяпти. Шундай қилсак уюшма аъзоларининг қолган қисмига ёрдам бериш, турмуш шароитларини яхшилаш осонлашади, дейишмоқда. Шахсан мен, юмшоқ қилиб айтганда, бу гапларга қўшилмайман. Мен буни кўпчиликка ёқиш ниятида айтаётганим йўқ. Масала шундаки, ҳаётимизда жуда кўп «чистка»ларни кўрганмиз ва улар қандай фожеий воқеаларга олиб келганини яхши биламиз. Эҳтимол, бу масалани келажакда ўйлаб кўришимиз керакдир, съездимиз, балки, бу иш билан шуғулланадиган обрўли комиссия ҳам тузар. Лекин шу нарса аёнки, бу ишга эҳтиёт билан ёндашмоғимиз, одамларнинг тақдирига завол бўлмаслигимиз, хуллас, етти ўлчаб, бир кесмоғимиз керак. Айни замонда уюшмамиз ва, айниқса, жамғармамиз структурасини чуқур ўйлаб кўришимиз керак, ҳар иккала ташкилот фаолиятини тубдан яхшилаш, уларга ишчан, қобилиятли кишиларни жалб этиш ҳақида бош қотирмоғимиз даркор. Назаримда, бундан буён уюшманинг ўзидан ҳам кўра унинг жамғармаси, тарғибот бюроси ва бошқа хўжалик ташкилотларининг мавқеи тобора ортиб боради. Нега? Гап шундаки, бугунга қадар уюшманинг бош вазифаси марксизм-ленинизм ғоясини ёзувчилар онгига сингдириш каби ибтидоий ишлардан иборат бўлган. Тўғриси, ёзувчилар уюшмаси сўз эркинлигини бўғиш, адибларни назорат этиш, ҳатто энг яхши санъаткорларнинг қамалишида қонун бузиш органларига хизмат қилиш билан машғул эди.

Эндиликда ёзувчилар уюшмаси бу ғайриқонуний вазифалардан батамом халос бўлмоғи, ҳозир айтганимиздек, у истеъдодлар даргоҳи бўлмоғи, сўз эркинлиги, ижод эркинлигини таъмин этувчи, мафкуравий курашлардан батамом озод ташкилотга айланмоғи лозим. У айниқса, иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиши керак. Бу деган сўз уюшма жамғармасига жуда катта масъулият юкланди деган сўздир. Биз ўз жамғармамизни жумҳуриятимизда эълон қилинган мустақилликка муносиб, моддий жиҳатдан бой, ҳар бир адибга туғишган ота даражасида ғамхўрлик қила оладиган улкан, сердаромад жамғармага айлантирмоғимиз лозим. Бу фикр бугун туғилган фикр эмас. Мана, ярим йилдан ошдики, биз жамғармамиз фаолиятини яхшилаш ҳақида бош қотириб келаяпмиз. Бунинг учун кирмаган кўчамиз қолмади. Ҳар хил корхоналар тузиш, хўжалик ҳисобидан махсус нашриёт очиш, босмахона сотиб олишни режалаштирдик, фойда келтирадиган бир-иккита китоб чиқардик, спонсорлар қидирдик ва топдик. Бу саъй-ҳаракатларимиз оқибатида бир қанча чигал масалаларни озми, кўпми ҳал қилдик. Дам олиш уйлари нархини бозор иқтисодига ўтишдан илгариги ҳолда сақлаб қолдик. Ишламайдиган, пенсия олмай уйларида ижод қилаётган бир қанча истеъдодли ёзувчиларга Москвадан берилаётган нафақа устига яна 100 сўмдан ёрдам уюштирдик. Лекин бу ишларимиз ҳали илк қадам, албатта. Бир-да, маъмурий бюрократларнинг сансоларлиги сабабли, бир-да, ўзимизнинг ланжлигимиз, уддабуронлик, ишбилармонлик етишмаслиги оқибатида бу режаларимиз кўнгилдагидек натижа бермаяпти. Банкларда, район советларида, молия ташкилотларида ўтириб олган ашаддий бюрократлар бизнинг илтимосларимиз, ҳисоблар очиб, катта ишлар қилиш орзусида олиб бораётган ҳамма ҳаракатларимизга тўғаноқ. Бу тўсиқларга қарамай яқинда биз хўжалик асосида ишлайдиган нашриётимиз учун бир миллион сўм ундиришга муваффақ бўлдик, бу пулга Японияда чиқадиган кичик босмахона сотиб олишни мўлжаллаяпмиз. Биз бу қийинчиликларимиз ҳақида яқинда жумҳурият раҳбарларини бохабар қилдик. Улар ёрдам беришга қаттиқ ваъда қилишди. Ҳозир юқори доираларда барча ижодий союзлар учун махсус фонд ташкил этиш масаласи ҳал бўлмоқда, ижодкорларнинг турар-жойлари, кўкламдан бери қурилаётган 70 квартирали уйимиз учун қўшимча маблағ ажратишга ваъда олдик. Шу кунларда уюшмамизнинг янги биноси ишга тушди. Ўйлайманки, бу бинога кўчиб ўтишимиз билан у ерда ҳали айтган нашриётимизни очиш имконияти туғилади. Ёшларнинг асарлари, умуман, ўқишли китобларнинг ҳаммаси ўз жамғармамизнинг ўз нашриётида босилмоғи, фойда бермоғи, бу фойда ёзувчиларимизга, айниқса, ҳеч жойда ишламайдиган адибларимизга моддий таянч бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса, яна айтаман, жамғармамиз ёнида кичик корхоналар, хилма-хил цехлар, керак бўлса, фабрикалар очишимиз, спонсорлар топишимиз керак. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейди халқимиз. Ҳозир шундай ишларни амалга ошираётган вилоят бўлимлари бор. Жиззах, Сирдарё, Қўқон шу йўлдан бориб тўғри қилаяпти. Йўлдош Сулаймон Фарғонада жойнамоз цехи очди. Мен битта жойнамозингни арзон нархда сот, пенсияга чиқиб намоз ўқиб ётай, десам, бермади, хасис! Мен ҳам: «Бўпти, сотмасанг сотма, жойнамозсиз мен ҳам пенсияга чиқмайман», дедим унга. Бу ҳазил ўртоқлар. Лекин чини шуки, бугун бойваччалик кетмайди. Чамаси, бизнинг хўжалик соҳаси билан шуғулланадиган ходимларимиз, жамғармамиз раҳбарлари устамонликни ўрганиш пайти келди. Лозим бўлса, уюшмамиз штатини қисқартириб, жамғарма штатини кўпайтиришимиз ва бу штатларга ишбилармон, чаққон йигитларни жалб этишимиз даркор.

Эндиликда биз Москвадан марҳамат кута олмаймиз. Иттифоқ Адабиёт жамғармаси батамом синди. Шунинг учун, яна айтаман: биз ўз қозонимизни ўзимиз қайнатишимиз ҳақида ўйлашимиз керак. Очиғини айтсам, ҳаммамизда бир қусур бор: ёзувчилик оламида номи чиқмаган, аммо замонавий, уддабурон кишиларни ишга жалб этсак, дарров гап-сўз бошланади. Бу гап-сўзларга чек қўйиш умидида биз обрўли адибларимиз бошчилигида маиший масалаларни ҳал этувчи катта комиссия туздик, комиссия ҳозир жамғармамиз иши билан жиддий шуғулланмоқда!

Дўстлар!

Куни кеча бўлиб ўтган котибият мажлисида оқсоқол адибларимиздан бири: «Сиёсат жонга тегди. Кириш сўзингиз сиёсатдан йироқ бўлса, у адабий-бадиий муаммоларга бағишланса», деган истак билдирди. Мен бу истакни ундоқ айлантириб кўрдим, бундоқ айлантириб кўрдим, аммо ҳарчанд уринмай, сиёсатдан қочиш йўлини тополмадим. Зотан, бугун, қудратли империялар чок-чокидан кетаётган, етмиш йиллик яккаҳокимлик оқибатида улкан мамлакатни боши берк кўчага олиб кириб қўйган компартия картон бинодай емирилаётган, инсоният тарихидаги энг тўғри, энг адолатли, энг илмий назария деб аталган марксизм-ленинизм назариясининг миси чиққан бир вазиятда адабиёт ва унинг ижодкорлари ўзларини сиёсатдан четга олиб, соф адабиёт билан машғул бўла оладиларми? Йўқ, бўлолмайдилар. Агар у ҳақиқий адабиёт бўлса, агар унинг ижодкори халқ ғами, халқ ташвиши, дарду ҳасратларининг чин ифодачиси бўлса, бир чеккада томошабин бўлиб туролмайди.

ШУ КЕЧА-КУНДУЗДА жумҳуриятимизда эълон қилинган мустақиллик муносабати билан президентимиз Ислом Каримов дастурхон ёзиб бир гуруҳ адиблар билан суҳбат қурдилар. Ўйлайманки, кўпчилик бу суҳбатдан ризо бўлди. Чунки бу суҳбат илгариги суҳбатларга ўхшамаган, ниҳоятда ошкора, мадҳиябозликдан йироқ, томонлар ўз фикрлари, ўз қарашларини бемалол изҳор этиш имконига эга бўлган самимий бир давра бўлди.

Ёзувчилар Жумҳурият Мустақиллиги ҳақидаги фармонга ва бу йўлдаги раҳбарларимиз жасоратига юксак баҳо беришди, халқимиз асрлар давомида орзу қилган бу мустақилликни чин юракдан қўллаб-қувватлашларини, бу йўлда яхши сўз билан ҳам, яхши ният, яхши амалий ишлар билан ҳам ёрдам беражакларини изҳор этдилар. Айни замонда ёзувчилар биз учун ҳаётмамот бўлмиш матбуот ва телевидение эркинлиги, ижод эркинлиги ҳақида ва бу эркинликни таъмин этишга қодир бирдан бир омил — кўппартиялилик деган масалани кўндаланг қўйишди. Маданият, матбуот қўмитаси ва унинг нашриётларидаги турғунлик ҳолати тўғрисида ёзувчилар тақдирига беписандлик, иш ўрнига «олма пиш, оғзимга туш» қабилида йўл тутаётган ўртоқлар ҳақида, кадрлар танлаш борасида йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар ҳақида ниҳоятда дадил, ошкора, айни замонда, жонкуярлик руҳида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Суҳбат давомида пахта яккаҳокимлиги ва унинг мудҳиш оқибатлари, жумҳуриятимиз мустақил деб эълон қилингани ҳолда, куни кеча «Ўзбек иши» деб халқимизни ҳақорат қилган эллардан муҳожирлар дарёдай оқиб келаётгани тўғрисида ҳам адибларимиз безовталик, жонкуярлик билан гапирдилар. Маҳаллий аҳолига прописка қатағон қилингани ҳолда, чет жумҳуриятдан келган пулдорлар оппа-осон пропискадан ўтаётганлари, энг шоҳона уйлар, ҳовлилар, қаср янглиғ ҳовлиларни эгаллаб олаётганлари, зотан, шаҳар бедарвоза қолганлиги қаттиқ танқид қилинди. Учрашувда раҳбариятга нисбатан фақат ҳамду сано ўқиётган, сўзда ўзбек халқини қўллаб, амалда унинг тили, мустақиллигига қарши пинҳона кураш олиб бораётган раҳбарлар фош этилди. Ҳом сут эмган банда, ёзувчиларнинг бу ҳақгўй, журъатли чиқишларини ички бир ифтихор билан эшитиб ўтириб, уларнинг шаклланишида уюшмамизнинг ўрни катта бўлмаса ҳам, уларнинг жафокаш халқимизга садоқатли фарзанд бўлиб етишишига биз лоақал халақит бермадик-ку, деган фикр менга таскину тасалли берди. Муҳими бу эмас, албатта, муҳими — жумҳуриятимиз раҳбари адибларимизнинг бу чиқишларига тўғри баҳо бердилар, ҳаққоний гапларни самимий қабул этдилар ва барча танқидий фикр-мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиқишга қатъий ваъда қилдилар. Шу куннинг эртасигаёқ оғиримизни енгил қилишга қаратилган, тўхтаб қолган қурилишларимизни юргизиб юбориш, бюрократик ташкилотларда эътиборсиз ётган илтимосларимизга йўл очиш борасида зарур топшириқлар бердилар. Президентнинг бу самимий муносабатига суянган ҳолда, шунингдек, ҳар бир виждонли адибнинг энг олий бурчи, халқ орзусини изҳор этиш деган ақидадан келиб чиқиб, съезд номидан жумҳурият раҳбарларига бир-иккита истак ва таклифлар билан мурожаат қилсам, ноўрин бўлмас деб ўйлайман.

Биринчиси. Шу кунларда барча зиёлилар, айниқса, адабиёт аҳли орасида битта ташвишли ўй айланиб юрибди. У ҳам бўлса, деярли кўпчилик жумҳуриятлар, жумладан, коммунистик партияга асос солинган Россияда бу партия тугатилса-ю, бизда янги партия ниқоби остида фақат унинг номигина ўзгариб қолмасмикан? Биз президентимиздан илтимос қилдик: бу партия ҳам бошқа партиялар қаторида иш кўрса! Жумҳуриятимизда мактаблар, шифохоналар, болалар боғчаларининг аҳволи оғир. Агар компартиянинг беҳисоб бинолари ва маблағлари шу аҳволни тузатиш учун инъом этилса партия ҳам, раҳбаримиз ҳам раҳматлар тагида қолардилар. Коммунистлар орасида соғлом кучлар, ҳалол инсонлар кўп. Улар бизни қўллаб-қувватлашларига аминмиз.

Иккинчи илтимосимиз: учрашувда президентимиз жумҳуриятимизда кўппартиялилик жорий этилади. «Бирлик» миллий халқ ҳаракатига ҳам рухсат берилади, деб айтган эдилар. Бу ишлар тезлаштирилиб, халқ партиясининг таъсис съездигача амалга оширилса халқнинг савобига қолардик.

Учинчи истагим: ўзбек халқи ҳақиқатан байналмилал халқ эканини амалда исбот этган халқ. Биз жумҳуриятда яшаётган барча миллатларга баробар қарашимиз зарур. Бу бизнинг энг олий инсоний бурчимиз. Лекин, юқорида айтганимиздек, бедарвоза шаҳримизга чет жумҳуриятдан келаётганларга йўл очиғу ўз аҳолимизга, ҳатто истеъдодли ижодкорларимизга ҳам дарвоза берк. Оқибатда, олий маълумотли, ёш, талантли адибларимиз ҳам ўз вилоятларига қайтиб кетишга мажбур бўлаяпти. Илтимос, истисно тарзида бўлса ҳам, шаҳар совети ҳар йили лоақал 20—30 энг истеъдодли ёшларни прописка қилса.

Тўртинчи истагим: машина ва уй-жой билан таъминлашнинг қийинчиликларини ҳисобга олиб, президентимиз бу ишни эндиликда Вазирлар маҳкамасига топширамиз, дедилар. Илтимос: шу масала тезроқ ҳал бўлса. Адабий бино маркази қурилиб битди ҳисоб. Унинг подвалида катта босмахона очиш имконлари бор. «Ёзувчи» нашриёти ва биз режалаштираётган хўжалик ҳисобидаги нашриётларни бирлаштириб, катта нашриётга айлантирилишига яқиндан ёрдам берилса.

НИҲОЯТ, ОХИРГИ ИЛТИМОС. Бу илтимос ижодий эркинлик, телевидение ва матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги билан боғлиқ. Биз жумҳуриятда раҳбарларининг тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, кўчаларимизга танк кирмаслиги, қон тўкилмаслиги борасидаги ҳаракатларини жуда-жуда қадрлаймиз. Уйга совуқ шабада кирмаслиги учун эшикни бекитиш керак, албатта, аммо совуқ кирмасин деб дуд ва тутун чиқиб турадиган туйнукларни ҳам бекитиб ташлаш — бу ниҳоятда хатарли. Бундай уйда истиқомат қилувчи хонадон соф ҳаво етишмасдан бўғилиб қолади. Туйнукларни ёпиб бўлмайди.

Сизлар бу гапларга қўшилсангизлар, мен нутқимга нуқта қўйсаму ўз дардларимиз, адабиёт ва ижодга боғлиқ масалаларга ўтиш учун сўз навбатини сизларга берсак.

МУҲАММАД СОЛИҲ МАЪРУЗАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Низоми ҳақида уюшма бошқарувининг котиби Муҳаммад Солиҳ маъруза қилди. У низомга киритилган ўзгаришлар, билдирилган таклиф-мулоҳазалар хусусида ахборот берди ҳамда уюшма фаолияти тўғрисида бундай деди:

«Мен Ёзувчилар уюшмасида деярли уч ярим йил ишладим. Бу унча катта муддат эмас, аммо ёзувчилар ташкилотининг фаолияти моҳиятини англаш учун етарлидир. Мен тушундимки, бу ташкилотнинг асосан учта жабҳаси бор.

Биринчи ва энг муҳим жабҳа бу — юбилейлар ва мукофотлар жабҳаси экан.

Иккинчи, аммо «муҳимликда» юбилейлардан қолишмайдиган жабҳа — бу ҳовли-чорбоғ, уй-жой, машина тақсимоти жабҳасидир.

Учинчи ва унча муҳим бўлмаган жабҳа — бу ижодий жабҳа. Буни жабҳа демаса ҳам бўлади, чунки бу масала билан биз уюшмада эмас, уйимизда шуғулланамиз.

Масалан, мен котиб бўлиб, домла Асқад Мухторни шеър ёзишга ўргатолмайман. Худди шунингдек, ҳаваскор шоирни ҳам бундай ишга ўргатиш қийин. Бу мантиққа уюшма аъзолари ҳам, уюшма котиблари ҳам беихтиёр риоя қиладилар ва шунинг учун учинчи жабҳада одам кам. Бундан ташқари, аъзоларимизнинг асосий кўпчилиги биринчи ва иккинчи жабҳада фаолият кўрсатадилар. Учинчи жабҳада ҳеч қачон кворум бўлмаган...

Ҳурматли дўстлар, ҳисоб берар эканман, шуни тан оламанки, мен бу учта жабҳада ҳам сизлар истаган ютуққа эришолмадим. Юбилей ва мукофотларни мендан уқувлироқ котиблар ҳал қилди. Машина, ҳовли-чорбоғ ва ҳоказо неъматлар тақсимотига ҳам аралашолмадим. Ёш ёзувчиларнинг бир нечтасига «оқ йўл» ёзиб бердим ва бундан ҳалигача хижолатдаман.

Менинг уюшмада қилган ишим, асосан ёзувчиликка алоқаси бўлмаган одамларни қабул қилиш, уларнинг дийдиёсини тинглаш бўлди. Котиблик мансабини суиистеъмол қилиб, военкоматга, судга, прокурорга қўнғироқ қилиш билан машғул бўлдим. Ёрдамим тегдими йўқми, худо билади, аммо шу билан шуғулландим.

Уч йил ичида ўнтадан ошиқ катта мажлис ўтказдим. Ва буларнинг бирортаси ҳам, афсуски, бадиий ижодга алоқаси йўқ эди. Бу мажлислар экология, тил, миллий ҳуқуқ ва ҳоказо масалаларга бағишланган эди.

Баъзи ёзувчилар тўғри хафа бўладиларки, ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда Ёзувчилар уюшмаси адабий ташкилот эмас, сиёсий ташкилотга айланиб кетди. Бу гуноҳда менинг ҳам айбим бор. Чиндан ҳам, кейинги тўрт йил ичида бу ижодий уюшма жумҳуриятда партаппаратга қарши турган ягона демократик марказга айланди. Монокультура ҳам, давлат тили ҳам, экология ва ҳатто мустақиллик ҳақидаги биринчи фикрлар уюшма минбаридан айтилди. Кўпларнинг ғашини келтирадиган «Бирлик» ҳам, «Эрк» ҳам шу ерда тузилди.

Бу воқеаларнинг нақадар фойдали ёки нақадар зарарли эканини вақт кўрсатади. Ҳар ҳолда мен бир ёзувчи сифатида шу жараёнда қатнашганимдан афсусланмайман. Агар вақт такрорланса эди, ҳеч иккиланмай яна шу иш билан шуғулланган бўлар эдим.

Мен уюшмага келиб, шахсий манфаатни кўзладимми? Ҳа, кўзладим. Юқорида саналган муаммоларнинг ҳаммаси менинг шахсий манфаатим эди.

МУЗОКАРАЛАР

Шоир **Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ** қурултойда иштирок этаётган бир гуруҳ ёзувчилар номидан таниқли адиб Шароф Рашидовнинг адабий фаолиятига қайта баҳо бериш, унинг адабиётимиздаги хизматларини одилона эътироф этиш таклифи билан чиқди.

Муҳокамада биринчи бўлиб ёзувчи **Ҳаким НАЗИР** сўз олди. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Одил Ёқубовнинг маърузасини маъқуллаб, маъруза яхши таассурот қолдирганини, анча мазмунли, жиддий, таъсирчан чиқканини таъкидлаб гапирди. Агар қурултойимиз ҳам шундай ўтадиган бўлса чакки бўлмайди, деди адиб.

Ҳ. Назир асосан болалар адабиёти билан боғлиқ муаммоларга тўхталди, бу адабиётни четлаб ўтиш, унга беписанд қараш давом этаётганидан қайғуриб гапирди. Айни замонда чоп этилаётган асарлар сифатига кўра ҳам, нашрига кўра ҳам мақтагулик эмас. Шу билан бирга ёш китобхонлар манфаатига путур етмоқда. Китоблар нархи жуда ошиб кетаётир. Биз маънавиятдан, болалар манфаатидан иқтисод қилишимиз ноўрин.

— Менинг назаримда, — деди сўзининг давомида Ҳ. Назир, — болалар адабиёти тарғиботини кучайтириш керак. Радио ва телевидение бу борада жуда қулай ва кўп имкониятларга эга, бироқ болалар адабиёти тарғиботи уларда ҳам жуда ачинарли аҳволда. Боз устига бугун нарх-наво том баравар сакраб турган бир шароитда ёзувчи ва шоирга тўланаётган қалам ҳақи жуда кам; таклиф қилардимки, ҳукуматимиз бу масалани қайта кўриб чиқса.

Сўзининг охирида Ҳ. Назир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Низомига доир таклифларини айтди.

— **БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ.**

Аввало, мен барча ёзувчиларни — халқимизнинг асл гуллари бўлган етук мураббийларни тарихий қурултойингиз билан муборакбод этаман. Аллоҳ таоло бу анжуманларингизнинг хайрли, дўстона ўтишини, халқимиз қалбига яхшилик бўлиб етиб боришини тилаган бўлсин, — деб бошлади ўз қутлов сўзини қурултойга таклиф қилинган Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари диний бошқармасининг бошлиғи ҳазрат **Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ.** — Сиз ёзувчилар халқимизнинг ғами билан яшадингизлар, унинг энг яхши ниятларини амалга ошириш йўлида қалам тебратдингизлар. Бу ёзган ажойиб асарларингиздан ҳам маълум. Лекин халқимизнинг ҳозирги аҳволи сизлар янада кўпроқ меҳнат қилишларинтизни тақозо этади. Шу учун қурултойдан кейин сизларнинг ҳаётларингизда туб бурилишлар бўлиши лозим. Бу бурилишлар нималардан иборат? Аввало, сизлар олдингидек раҳбарларни эмас, халқни улуғламоқ йўлидан боришларингизни тилардим. Қолаверса, сизлар фақат ҳақиқат йўлига, халқ манфаатига хизмат қиласизлар, деб умид қиламан.

Халқимиз қадим-қадимдан юксак маърифатли, маданиятли, имон-эътиқодли бўлган. У доимо маънавий юксалиш учун интилган. Лекин кейинги 74 йиллик ҳаёт бизни моддий нарсаларга қарам қилиб қўйди. Натижаси эса аён. Ҳисобот докладдан маълум бўлдики, ҳатто ижодий ташкилот ҳам бундай иллатдан четда қолмаган. Ижодкорларимиз орасида ҳам раҳбарликка интилганлар, машина, уй, ҳовли-чорбоғ ва бошқа моддий бойликлар кетидан қувганлар бор экан. Эндиликда, ана шу дарддан, моддий бойликлар қуллигидан халос бўлишингиз керак.

Қурултойда Коммунистик партиянинг жумҳуриятимизда номини ўзгартириб, ўзининг эски мавқеини асраб қолишга интилаётгани тўғри танқид қилинди. Умуман, бу партия ҳозиргача 13 марта номини ўзгартирган ва эндиликда 14-марта номини янгилаб, ҳукмронлигини асраб қолмаслиги керак. У ҳам бошқа партиялар ва ташкилотлар каби ҳуқуққа эга бўлиб иш юритиши лозим.

Муфти диний ташкилот билан ижодкорлар ўртасида ҳамкорликлар чиқаяётганини бу халқнинг маънавий камолоти учун хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтди.

«Мулоқот» ойномасининг бош муҳаррири **Барот БОЙҚОБИЛОВ** ўз сўзини шундай бошлади: биз, ўзбеклар сўнгги 130—140 йил мобайнида мустамлака зулми остида ўзга мафкурага бўйсуниб яшаган халқмиз. Миллий мафкурамизни ўзимизга бегона қилишиб, миллий анъаналаримиздан, расм-русумимиздан, урф-одатларимиздан айирдилар. Динимиз ўзимизга душман қилинди. Масжидлар, мадрасалар бузилди, миллий мактабимиздан ном-нишон қолмади. Зиёлиларимиз қатағон қилинди. Ҳарқалай, ўзбеклар ўзлигини таний бошладилар. Аста-секин мозий қопқалари очилмоқда. Энди Ўзбекистон жумҳурияти мустақилликка эришган экан, ўзбек халқи ўзининг асрий мафкурасини — ўзбек мафкурасини қайта тиклаши лозим. Ўзбекистон жумҳурияти Истиқлолга эришган экан, ҳар бир киши мустақил фикрини баён этиши учун барча имкониятлар яратилмоғи лозим. Ҳар бир фуқарога сўз ва фикр эркинлиги, ижод ва ҳаракат эркинлиги таъминланмоғи даркор. Ўзбекистон адиблар уюшмасининг, унинг раҳбари О. Ёқубовнинг хизмати туфайли уюшмада эркин фикр учун шароит яратилди. Ўзбекистонда ҳур фикрлилар маркази адиблар уюшмаси бўлди. Жумҳурият бўйлаб эркин фикрнинг тарқалиши бевосита ёзувчилар номи билан боғлиқдир.

Ўзбек адабиётининг янги авлодига ҳавас қилгулик. Одатда устозлар кетидан шогирдлар эргашарди. Бугун эса шогирдлар кетидан устозлар эргашса арзийди, менимча. Янги авлод истиқлол ва эрк йўлида ўтли жабҳага отилдилар...

«Мулоқот» жаридаси қисқа фурсатда жамоатчилик эътиборини тортди. Унда ўзбек халқининг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида мунозарали мақолалар босилди. Айниқса, хориждаги ўзбеклар тақдири хусусидаги мақолалар кенг шуҳрат қозонди. Жаридада миллатдошимиз, улкан муаррих Боймирза Ҳайит билан мулоқот қилинди. Бу суҳбат туфайли жарида жамоаси бошига таъна тошлари ёғилди. Ҳарқалай, илғор ўзбек адиблари, унинг навқирон авлоди жарида жамоасини ҳимоя қилди.

Шундан сўнг нотиқ ижодкорларни моддий ва маънавий жиҳатдан муҳофаза қилиш масалаларига тўхталди. Янги тузилаётган халқ демократик партиясининг собиқ комфирқага ворислиги хусусида танқидий мулоҳазалар билдирди. Адибларни «Эрк» демократик партияси дастурини қўллаб-қувватлашга чақирди. Сўнгра фикрини давом эттириб бундай деди: «Мулоқот» жаридаси янги йилдан бошлаб ойнома журналистлар жаридаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Эрк» демократик партияси муассислигида нашр қилинади. Жарида жумҳуриятимиз ва хориждаги ўзбекларнинг илғор ва ҳур фикрли намояндалари билан мулоқотни давом эттиради... Биз мустамлака жумҳуриятнинг адиблари эдик. Мустамлака давлатнинг халқ ёзувчиси бўлгандан кўра мустақил давлатнинг оддий ёзувчиси бўлишни афзал деб биламан.

— Биз етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида амалга ошмайдиган мақсад билан яшадик, — деди ёзувчи **Саид АҲМАД.** — 20-йилларда байроқларни бахмалдан қилишарди ва бу бахмал байроқларни неча марта қайта т

Боши иккинчи бетда

— Ҳурматли жамоа, — деб қурултой аҳлига мурожаат қилди Ўзбекистон халқ шоири **Эркин ВОҲИДОВ.** — Мен жуда қисқа гапирмоқчиман. Сизларни ҳам қисқа гапиришга чақираман. Иш қилайлик. Одил ака, сизни бутун бошқа бир замонда раисликка сайлаган эдик. Бутун бир бошқа замонда сизнинг ҳисоботингизни эшитдик . Шу озгина вақт, тарихнинг шу озгина вақти ичида бошимиздан бутун бир инқилоб кечди. Менинг кўз олдимда турибди: Сиз эшикдан ўша вақтда идеология секретари бўлган одам билан бирга кириб келгандингиз. Съездимиз бошдан охиригача ҳар гал партия раҳбарлигираҳнамолиги остида ўтган эди. Ва биз ўша вақтда ҳаммамиз ўзимизни партиянинг дастёри, деб билардик, партияга хизмат қилиш адабиётнинг бурчи, деб ҳисоблардик. Бугунги съезд, кеча бўлиб ўтган пленум, масалан, бу мажлисни олдиндан тайёрлаш мумкин эмаслигини, энди бутун бир бошқа замонда яшаётганимизни кўрсатиб турибди.

Мен мана шу руҳ бугун ҳоким бўлишини ва эркин фикрга йўл очилишини хоҳлардим. Бу ерда ўртага қўйилаётган масалаларни ҳам тезда ҳал қилиш ҳақида таклиф киритаман. Биринчи. Мен бундан илгарироқ — баҳорда касбдош дўстларимга мурожаат қилиб, иккита хавф борлиги тўғрисида айтганман. Биринчиси — тоталитар тузум хавфи. ГКЧПнинг уч кунлик ҳукмронлиги мана шундай хавф борлигини кўрсатди ва бизнинг республикамиз, агарда ГКЧП ҳақиқатан ҳам ғалаба қозонганда, бутун Иттифоқда намунали республика, деб кўрсатилиши мумкинлиги тўғрисида ҳам ҳаммамиз биламиз. Шу хавф ҳозир ҳам йўқ эмас. Мен КПССнинг меросхўри деб эълон қилинган партия тўғрисида шу ерда дўстларим айтган ҳамма гапларга қўшиламан. Ҳозир бу партия тўғрисида гапларимизни айтиб турган вақтда областларда ҳамма жойда ўша партияга аъзолар ёппа қабул қилинаётганлиги маълум. Областлардан хабарлар келиб турибди. Шундай мазмундаги гаплар кўнгироқлар орқали ҳамма даражадаги раҳбарларга айтилаяпти. Шу жумладан, менга ҳам кўнгироқ қилинди. Мен йил бошида коммунистик партия сафидан чиққанман. Мен унинг меросхўри бўлган партия сафига кирмайман.

Биз бугун мана шу гапни айтишимиз керак. Чунки бу хавф, биринчидан, маданиятимизга бўлган хавф, халқимизнинг устидаги жуда катта хавф, адабиётимиз устидаги хавф. Биз яна ўша исканжа замонига, яна ўша таъқиб замонига, яна ўша цензура замонига қайтишни истамаймиз. Чунки ўша цензура матбуот ҳақидаги Қонун эълон қилинганидан кейин ҳам — телевидениеда ҳам, газеталарда ҳам — ҳамма ерда ишлаб турибди. Биз Олий Советда ўтирганлар баъзан иложсиз, баъзан ожизлик қилиб қоламиз. Мен ана шундай пайтда дўстларимга, имонли дўстларимга, ёзувчиларга суянгим келади.

Мен яна бир хавф хусусида гапирмоқчиман. Бу бизга ҳам боғлиқ гап. Бу — юртимизда миллатлар ўртасидаги низо хавфи. Биздан ҳозир узоқда — Қорабоғда, Кавказда, бошқа жойларда бўлаётган низо бизга йироқдек бўлиб туюлади. Лекин мана шу хавф бизнинг ҳам устимизда турганлигини ҳис қилмаяпмиз. Қани бизнинг борди-келдилар, қани Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги илгариги дўстлик?! Биз ахир охирги марта дўстларимизни кўрганимиз, борди-келди қилганимизга анча бўлди-ку! Агар қирғизлар билан борди-келди қилиб турганимизда халқнинг кайфиятини сезардик-ку. Бошқа жойларда ҳам. Биз мана шунга йўл қўймаслигимиз керак. Агар шундай хавф бўлса, даҳшатли бунинг олдини олишимиз керак. Ёзувчилар уюшмасининг кейинги вазифаларидан энг асосийси шуки, биз ёзувчи дўстларимизни, қардош ёзувчи дўстларимизни ҳар кун кўриб, гаплашиб туришимиз керак.

Мен яна бир хавф хусусида гапираман, дўстлар. Мана иқтисодий ислоҳлар бошланганига қанча вақт бўлди. Лекин ислоҳлар бўлаётгани йўқ. Ҳукуматимизнинг иқтисодий режаси йўқ. На Иттифоқда, на жумҳуриятда аниқ иқтисодий режа йўқ. Шунинг учун борган сари иқтисодимиз ортга қараб кетяпти. Дунё тараққиётида битта йўл бор: мулк эгасида бўлади — унинг отини капитализм деб атайди ва биз ундан қўрқамиз. Уни рақобат, демократия бошқаради. Иккинчи йўл — мулк давлат ихтиёрида бўладиган йўл. Яъни матбуот ҳам, мулк ҳам давлат ихтиёрида туради. Ва қамчигина, хавфсизлик хизматининг тўппончасигина одамларни ишлатади. Биз икки йўлдан биттасини танлаб олишимиз керак. Биз партиянингку зуғумини йўқотдик. Лекин иккинчи йўлга ўтганимиз йўқ. Бу зиммамизда турибди. Агарда ерни деҳқонларга, мулкни эгаларига бермасак, завод-фабрикаларни ишчиларга, одамларга бермасак — очлик бўлиши муқаррар. Икки йўл ўртасида турибмиз. Бунга, яъни мулкни эгаларига беришга ҳозирги раҳбар система — маъмурий бюрократик система қодир эмас. Биз халқни ўйламасак, бу система ўйламайди. Система одамлари жойини йўқотгиси келмаяпти, лавозимга маҳкам ёпишиб ўтирибди.

Бизлар арра тортмоқдамиз,
аррамизнинг тиши йўқ.
Нега арра тиши йўқ, деб
сўрайдиган киши йўқ.
Чунки бизлар аноймас,
пишиб кетган кўзимиз—
Арра теккан ўша шохда
ўтирибмиз ўзимиз.

Нотиқ сўзининг охирида Ёзувчилар уюшмасининг таркибий тузилишини бутунлай янгилаш зарур, раҳбарликка янги одамлар, ёши 40—50 ўртасида турган навқирон, фикри янги одамлар келадиган давр етди, деб айтди.

Шоир **Мирза КЕНЖАБЕК** ўз сўзини турк шоири Ўрхон Валининг ушбу сатрлари билан бошлади:

Нималар қилмадик Ватан
учун,
Кимлар ўлди,
Кимлар нутқ сўзлади...

Биз янги аср бўсағасида турган ўзбек зиёлилари Ватан учун нутқ сўзлайдиганлар тоифасидан бўлиб қолдик. Ватан учун ўлганларнинг эса қабрлари ҳам топилгани йўқ...

Бугунги куннинг долзарб гапи — озодлик, миллий мустақиллик бўлиб турибди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг ташқи дунёга туташган барча йўллари кесиб ташланган. Кузатган бўлсангиз, давлат тўнтариши қилган — ГКЧП деб аталган хунта вакилларининг терговчилар сўроғига берган жавобларида асосан миллий жумҳуриятларга мустақиллик берилишидан кескин норозилик кайфияти яққол сезилиб турди. Биз Россия демократларининг жаҳон халқлари олдида қилган буюк хизматини эътироф этамиз. Лекин мен бугун бошқа нарсадан ташвиш ва таажжубдаман. Афсуски, Иттифоқни бошқача йўсинда сақлаш баҳонасида Россия мустамлакаларини қўлдан чиқармаслик истаги фақат ГКЧП аъзоларининг эмас, балки бу хунтага қарши бўлган кишиларнинг хатти-ҳаракатида, нутқ ва мақолаларида сезилиб қолмоқда. Ҳатто мана мен деган арбобларнинг демократиясида ҳам улуғдавлатчилик, улуғмиллатчилик шовинизми барқ уриб туради. Уларнинг хулосасида «Қуллар бўлмагунча озод халқлар бўлмайди», деган ғайриинсоний фалсафа бўй кўрсатиб қолади. Демак, биз мустақил бўладиган бўлсак, ҳеч қандай иттифоқнинг таркибида эмас, балки тўла-тўкис мустақил бўлишимиз керак. Улуғ қурилишнинг майда ташвишлари кўп бўлади. Мустақилликни халойиққа англатиш ўтган хатоларни дадил тузатишдан бошланади. Бизда одатда ҳамма ҳаракат фақат номларни, яъни ниқобни ўзгартириш билан чегараланмоқда. Ўтган даврда Ўзбекистон маъмурлари кўп жойларга таржимаи ҳоли фақат КПСС талабларига жавоб берадиган сип-силлиқ, итоаткор, ташаббуси йўқ, маърифатсиз одамларни қўйиб ташлаганки, энди буни тозалаш раҳбарларнинг зиммасидадир.

Энди нима қилиш керак? Биз мустақилликни халққа тушунтиришимиз керак, бунинг учун эса матбуот эркинлигини ўрнатиш лозим. Ахир, бизнинг телевидениенинг аҳволига бир қаранг! Қачон телевизорни бурасанг куй-қўшиқ, гўё дунёда бошқа гап йўқдай. Бундай ҳол қачонгача давом этиши мумкин. Тағин бир муҳим ҳал қилиш шуки, биз ватандошларимиз Боймирза Ҳайит, Мустафо Чўқай, Вали Қаюмхоннинг асарларини худди А. Қодирий, Чўлпон асарлари каби нашр этишимиз, уларнинг номи оқланиши, республика Олий Кенгаши томонидан тан олинишига эришмоғимиз шарт. Ўш, Фарғона, Паркент, воқеаларига сиёсий баҳо берилмади, баҳо эса битта — бу совет давлатининг киноятидир. Шунингдек, биз Умумиттифоқ референдумининг ноқонунийлигини ҳам очиб ташлашимиз зарур. Боймирза Ҳайит: «Туркистон ишғол қилинган ўлка, бироқ таслим бўлмаган миллат», деган. Биз бугун бирлашайлик.

Ҳозир раҳбарият атрофида, президент атрофида бирлашайлик, деган даъватлар янграмоқда. Фақат фалончилар атрофида бирлашайлик, деган сўз айрим кўнгли қолган ёки ихлоси қайтган халқпарвар демократларга малол келиши мумкин. Атрофида бирлашиш мумкин бўлган шахсларни тарих яратади. Бироқ шундай улуғ туйғулар, шундай муқаддас ғоялар борки, унинг атрофида бирлашмаслик жиноятдир. Бу — озодлик, мустақиллик ғоясидир. Биз мустақиллик атрофида ўз инсоний ҳуқуқларидан маҳрум этилган халқ билан бирлашайлик, деди сўзининг сўнгида М. Кенжабек.

— Ўш, Ўзган воқеалари кунлари мен Истанбулда эдим. Фожиани бутун тафсилотлари ила Америка суньий йўлдоши орқали ойнаи жаҳонда кўрсатишди... Франс-Пресс агентлиги «Ўрта Осиёнинг ваҳший халқлари бир-бирларини қира бошлади», деган мазмунда хабар тарқатди. Мана, даҳшатли ва қонли фожиага берилган талқин ва баҳо... — деб сўзини давом эттирди Жамол КАМОЛ. — Мен ўйланиб қолдим: қачондан бери биз «ваҳший халқлар» бўлиб қолдик? Нега бундоқ бўхтон ва уйдирмалар тарқатиляпти? Фитнанинг бир учи иттифоқ доирасидан чиқиб, халқаро доираларга бориб тақалмаяптими?.. Яқинда Исроилнинг бир министри, биз Ўрта Осиё жумҳуриятларининг алоҳида давлат бўлиб, Совет Иттифоқидан ажралиб чиқишини истамаймиз, деб очиқ-ойдин айтди... Хўш, бунинг маъноси нима? Болтиқбўйи жумҳуриятларига берилган мустақиллик нега Ўрта Осиё жумҳуриятларига раво кўрилмаяпти? Шу ҳақда ўйлаб кўрайлик...

Бу ерда бизга таҳдид солаётган очлик ҳақида гапиришди... Мен тағин ўйланиб қолдим. Ўзбекистон пилла тайёрлаш, қоракўл тери тайёрлаш режаларини бажарди. Пахта тайёрлаш режаси ҳам эртаиндин ошиғи билан бажарилади. Мева-чева, сабзавот ҳам бу йил кам бўлмади. Газ кетяпти, олтин кетаяпти... Савол туғилади: халқ астойдил ишлаётган, режалар ошиғи билан бажарилаётган бўлса, нега биз оч қоламиз? Демак, биз режани бажарсак ҳам, бажармасак ҳам, Иттифоқ оч қоларкан, оч қолаверамиз... Хўш, бундоқ Иттифоқ кимга керак? Демак, нажот — мустақилликда... Бу ҳайҳоватдек империядан қутулмасак, биримиз икки бўлмайди.

Ёзувчилар қурултойи: ҳаяжонли ва баҳсли гурунглар

Яқинда Туркиядан Талъат Олтойли деган бизнесмен келди. Қўлида телеграмма... Унда Туркия ҳукумати Ўзбекистонга юз минг тонна буғдой, юз минг тонна шакар бермоқчи эканлиги ёзилган... Ана шу телеграммани Тошкентга жўнатганимизга анча бўлди, — дейди Талъат Олтойли. — Аммо жавоб ололмагач, ортидан ўзим келдим... Излай-излай, топиб олдим... Бировлар уни керексиз қоғоздек бир чеккага ташлаб қўйишибди...»

Айтинг-чи, шу инсофданми? Нега Россияга Германия, Франция, Англия, АҚШ томонидан ёрдам берилиши мумкину бизнинг Туркиядан ёрдам олишимиз мумкин эмас? Такрор айтаманки, бу инсофсизлик...

Бир ёнда 130 йиллик мустамлакачилик жафосини чеккан, топталган юрт... Олдинда — истиқлол... Ўртада — кураш. Биз ана шу контекстда уюшмамизнинг ўрнини белгилаб олишимиз лозим... Менингча, Ёзувчилар уюшмаси фикрлар ўчоғи, ғоялар ўчоғи, руҳият ўчоғи бўлмоғи лозим. Тарих бизнинг елкамизга оғир вазифа юклади. Бугун тарихчи ҳам — биз, иқтисодчи ҳам — биз, ҳуқуқшунос ҳам — биз... Ўзбекистон Фанлар академияси ҳали уйқудан уйғонганича йўқ... Шу сабабли бутун зиёлилар учун ишлашга тўғри келади.

Жамол Камол президент сайловини ўтказиш, маориф ишларини яхшилаш, лотин алифбосига ўтиш, ерни деҳқонларга бўлиб бериш ҳақида гапириб, сўзини бундай якунлади: «Бу ерда Эркин Воҳидов бизга таҳдид солаётган турли хавф-хатарлар ҳақида сўзлади. Мен ҳам бир хатар ҳақида сўзламоқчиман... Мустақиллик учун кураш ҳокимият учун курашга айланиб кетмасайди деб қўрқаман... Унда бирлигимиз, ҳамжиҳатлигимизга путур етади, аҳволимиз вой бўлади. Зеро, авлодларимизга қолдирадиган энг буюк китобимиз — мустақиллигимиз, мустақил Ватанимиздир...»

Шоир **Усмон АЗИМОВ** жумҳурият мустақиллигини сақлаш йўллари ҳақида фикр юритди. Менинг назаримда, биздаги кўпчилик партиялар бир бўлиб халққа катта Мурожаатнома билан чиқиши, Декларация қабул қилиши керак, — деди у. — Ҳамма йўналишдаги партиялар мустақиллиқни мустаҳкамлаш учун бир-бирига ваъда бермоқлари лозим. Иккинчидан, Эркин ака айтган ҳавф бор, буни рад этиб бўлмайди. Очлик яқинлашиб келяпти. Шунинг учун ўша мен айтган Мурожаатномада мустақиллик йўлидаги қийинчиликлар, бу йўлнинг истиқболи тушунтириб берилмоғи зарур.

Бу ерда машина, дача масаласида ҳамма гапиряпти. М. Солиҳ ҳам гапириб ўтди. Энди, ўртоқлар, машинали бўлиб ҳам, дачали бўлиб ҳам бой бўлиб кетганимиз йўқ. Ёзувчилар жуда камбағал. Шу масалада, ёзувчиларга муносабат хусусида ўйлаб кўришимиз керак. Биринчидан, бизда авторлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш даражаси доим паст бўлиб келган. Менинг назаримда, бозор иқтисодиётига кириб келаётган шароитимизда ҳар битта ёзувчининг кичкинагина бир ҳуқуқи ҳам ҳимоя қилинмоғи лозим. Масалан, дейлик, телевидениеда, радиода, грампластинкаларда кетадиган нарсалар учун ёзувчига ҳеч қачон бирон сўм тўланмайди. Ҳолбуки, барча маданийлашган, маърифатли давлатларда бу нарсаларга ҳақ тўланади. Телевидение ва радиода шоирларнинг шеърлари асосидаги қўшиқлар тўхтовсиз эшиттирилади. Бунинг учун шеър эгаларига ҳақ тўлаш амалга оширила бошланса, бу ҳам ҳеч бўлмаганда ёзувчига кичкина ҳурмат бўлур эди.

Биз бозор иқтисоди шароитида ёзувчилар нима қиламиз? Менинг назаримда, ўртоқлар, масалани аниқ қилиб қўйишимиз керак: ҳамма маърифатли давлатда, ҳамма маърифатли миллатда ҳукумат адабиётга ғамхўрлик қилган...

Нотиқ сўзи якунида бадиий асарларга тўланадиган, қалам ҳақи миқдорини ошириш, бунда бозор иқтисодиётининг кескин шарт-шароитларини, пулнинг тобора қадрсизланиб бораётганлигини ҳисобга олиш зарурлигига тўхталди.

Шундан сўнг **Озод ШАРАФИДДИНОВ** таклиф билан чиқди. Республикамиз мустақиллиги эълон қилинди. Айрим жойларда бу тан олинди. Кўп жойларда тан олиниш арафасида, деди у. Шу кунларда сиёсий иттифоқ шартномаси тайёрланмоқда. Агар биз бу шартномага қўл қўядиган бўлсак, мустақиллигимиз қаерда қолади. Шунинг учун таклиф қиламан: иқтисодий шартномага қўл қўйган ҳолда, сиёсий шартномадан тийилиб турайлик.

О. Шарафиддинов таклифи овозга қўйилди ва маъқулланди.

— Ёзувчилар уюшмамиз кўп ишларни қилди. У ҳақиқий демократия мактаби бўлди. Лекин бу ишларимизда ҳамма ёзувчилар ҳам бақамти бўлдими? — деди **Ҳайриддин СУЛТОНОВ.** — Афсуски, йўқ. Масалан, Давлат тили ҳақидаги қонун борасида ёзувчилар орасида бир тиллиликни эмас, икки тиллиликни ёқлаб чиққанлар ҳам бўлди. Фитрат, Чўлпон, Қодирийларнинг адабий мероси тўла тикланмоқда. Лекин ҳозир ҳам орамизда уларга юрагида кек сақлаб юрганлар йўқми? Бор. Хўш, бундай ижодкорлар билан келгусида ҳам бир сафда бўламизми, бирга қадам ташлаймизми? Бу ахир виждонимизга хилоф-ку. Қолаверса, уюшма билетини чўнтагига солиб халқ дардидан узоқ юрганлар ҳам кўп-ку. Шунинг учун уюшмага 800 аъзо бўлиши шарт эмас, деб ўйлайман. Демак, сафимизда жиддий тозалаш ўтказиш керак.

Бугунги кунда Коммунистик партия ҳақида аччиқ гаплар кўп айтилмоқда. Лекин шуниси ачинарлики, бу аччиқ гапларни вақтида партиянинг бор мукофотию унвонларини олган, имтиёзларига эга бўлганлар ўзларини гўё қаҳрамонлардай кўрсатиб айтишмоқда. Ваҳоланки, ўша оғир пайтларда ҳақиқат учун курашганлар эндиликда четда қолмоқда. Яна ҳам таассуфли жойи шундаки, бу «қаҳрамонлар» ўтмишдаги ишлари учун виждонан тавба-тазарру қилганларми? Афсуски, йўқ. Бундайлар эса ёзувчилар орасида ҳам бор.

Хўш, Ёзувчилар уюшмамиз эндиликда қандай бўлади? У яна социалистик реализм лагери бўлиб қоладими? Йўқ, уни ўзгартириш керак. Биринчидан, унинг ташкилий тузилиши бошқача тартибда бўлиши лозим. Битта раис, бир-икки котиб, жамғарма раиси бўлса етади. Уюшманинг тарғибот маркази фаолиятини кучайтириш керак. Чунки ҳозирги кунда бу марказ яхши фаотият кўрсатмагани туфайли ва уюшма раҳбарлари кўрсатмасига мувофиқ чиқарилган томтом китоблар пештахталарда чанг босиб ётибди. Иккинчидан, уюшма хорижий мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиши лозим. Учинчидан, биз Фитрат, Чўлпон, Қодирийларни улар қатағон бўлгани учунгина тарғиб қилмаслигимиз керак. Балки улар бошлаган миллий анъаналарни, маҳоратни биз ижобий жабҳада давом эттиришимиз зарур. Тўртинчидан, мукофотларни ижодкорларга навбатма-навбат эмас, қилган ижодий ишларига қараб бериш керак. Масалан, 1989 йилда уюшманинг таржима соҳасидаги йиллик мукофоти Низом Комиловга берилган эди. Лекин кейин маълум бўлдики, бу мукофот уюшма раҳбарлари асарларининг чет эллардаги таржимонларига топширилибди...

Х. Султонов ўз нутқида «Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти ўзбек тилига давлат мақомини беришга нисбатан қарши фикр билдирди», деган мулоҳазаларида кимни назарда тутганлигини сўраб Т. Мирзо ва Ғ. Ҳотамовлар берган саволларига аниқ жавоб бермади. Истеъдодли ёзувчининг бундай мавҳум позицияси кўпчиликда норозилик ва шубҳа уйғотди. Чунки бундай мавҳумлик уюшманинг ҳозирги раҳбарияти ўзбек тилининг олий мақомига қарши чиқибди, деган нотўғри фикр шакллашишига олиб келиши мумкин. Аслида эса тил масаласига бундай муносабат уюшманинг бир неча йиллар аввал ишлаган раҳбарларига тегишли бўлиб, буни бошқаларга нисбат бериб айтиш адолатга зиддир.

Ёзувчи **Йўлдош СУЛАЙМОН** ўз сўзида айрим ёзувчиларнинг чиқишларида майда-чуйда, қитмирона гапларга урғу берилаётганлиги, андишасизлик хусусида афсусланиб гапирди. Баъзилар ким раҳбар бўлса, ўшанга тош отишни номақбул касб қилиб олаётганлиги ёзувчи шаънига тўғри келмайди, деб айтди. У «бир-биримизга нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлайлик, дилоғритар сўзлардан воз кечайлик», деб ҳамкасбларини инсоф ва диёнатдан юз бурмасликка чақирди. Вилоятлардаги адибларга эътибор камлиги хусусида сўзлади.

Ёш ёзувчи **Абулқосим МАМАРАСУЛОВ** вилоятларда туриб ижод қилаётган ёзувчи, шоирлар номидан гапириб, қишлоқ жойларда ҳануз бюрократлик, сансоларлик давом этаётганини, ҳали ҳам мансаб олиш учун нопок усулларни қўллаш ҳоллари бўлаётганини қайғуриб гапирди. У ёзувчи Шароф Рашидов туғилган кунни нишонлаш учун рухсат олиш ғоят мушкул бўлгани, охир-оқибат бу тадбирга ижозат беришларини сўраб республика президентига мурожаат қилишга тўғри келганини айтди. Бундай оворагарчиликларга чек қўйиш, ҳар бир ижодкорни меҳнати, хизматига яраша баҳолаш, бу йўлдаги ҳар қандай тўсиқ ва таъқиқларни олиб ташлаш зарур, деди сўзининг охирида А. Мамарасулов.

Шоир **Миҳожиддин ҲАЙДАРОВ** ўз сўзида қурултойга жумҳурият президенти Ислом Каримовнинг келмаганлигини ёзувчиларга нисбатан, халққа нисбатан ҳурматсизлик деб атади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг янги байроғидаги белгиларнинг қўйилиши ва бу белгилар ҳақида ёзувчи П. Қодиров берган шарҳ нотўғри, халқимиз миллий анъаналарига зид, улар суннийларники эмас, шиа мазҳабига хос белгилар деб баҳолади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши хусусида фикр билдирди. Қурултой ишига раислик қилувчи Президент девони маслаҳатчиси Бахтиёр Назаров Президентнинг Москвадалиги сабабли қурултойга қатнаша олмаётганлиги хусусида йиғилганларга маълумот берди.

— Қурултойимиз бошланишида сўзлаган муҳтарам ёзувчиларимиз Шукрулло ва Одил Ёқубов «Майда-чуйда гапларни қўйайлик, катта муаммоларни кўтарайлик!» деб қурултой аҳлига мурожаат этишганда, мен: наҳотки, биз майда-чуйдаларга эътибор берсак?! — деб ҳайрон бўлган эдим, — деб сўз бошлади munaqqid **Маҳмуджон НУРМАТОВ.** — Афсуски, шоир Усмон Азим, гарчи камёб бадиий истеъдод соҳиби бўлса-да, мен унинг нутқида, масалан, шу хил маъноні англадим. Унинг Абдусаид Кўчимов номига айтган танқидига қўшилиб бўлмайди. Ахир у ҳайъатга қурултой қатнашчиларининг кўпчилик овози билан сайланди-ку? Бирбиримизга кенглик қилишимиз зарур эмасми?! Менга Жамол Камолнинг гапи маъқул. У биз уюшмамизга ёки жумҳуриятимизга тегишли бирор муаммони ҳал этганда фақат ўзимизнигина эмас, Иттифоқ кўламини ҳам, жаҳон миқёсини ҳам ҳисобга олишимиз керак, деди...

Сўнгра нотиқ жумҳурият президентининг дадил қадамларини қўллаб-қувватлаш ва айрим иккиланишларини дўстона айтиш зарурлиги, Ўш фожиаларига муносабат масаласи ҳақида сўзлади. Чўлпон ижодининг биринчи тадқиқотчиларидан бўлмиш профессор Ҳомил Ёқубов ҳақидаги мақоласини «Шарқ юлдузи» журналида чоп эта олмаётганлиги учун журнал шаънига танқидий фикр билдирди ҳамда келаси йили Ҳ. Ёқубовнинг 85 ёшга тўлишини нишонлаш учун Ёзувчилар уюшмасида комиссия тузишни таклиф этди.

— Тўлғоқли, ниддатли, оғриқли бўлди, икки қурултой оралиғидаги давр, — деди шоира **Гулчеҳра НУРИЛЛАЕВА.** — Ўз-ўзимизни англаш, ўзимизга бошқатдан назар ташлаш даври бўлди. Энг муҳими, ҳар бир ёзувчининг позицияси беш қўлдай аён бўлиб қолди. Назаримда, бу борада ёзувчилар икки тоифага бўлинганга ўхшайди: бирлари, қани воқеа қаерга кетаркин? — деб сукут ичра кузатувчилар. Иккинчилари, юрт учун, тил учун, мустақиллик учун мана энди кураш фурсати етди, деб майдонга тушганлар. 70 йиллик уйқудан, карахтликдан кейин ажиб бир уйғониш бошланди. Бу уйғониш, бу тўлғониш ташаббускорлари асосан ёзувчилар бўлгани ҳаммадан қувонарли.

Мен Ёзувчилар уюшмасининг катта залига сиғмаган ҳолда «Орол яшаши керак!» деб жунбишга келаётган замондошларимни фахр билан эслайман. Мен Фарғона фожиасининг илк куниёқ «Бизнинг ўрнимиз Фарғонада» деб, у ерга отланган 14 фидойи ёзувчини ғурурланиб тилга олишни хоҳлайман. «Юртим тили бўлсин онам берган тил» дея майдонларни тўлдирган юрдошларимга бош-қош бўлган фидойиларнинг жуда кўпчилиги ёзувчилар эканидан бошим осмонда. Биламан, улар орасида «Халқ ёзувчиси» унвонлилари борми-йўқдай, лекин аслида ўша унвонсизлар эди халқ ёзувчилари. Мен Оролга нажот истаб Тошкент билан Нукус орасида ҳафта сайин, йиллаб қатнаган ёзувчиларимизни биламан. Улар ҳам унвонсиз, нишонсиз. Лекин барча унвон, барча нуфузларга аслида улар лойиқ. Мен «Бўстонлиқни асрайлик»! деб, марказдан юборилган қайсидир тил билмас, эл суймас ноибларнинг тикка ташлашган, газеталарда урилиб, номи қорага чиқарилмоқчи бўлган ёзувчиларимизни биламан. Мен бундай дўстларим билан фахрланаман.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси уларга бир қадар эркин муҳит яратди. Уюшмамиздаги озми-кўпми демократик иқлим қанотлантирди, уларга ҳомийлик қилди. Улар қанотланиб, халқни уйғотишга, қанотлантиришга отланишди. Кимларгадир ёқмади халқнинг кўз оча бошлагани. Фитналар, қонлар... Лекин қуллигимизни ҳаммамиз яп-писига англадикми? Ўзимизни халқ хизматига, адолат хизматига яп-писига чоғладикми? Ўнвону мукофотлар амалу имтиёзлар таъмасидан яп-писига поклана олдикми?

Мен бугун ўтаётган қурултойимиз чин маънодаги покланиш, чин маънодаги тавба-тазаррулар қурултойи бўлишини истардим. Қоғозда эмас, амалда бўлса покланишлар. Қоғозда эмас, амалда бўлса тавба-тазаррулар. Негаки, халқ назари бизда. У ҳар бир қадамимизни кузатиб турибди. Хайрли одимларимизни олқишлаяпти, ножўяларидан ўкиняпти.

Фарғона фожиалари кунлари қонига ғарқ бўлган бегуноҳ халқига қарата телеэкранларга чиқиб панд-насиҳат ўқиган, бу билан ўзбек тўполончи, каллакесар деган гапни тасдиқлашга хизмат қилган ёзувчиларидан халқ қанчалар ўкинди. Паркент фожиаларининг жиноятчилари айбини бости-бости қилган ёзувчиларини кўрган халқнинг қалам аҳлидан ҳафсаласи қанчалар пир бўлди. Андижон, Наманган ур-тўполонларида пок-покиза халқ безори, қонхўр номини олган, ёзувчилари улар шаънини дарҳол қимоё қилмаганидан қанчалар оғринди, ўртанди. Йўл бермадилар бунга. Кимлар, дерсиз. Шу ўзимизнинг комфирқа, шу ўзимизнинг раҳбарлар. Улар айни шу қилмишлари биланоқ фитначиларни қўллаб-қувватладилар, уларнинг авлодлар кечирмас гуноҳларига шериклик қилдилар.

Ана шундай бир шароитда демократияга, ростлик-ҳаллоликка чанқоқ кишиларнинг виждон азобига дуч келмай, виждон амрига бўйсунмай иложлари йўқ эди. Шунга кўра мен ҳам бундан сал кам икки йил илгари, айни Паркент фожиаси кунлари комфирқа сафини кўтаринки бош, озод руҳ билан тарк этишга қарор қилгандим. Бу менинг — оддий бир қаламкашнинг Фарғона, Қўқон, Паркентда тўкилган бегуноҳ қонларга қарши қалб исёним эди. Бу менинг комфирқа фирибгарлигини кўрмай, билмай, унга ишониб, унинг сафида юрганимнинг тавба-тазарруси эди.

Эндиликда мен яна бир тавба-тазарруни истаяпман. Комфирқачилар томонидан менга тақдим этилган Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотидан, шунингдек, «Ҳурмат белгиси» орденидан воз кечмоқчиман. Бу унвону нишон менга комфирқанинг хизматини қилгин, деб берилган экан. Комфирқа моҳиятини тўлиқ англаганимдан кейин шундай хулосага келдим. Жафокаш халқимизнинг бошига не-не қаро кунлар тушган бўлса, барчасининг сабабчиси ана шу партия. Унинг икки қўли қон, виждони мосуво. Заҳарлардан қирилаётган одамларимизнинг қўли унинг ёқасида. Қуриган Оролнинг хуни унинг ҳисобида. Оч-гадо ҳолга тушган халқимизнинг қарғиши унинг гардани. Афсуски, ана шундай жиноятчи партия букунга келиб номини ўзгартиряпти. Моҳият эса ўша-ўша. Бу — бўрига қўй терисини ёпинтиришнинг айни ўзгинаси.

Менга берилган мукофотлардан воз кечар эканман, бу менинг заҳарлардан, фитналардан қирилган минг-минглаб юртдошларимнинг пок руҳи олдидаги узурим бўлсин. Ленин комсомолининг менга берилган 1000 сўм пул мукофотини унинг ўз ҳақиқий эгасига — «Бирлик» халқ ҳаракатига қайтардим. Комсомолнинг ўзига қайтаришга заррача ҳожат йўқ, деб биламан. Менинг 14 ёшдан 26 ёшга қадар комсомолга, 20 йил мобайнида комфирқага тўлаган аъзолик бадалларим бир неча мингни ташкил қилиши шубҳасиз. Ҳисоблаб кўрилса, мен комсомол ёки комфирқадан эмас, балки улар мендан қарздор бўлиб чиқишлари турган гап.

Менга берилган лауреатлик кўкрак нишонини (гувоҳномасини йўқотганман), шунингдек, «Ҳурмат белгиси» орденини ҳукуматга етказиш учун ушбу анжуман ҳайъатига топширишга сиз азиз қаламкаш дўстларимдан рухсат сўрайман.

Сўзимнинг охирида, — деди Г. Нуриллаева, — Ёзувчилар уюшмамиз бағрида туғилган «Бирлик» халқ ҳаракати ҳақида бир оғиз сўз айтсам. «Бирлик» ўзининг 1989 йили бўлган I-қурултойида низом ва дастурини қабул қилган. Низом ўша кезлар ҳатто рўзномаларда эълон қилинган. «Бирлик» аллақачон расмий рўйхатдан ўтиши керак эди. Лекин негадир унга ола кўз билан қарашяпти. Мен қурултойимиз иштирокчилари номидан «Бирлик»ни тезроқ рўйхатдан ўтказиш таклифи билан жумҳурият раҳбариятига мурожаат қилишни илтимос қиламан.

— Ёзувчи ким — кунда тинимсиз ёзадиган одамми ёки ҳазрат Навоий каби истеъдодларми? Албатта, истеъдодлар, — музокарани давом эттирди танқидчи **Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ.** — Лекин ҳозирги жамиятимизнинг ҳам, уюшмамизнинг ҳам структураси ҳақиқий ёзувчиларни аниқлаб кўрсатишга, белгилаб беришга қодир эмас. Ваҳоланки, уюшманинг энг асосий иши ҳақиқий талантни аниқлаб, унга чинакам ижодий муҳит, шароит яратиб беришдан иборат бўлиши лозим. Бас, ҳозирги аҳвол талабга жавоб бермас экан, уюшма структурасини тубдан ўзгартириш керак. Янги уюшма тузиш лозим. Бу уюшмада ижодкорлар ўртасига тўсиқ бўладиган, уларни табақаларга ажратадиган бошқарув, ҳайъат кабилар бўлмаслиги, ҳамма ёзувчилар тенг овозга эга бўлишлари зарур. Янги уюшмага эса ёшми, кексами ҳар жиҳатдан етук шахс етакчилик қилиши шарт.

Шунингдек, танқидчи матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги ҳақида ҳам гапирди.

Шоира **Хосият БОБОМУРОДОВА** аёл ижодкорларга эътиборни кучайтириш лозимлиги ҳақида гапирди. Ижодда мана бу аёл экан, деб йиғитлар аяб ўтиришмайди, деди у. Бизнинг ишончи қозонган шоирларимиз, шоира опаларимиз Уюшма ҳайъатига киритилсин, биз келиб, бемалол ўз дардимизни айтайлик. Жумҳурият хотин-қизлар қўмитаси таркибига Эътибор Охунова, Гулчеҳра Нуриллаева киритилсин. Чет элларга борадиган ёзувчи, шоирлар сафидан хотин-қизларга ҳам ўрин ажратилсин.

Шундан сўнг Х. Бобомуродова қоғоз танқислиги боис жуда кўп қўлёзмалар йиғилиб қолганини, бугуни кунга келиб бу жуда оғриқли масалага айланганини айтди.

Ёзувчи **ИСФАНДИЁР** уюшма бошқаруви ва котибияти ишини такомиллаштириш, адабиёт жамғармасини мустаҳкамлаш, жумҳурият Олий Кенгаши ва Президент аппаратида ишловчи ёзувчиларимизнинг фаоллигини ошириш ҳақида сўзлади. Хусусан, ёзувчи П. Қодировнинг журъатсизлиги, энг мураккаб вазиятларда, аниқ позициясини намоён этиш зарур

Усмон АЗИМОВ

Кузги боғ

1

Қуёш кулар. Аммо кун зиёсида
Олис соялардай солланди армон.
Бу тунда — беҳудуд вақт дарёсида
Нохос йиқилдию чўкди саратон.

Бул ишни, билмайман, қай куч
ҳал этди?
Тақдирнинг ўзбекка ёлғиз соврини
Қўл ҳам силкитмасдан, видосиз кетди,
Бўғзида қолдириб оташ ҳоврини.

Дунё сахийликка этмаган парво,
Ижро этолмагай видо расмини.
Узлатга топширди яна бир бор, о,
Оташида ёнган ўгай фаслини.

Саратон! Ёнганлар топмагай қадр.
Саратон! Хор эрур кўкси гулханлар...
Сен кетиб борасан юртдан қайгадир,
Оташдан вужуду руҳинг ўртанган.

Кетасан. Осмоннинг кунгирасида
На парча булуту, на бир тутам дуд—
Кечир! Учган ўтлар хотирасига
Йиғлашни унутган бу бечора юрт.

Менинг улуғ дўстим! Қуёшлим!
Бир боқ!
Сендан олов олган умримнинг шашти
Ғамгин боғлар ичра қолмоқда чарчоқ,
Ҳувиллаб бормоқда кўнглимнинг
дашти.

Қўнғироқ қоқаман сенга бу оқшом:
— Учрашайлик, дейман, саратон,
қайтгил!
Менинг бу жунжиккан кўнглимга
бу он
Ўтлиғ сўзлар билан тасалли айтгил!

Келасан. Қаршингга шошади юрак.
Гарчи ҳануз-ҳануз қадамингда гул,
Сўздан адашаман: — Келдингми,
кузак?
Жиддий қўл чўзасан: — Омонмисиз,
кул?

Бир тола оқ қўнар менинг бошимга,
Шамолда учади сендан бир япроқ...
Биз шундай турамиз дунё қошида —
Кул билан хазоннинг суҳбати узоқ.

2

Дунёнгда мен қирқ йил яшадим тикка,
Ҳар шарпанг танимни тиғлаб ўтдилар.
Худойим! Бу тун ҳам қоронғуликда
Турналар қайгадир йиғлаб ўтдилар.

Ёлвордим ухламай — тонгни сўрадим,
«Тезроқ кетгин», дедим суст
қадам тунга.
Фалакка тонгдаёқ шошиб қарадим —
Худойим! — битта ҳам турна йўқ унда.

Турналар йўлини кўрсатгил, борай,
Дардимни уларга айтайин ошкор.
«Ана йўл» — осмонга этдинг ишора...
Худойим! Бу йўлинг нега бунча тор?

3

Мана, қирқ йил дардингга тўлдим,
Зерикмадим суҳбатларингдан —
Дунё, ойдай девона бўлдим,
Сенинг чексиз зулматларингда.

Юлдузларни қайнатди осмон
(Бири куйди, бири соврилди) —
Тунларингда қоришдим пинҳон,
Оловингда мен ҳам қоврилдим.

Олиб келдинг яна боғимга,
Тўкдинг кузак ҳасратин нега?
Наҳот, баргнинг митти доғига
Мендан бўлак топилмас эга?

Кузги шаҳар дарахтларига
Қарғаларнинг галаси қўнди.
Ғам етди дил хилватларига,
Ёлғонларнинг шуъласи сўнди.

Анҳор — тоғдан адашиб келган,
Ҳорғинликда чўзилган сайёҳ
Тиниқлашди бу ғамда бирдан —
У не сирни англади, дунё?

Куз қўйнида сочилиб ётар
Замин — ерда тўзғиган шолча.
Унга қонли учқунлар отар
Баргларидан қон томган олча.

Қиров қўнган хору хашакка,
Ариқларнинг тўнглаган лаби...
Куз тўлиқиб кирди юракка
Ҳушдан айри фариштa каби.

О, ҳушимдан айрилдим мен ҳам! —
Вақт вужудни ўтмоқда тешиб...
Наҳот, умр — қирққа кирган ғам,
Наҳот умр — тобуту бешик?

Дунё, энди тилсимингни оч —
Олиб кетар нени елларинг.
Ваҳ, қандай ҳайф, анов яланғоч
Теракларнинг хипча беллари!

Чинорлар жим хаёл суради —
Танларида зилдай «уҳ»лари.
Хазон кезиб боққа киради
Шаҳидларнинг ҳорғин руҳлари.

Хазонрезга дил бўларкан банд,
Вужуд энди телба воладир.
Бу йиғиким, тобора баланд,
Фарғонадан кўчган ноладир.

Ғофилликни юборар ёзиб,
Ғойибданми келган сас: — Уйғон!
Хазонларга кўксини босиб,
Шу бир сўзни битмоқда Чўлпон.

Ким ўкирди, бу кимнинг «оҳ»и,
Қай телбаваш кечди сабридан?
Балки Усмон Носир арвоҳи
Суягини излар қабридан.

Беғамликни куз этди мағлуб,
Икки дунё бу он жонсарак.
Бизга фақат тазарру матлуб,
Бошимизга йиқилма, фалак!

Руҳни бугун тиндирмас бир дам,
Боққа ҳайдар тақдирнинг қўли.
Қузда бир бор хазонлик топсанг,
Қисқаради ўзликнинг йўли.

Ярашмагай бежуръат итоб,
Занжирларни айлагил унут.
Нега ғуссанг бунча бешитоб,
Эй, етмиш йил хазон терган юрт?

Ғамлар ичра ол эркин нафас,
Фақат ўзлик озод соҳилдир.
Эрк — азобдан кўчган ғазабмас,
Эрк — ғуссадан учган ақлдир.

Юрагимни тўлдириб тургил,
Куз берган ҳис, бўлмагил талон.
Мен дилимни кузакда қурдим,
Забт этолмас уни оломон.

Урилади дилга ҳар гардинг,
Дунё, ноланг жонимда тўкин...
Зўравонлар топтаган баргнинг
Ҳасратида ўлишим мумкин.

Қўй, елкамга, туман, суянма,
Намхуш тортди шундоқ ҳам бетим.
Менинг очиқ қолган миямга
Совуқ ёмғир ёғмоқда бетин.

Вужудимда елар юзма-юз
Ҳаёт билан Мамот шамоли —
Бир ёнимда камолим ҳануз,
Бир ёнимда эса заволим...

Дўстлар, илиқ ёлғон комидан
Ҳайданг, кузга чиқсин қалбингиз.
Ичинг зариф ғусса жомидан,
Титранаркан ногоҳ лабингиз.

Гул деб меҳр қўйдингиз хорга,
Яшадингиз хорликда яшнаб.
Билмадингиз, хушбахт баҳорда
Юрак кетар вужудни тақшлаб.

Қувончнинг кўп зулмлари бор —
Дилни сургун айлагай ғафлат.
Ғамни ичинг!
Кетсин ихтиёр,
Танингиздан арисин нафрат.

Вақт оҳанги терану тиғиз —
Инсонни ют, эй, кўҳна баёт!
Хазонликдан қанча қўрқсангиз,
Сиздан шунча жирканар ҳаёт.

Ҳаққа етдим кузнинг ғамида,
Кўзларимдан чекинди рўё.
Бир «оҳ» урсам, «оҳ»им дамига
Йиқилади қонжиға дунё.

Қайрилади ғайиркор тиғлар,
Бузилади ғаним матлаби...
Куз кўксимга юракни михлар —
Юрак — Исо пайғамбар каби.

4

Биламан, бу куздан бўлмайди ўтиб—
Унинг қайғулари — тентаклик қадар,
Унинг ҳасратлари — юксаклик қадар.
Қалбингга мен қандай бораман етиб,
Ахир, ўртамизда бир фасл кадар.

Ким ёзда қолдию ким қишда қолди —
Гапирма. Ўзгармас қисмат тартиби.
Ҳақ шуким, ўртада тўқсон кун ёнди,
Хазонда ўртанди уч ой таркиби.

Нафасим қайтмоқда — уфқларни оч,
Паришон дунёни кузак этсин тарк.
Қимтинган лабларга боқиб беилож,
Ёнғин ва муз аро бўлмасимдан ғарқ.

Умримиз ўтмоқда саҳнада каби,
Азоблар — энг қизиқ томошага тенг.
Сендирсан бу кузни яратган наби,
Кузга абадийлик муҳрин босган мен.

Биламан, бу куздан бўлмайди ўтиб —
Унинг ҳасратлари юксаклик қадар.
Унинг қайғулари — тентаклик қадар,
Бизни юборди-ку юксаклик ютиб...
Во ажаб, юксаклик нақадар хатар!

Юр, кетдик. Хазонрез дилни ҳоритди,
Бизни сиғдирмади бу юксак танглик.
Юрагим пастликка етмасдан қотди...
Эвоҳ, бу — пастликмас...
Эвоҳ, теранлик...

5

Куз келди — ҳар баргни қонталаш
этди.
Боғлар боғлар билан қон талош этди.
Қон ўлди олчалар, ўриклар қон ўлди,
Ҳатто шафтолилар хун қарош этди.

Хунрезлик касбида мумтоздир кузак,
Шохидан баргларни тез тарош этди,
Маргнинг шамолида учди япроқлар,
Вақт даҳшат бир сирни бизга фош
этди.

Йиғлама, азизим, тоғларга қара —
Замон кўз ёшлардан шундоқ тош этди.
Қон сочди, зар сочди, етди муродга—
Хазоним сўнгида қиш маош этди.

6

Қўшиқ айтар бўлсам — юрагим тўлди,
Йиғлашдан кўр бўлди ойдин кўзларим.
Эски дўстларимнинг ҳаммаси ўлди,
Ҳали туғилган йўқ янги дўстларим.

Кўйлагим ҳилпирар Вақт шамолида,
Икки ёнбошимда тубсизлик — ёвуқ.
Чиқаман ёлғизлик истиқболига —
Бошларим — ловуллаб, юрагим —
совиб.

Увлайман самога бошимни буриб,
Овозим етмагай аммо тангрига.
Кўзи кўр дунёдай довдираб юриб,
Кираман ўзимнинг муздай қаъримга,

Мени аста-аста хазон айлар дард —
Мени юта бошлар торлик, танқислик...
«Йўлим қани», дейман —
кўринади қалб,
«Тангрим қайда», дейман —
келар ёлғизлик...

ФИТРАТНИНГ ИСЁНИ

АБДУРАУФ ФИТРАТ динга қарши советларча сиёсий кураш олиб борилган 20-йиллари «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни» каби асарларини яратганда уларни ўша давр танқидчилиги «...ёшларнинг моддиюн руҳида тарбияси учун... муфид бир ҳикоя» — (Н. Тўрақулов), деб қарсак чалиб кутиб олди. Бинобарин, биз — ворислар мазкур асарларга муносабат билдиришдан аввал бу жараённинг сабабларини тадқиқ этишимиз, мабодо бизнинг эстетик дидимизга тўғри келмаган тақдирда ҳам, адабий кечмишимизни вазминлик билан мулоҳаза қилиб кўрмоғимиз вожиб.

Фитрат ва унинг барча асарлари тақиқлангани ҳолда «Қиёмат» ва «Шайтоннинг тангрига исёни» кабиларнинг қайта босилиб чиқиши (50—60-йилларда) булар атеистик, динга қарши асарлар деган фикрдан ўзга фикр бўлмаганидан далолат беради. Ҳатто бизга мутлақо холис немис фитратшунослиги ҳам «Шайтоннинг тангрига исёни» пьесасини мусулмон Шарқида энг биринчи кескин атеистик асар, деб тан олган. (Бу фактдан бизни немис олимаси Зигфрид хоним Клейнмихел огоҳ этган эди).

Энди мавзуга яқинлашдик. Мақсад — Абдурауф Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» асари борасидаги хусусий мулоҳазаларимизни баён этишдир. Бу пьеса 1924 йили китоб ҳолида босилиб чиққан. Асарнинг қисқача мазмуни қуйидагича: Арши аълодаги энг ҳурматли фариштa, барча малакларнинг устози Ҳазрат Азозил тангрига қарши боргани, малакларни йўлдан оздирмоқчи бўлгани, янги яратилган инсонга тиз чўкмагани учун тангрининг тавқи лаънатига учрайди: шайтонга айлантирилади.

Пьесанинг номидан «даҳриёна руҳда эканлиги» кўриниб турибди. Савол туғилиши табиий: бир вақтлар ислом динининг содиқ ихлосмандларидан бириман («Мунозара». Хотима. Истанбул, 1909), деган, дин тарихига доир китоб ёзган («Мухтасари тарихи ислом», 1915), диннинг софлиги учун курашган (айниқса ижодининг дастлабки даврида) адибнинг ўз идеалларини ўзгартиришига қандай зарурат бор эди? Шафқатсиз даврнинг аёвсиз довуллари сабаб бўлдими? Наҳот ўзга йўл йўқ эди? Фитратнинг ислом дини ва миллатимиз йўлида қилган хизматларини санаб ўтишни мақоламизнинг ҳажми тақозо этмайди. Ҳатто «Шайтоннинг тангрига исёни» пьесаси яратилган вақтни таърифлаш ҳам мақсадимиздан чалғитади. Дарвоқе, 20-йилларда социалистик мафкурани аҳолига сингдиришга монелик кўрсатмаслиги учун динга қарши ҳужум уюштирилган, деб ўқувчига йўлланма берарканмиз, буни кенг изоҳлашга ҳожат қолмаслигига амин бўламиз.

1910 йили Истанбулда Фитрат ўз маблағи ҳисобига «Сайҳа» («Даъват») шеърий тўпламини форс тилида нашр қилдиради. Ҳ. Олимжон, Уйғун 1935 йили «Жадидизм даври ўзбек адабиёти» мақоласида бу шеърларга шундай таъриф берадилар: «Фитратнинг «Сайҳа»сига кирган шеърлари ватанпарварлик (ватанчилик) руҳида ёзилган. У китобдаги шеърлар мавжуд тартибот ва муносабатларга қарши, эскиликка қарши фарёд кўтаради. Бу шеърларда биринчи ўлароқ буржуазиянинг мустақиллик тўғрисидаги тилаклари кучли бадиий ифода топадилар. Бу шеърлар жадидчилик ҳаракатининг умумий раҳбарлигида ҳам катта роль ўйнаб келаётган бир кишининг асари эди. У бошқа жадид шоирларнинг шеърларидан худди шу буржуазиянинг энг асосий тилакларини очиқ ва яққол эълон қилиш билан ажралди. Шунинг учун Фитратнинг шу асарларини ўқиганлар ҳам амирлар, унинг маъмурлари, ҳаммасидан ҳам чор ҳукумати ва унинг чиновниклари томонидан таъқиб этилди.

Беҳбудий ва Фитрат сингариларнинг асарлари бошқа ёзувчиларни йўлга солдилар, уларга намуна ва йўл кўрсатдилар. Бу асарнинг таъсири бошқа жадид ёзувчилар асарларида аниқ кўриниб борди.

Лекин улар (жадидлар) мамлакатдаги кучларни бўғиб ётган империализм зулмига, миллий зулмга қарши уйғондилар. Улар ўз мустақилликлари учун курашдилар. Шунинг учун ҳам ерли буржуйлар ва жадид зиёлиларининг мустақиллик учун бўлган кураши, асосан, тараққийпарварлик кураши, прогрессив кураш, миллий озодлик кураши эди». (Замона чархи тескари айланганча, яъни 1937 йилнинг совуқ нафаси эсмай туриб ёзилган бу фикрлар «Сайҳа»даги шеърларнинг ғоявий мазмунига берилган ҳаққоний ва холис баҳодир). Булар барҳ Фитратнинг эркка ҳамиша муштоқлик билан интилганидан дарак беради.

Жадид адабиётининг ёркин намояндаси Абдурауф Фитрат «Сайҳа»дан ташқари бошқа асарларида ҳам «мустақиллик учун бўлган тараққийпарварлик кураши»ни давом эттирганлиги қонуний ва тушунарлидир. Адиб «Мунозара», «Раҳбари нажот» (1915), «Баёноти сайёҳи ҳинди» (1912) асарларида миллатнинг иқтисодий ва маданий ривожи йўлидаги фикрларни тарғиб этаркан, уларнинг моҳиятини тараққиёт орқали мустақилликка, озодликка эришув мумкинлиги тўғрисидаги миллий-ижтимоий ғоялар ташкил этганлиги шак-шубҳасиздир. Октябрь тўнтаришидан кейин совет ҳокимиятининг дастлабки босқичида, Туркистон истиқлоли тўғрисидаги ғоя ёки рус империясига қарши ҳар қандай фикр бўғилиши тайин бир пайтда ёзувчи ўзининг эрк, озодлик хусусидаги тилакларини рамзий ифодалаши у қадар ғайритабиий туюлмайди.

Драма Шайтоннинг Малакларга қарата айтилган кескин монологи билан бошланади:

Ш а й т о н —
Нечун эмиш бу тубанлик,
бу хўрлик,
Бу онгсизлиқ, бу
жонсизсизлиқ, бу кўрлик?!

Агар пьесада тангри империя тарзида рамзий келган бўлса, Малаклар қуллик тимсоли, Малакларга эрк, ўзликни танимоқ тўғрисида таълим беришга интилаётган Шайтон эса исёнкордир, жадиддир. У гўё йиллар, асрлар давом этган маънавий «кўрлик», «онгсизлиқ, жонсизлиқ» одамларни қуллик кишанларига солиб қўйишнинг асослари эканлигини уқтирмоқда.

Пьеса охирида янгидан яралган Инсонни Шайтон огоҳлантиради: «Сен малак бўлма!». Ушбу ғоянинг қайсидир жиҳатлари бугунги кунимизга ҳам тааллуқлидек.

Шайтон ўз атрофидагилардан кўра анча ўзиб кетган, Фариштa-Малаклар унинг озодлик ҳақидаги илғор ғояларига яктан бўлиб эргашмоғи душвор. Нима учун кураш кераклигини Шайтон англатганда ҳам Малаклар қаршилик кўрсатишга ожизлик қиладилар. Шайтон уларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини танитмоқчи бўлади:

Малак бўлиб шунча
хўрлик чекканча,
Ақлинг бўлса, тупроқ
бўлда, жим ўтир...
Ҳеч кимсага саждa
қилманг, бош эгманг,
Ўзингизда бор шарафдан
қўл чекманг!

Шайтоннинг тангрига исёни худога эмас, балки жаҳолатга, Шарқни эзган социал ва маънавий қулликка, ҳар қандай империяларга қарши исён рамзи бўлиб туюлади.

Пьесанинг бош мавзуи эрк, озодликдир. Адибнинг асосий мақсади ҳар қандай қулликка лаънат ўқишдир. Фитрат бу асарида эркни тангри даражасига кўтарган бўлса, яъни энг улуғ рамз — тангри образи орқали ифодаласа, «Абулфайзхон» тарихий драмасида тахтни энг бузуқбоши тангри» деб қоралайди. Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Жаҳон сармоясининг охирги кунлари» пьесасида (1927) Олтинга «тангри» деб сиғиниш тасвирланади ва бу қораланади. Кейинги талқинлар ўтмишга, капиталга — бойликка қарши нафрат туғдираётган социалистик психология маҳсули эканлиги ўз-ўзидан аён. Аммо Фитратнинг дастлаб чор империясига қарши, сўнгроқ эса Туркистон мустақиллиги учун курашганлигини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, «Шайтоннинг тангрига исёни» асари тангрига — динга қарши турувчи кучнинг мафкураси эмас (гарчи кўпроқ шу мақсадда фойдаланилган бўлса-да), балки ёзувчининг тинимсиз эрк сари интилганлигини, ўз юртини озод кўриш истагини, қулликка қарши исёни ҳеч қачон тугамаганлигини ифодаловчи мужассам умумлашма ҳамдир.

Масала ойдинлашгандек бўлади. Бироқ, бу билан тадқиқ тугамайди. Балки, бизнинг мазкур таҳлилимизга ҳам, юқорида зикр этганимиздек, замонамиз талаби бўлмиш мустақилликка интилув тилаклари ўз таъсирини ўтказаётган бўлса, не ажаб. Бу асар ҳақидаги узил-кесил фикр Фитратнинг бутун мероси ўрганиб чиқилиб, ёзувчининг ижтимоий-фалсафий дунёқараши такомили текширилгандан сўнггина айтилар, деб ўйлаш тўғрироқ бўлади.

Гулшан РАҲИМОВА

ТАҚДИР ВА ЖАЗО

«ДИЛДА ДАРДИНГ БЎЛМАСА, сардафтаримни кавлама» деган экан Машраб. Дарҳақиқат, ёзувчики бор, у дардсиз яшай олмайди. Умуман, ижод аҳлига хос бу хусусият. Аммо шу ҳам нисбий мулоҳаза. Зотан, биз ҳаётда дардсиз ёзувчи, дардсиз ижодкорларни ҳам кўрганмиз. Бироқ дардсиз ёзилган ҳар бир асар ёки бошқа ижодий маҳсулот айрим манфаатпарастлар, ҳатто расмий идоралар томонидан зўр бериб кўкка кўтарилган чоғларда ҳам кенг халқ оммаси, айниқса софдил китобхон, томошабин қалбига сингмайди, йўл-йўлакай тушиб қолаверади. Шу маънода Мирмуҳсиннинг «Илон ўчи» номли романи эътиборни тортади, ёшларни, умуман, ҳар бир ўқувчини ҳушёр яшашга, ҳалол меҳнат ва покиза ният билан яшашга даъват этади. Хиёнатлар, жиноятлар, найрангбозликлар тўлиб-тошиб кетган бир замонда ҳар ким қилмишига яраша қисмат топиши — ҳаётнинг табиий қонунияти, деган етакчи ғоя асарда бошидан охиригача жўшиб туради.

Албатта, Мирмуҳсин сермаҳсул ёзувчи, таниқли шоир, унинг кўплаб ҳикоялари, қиссалари, романларини ўқиганмиз. Буларни санаб ўтириш шартмас. Аммо мен мазкур мақолада ёзувчи ижодидаги муҳим бир нуқтани таъкидлаб ўтишни истардим: Мирмуҳсиннинг то «Меъмор» романигача бўлган йирик насрий асарларини унча севиб ўқий олмасдим. Бу шахсий фикр, бошқалар қабул қилмаслиги мумкин. «Меъмор» тарихий ўтмиш мавзуида ёзилган асарлар қаторида матбуотда

МИРМУҲСИННИНГ «ИЛОН ЎЧИ» РОМАНИНИ ЎҚИБ

яхши баҳоланди, бунга биз ҳам қўшиламиз. Унгача ёзганларидан «Чотқол йўлбарси»да анча-мунча қизиқарли жойлар бор. Лекин жонли, ҳаётий одамдан кўра, кўпроқ меҳнатнинг қули бўлиб қолган, шу тарзда қолипга солиб қўйилган одам ва воқеаларни кўрамиз. Бунга ёзувчи айбдормиди? Асло! Бизнинг ўша даврдаги адабиётимиз, сиёсатимиз, буйруқларимиз ижод аҳлидан фақат мафкуравий қолипни талаб қиларди. Шу билан ижодкор ўзининг чинакам дардини, бутун вужудини қақшатиб ётган алам-изтироблари-ю, орзу-ҳаваслари-ни ёзолмасди. Мирмуҳсин қалбида кўпдан қайнаб ётган дард, алам, изтироб ва орзулар (янглишмасам) «Меъмор»дан кейин «Илон ўчи»да анча батафсил намоён бўлди.

Яқиндагина жамоатчилик жумҳурият халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Мирмуҳсиннинг 70 ёшга тўлганини кенг нишонлади. Бу деган сўз ёзувчи камида эллик йиллик ёки ундан ортиқроқ ижодчилик тажрибасига эга. Шунча даврни кечириб келаётган ёзувчи кўнглидагини бемалол тўкиб солишга энди эришди десак хато бўлмаса керак.

Ёзувчи китоблардан ўқиганлари, ҳаётда учратиб, кузатиб юрганларини, изтироблари, кечинмаларини «Илон ўчи»да анча кенг ёритади.

Романда ўртага ташланган масалалар ҳаддан ташқари кўп ва уни санаб чиқиш қийин. Лекин ёзувчининг синчковлик билан кузатишига ҳайрон қоласиз — Мирмуҳсин тўйда ҳам, азада ҳам, дам олишу, сайр-саёҳатларда ҳам — на ўз уйида, на бошқа жойда бирор нафас ўйламай яшай олмаслигини кўрсатади. Романда сонсиз-саноқсиз воқеалар тилга олинади, одамларда учрайдиган хилма-хил хусусиятлар — олижаноблик, тўғрилик, соддалик, самимийлик, ғаразгўйлик, пасткашлик, ҳасад—бадиий мушоҳада доирасига тортилади. Шунинг учун ҳам асар ўзига хос бир услубда — 45 ҳикоядан иборат кичик-кичик сарлавҳаларга бўлиб ёзилган. Ҳар бир бўлимда ўқиладиган воқеа олдиндан қисқача баён қилиб қўйилади, шу жиҳати билан қадимги халқ достонлари услубини эслатади. Майда бўлакчаларда алоҳида-алоҳида ифода этилган воқеа-ҳодисалар бир бутун ипга чизилади ва ўқувчида яхлит тасаввур ҳосил қилади. Шу билан барча воқеалар мантиқий боғланади, бир-бирини тўлдириб боради.

Романдаги ҳамма воқеа мансабдор Зулфиқоров ва унга ғараз билан фақат бойлик ва мансаб учун қуда бўлган Миёнхўжа оиласи муносабатлари воситасида аста-секин очила боради. Оилавий муносабатларда кишиларнинг ички-ташқи дунёси ўқувчи кўз ўнгида намоён бўлаверади. Воқеа 1980 йилларнинг ўрталаридан то шу кунларгача давом этиб, жумҳуриятимиз бошидан кечиб турганлиги билан диққатни тортади. Ундаги одамлар атрофимизда юрган, худди биз билан бирга яшаб, бирга ишлаб, бирга нафас олиб тургандай. Унда ўзбек миллий табиатига хос меҳмондўстлик ва тўйдаги ҳотамтойлик, тўкин дастурхон ёзиш сингари одатлар улуғланади. Дўсти Миршарифнинг никоҳ тўйига Ҳабиб, Фатҳуллахўжа (Пати), Марат каби ёшлар келиб, унда Нигора деган гўзал қиз билан танишадилар. Нигора замонавий қиз, гап-сўзлари, юриш-туришию, дид билан кийиниши—ҳаммаси жойида. Рақсга тушади, бунда ҳам тенгдошларидан ажралиб туради. Бўйдоқ йигитлар Нигорага ҳавас билан қарайдилар. Айниқса Ҳабиб, ҳатто уни севиб қолади. Нигора ҳам ўтирганлар орасида унга эътибор беради, кетаётганда телефонини айтиб кетади. Нигора асли тўғри, гўзал, яхши қиз. Болалар касалликлари олий тиббиёт билимгоҳини битириш арафасида. Бўйи етган ва тенгини топадиган ёшда. Аммо отасининг мансаби, давлати уни анча кеккайтириб қўйган. Эски шаҳарда тор кўчаларда яшайдиганларни «қаланғи-қасанғилар» деб қарайди. Ўзбек халқининг тарихи, қадимий урф-одатлари, миллий маданияти ҳақидаги тушунчалар унга бегона. Унга ёқиб қолган Ҳабиб эса, дурустгина оиладан. Тиббиёт ходими. Жарроҳ — ассистент. Дов-давлат, амал-обрў орттириш пайига тушган. Маданият Вазирлигига ишга ўтиб, обрў-эътибор орттиргандай, ишидан мамнун. Ҳабиб аллақандай хаёллар билан ҳамон уйланмай, маиший бузиқ йўлларга кириб кетади. Шарбатхоннинг уч эрдан чиққан енгилтак қизи Пошшахонга «айланишади». Бу орада Нигорани Фатҳуллахўжа илиб кетади. Уйланиш асносида Фатҳуллахўжа билан унинг онаси Шарбатхон, синглиси Пошшахон, отаси Миёнхўжаларнинг ифлос қиёфалари, барча кирдикорлари тўла очилади. Аммо бу ғаразгўй, ўта жирканч оиланинг турмуш тарзи муқаррар фожиага олиб боради. Фоҳиша Шарбатхонни жазманининг ити ғажиб ташлайди. Пошшахон охири қотиллик билан қўлга тушиб қамалади. Фатҳуллахўжа навбатдаги катта ўғирлик билан тутилади, Миёнхўжа эса, уйда ёлғиз, қариган чоғида хароб бўлади. Зотан Миёнхўжа қанча-қанча одамлар устидан иғво қилиб, кўпларга озор берган палид бир малъун эди.

Жамшидбек Зулфиқоров оиласи — хотини Маҳбубахон, қизи Нигора ва Севара, ўғли Бобур — ҳаммаси яхши одамлар ва ўзига хос бир олам. Икки қаватли катта бир коттежда туришади. Ҳашаматли жиҳозлар, олий даражада қулай шароитлар, уй-рўзғорнинг бутлиги бу оила аъзоларини, жумладан ўғил-қизларни маълум даражада эрка ва тантиқ қилиб қўйган. Ёзувчи мана шу эркалик ва тантиқлик бора-бора улар тақдирида нақадар зарарли оқибатларни келтириб чиқаришини ҳам кўрсатади...

Зулфиқоров асли анча тўғри, инсофли одам, халқимизнинг миллий маданияти, урф-одатларига ҳурмат билан қарайди. Қўлидан келса, бировга ёрдамини аямайди. Агар бирон келишмовчилик юз бериб қолса, адолат билан, виждон билан ҳал қилишга интилади. Шунинг учун ҳам софдил кишилар уни ҳурмат қилишади. Аммо, 70—80-йилларда жумҳуриятимизда авж олган айрим нуқсонлардан Зулфиқоров ҳам четда қолмайди. Сир эмаски, бундай маҳаллий «ҳайбаракаллачилар» маълум бир даврда лавозимларга кўтарилди, илмий даргоҳларга сайланди, бош бўлди, одамлар тақдири шулар қўлига қолди — буни ғоят даҳшатли, ҳатто илмий, маданий ҳаётимизда, маънавий дунёмизда энг хавфли воқеа, фожиа деб аташни истардим.

Зулфиқоровнинг фан номзодлиги учун ёзилган диссертацияси докторликка ўтиб кетди. Бу ғоят катта «обрў» бўлди. Ишлари юришиб кетди. Аммо 80-йилларнинг ўрталарида жумҳуриятимизда бошланган ғалвалар, туҳматлар, қама-қамалар Зулфиқоровни ҳам ўз гирдобига тортди. Оила аъзолари — хотини, ўғлини ҳам қамаган қонунбузарлар бу оиланинг бошига роса кулфатлар ёғдирди. Тинчгина, яхши ҳаёт кечириб турган оила вайрон бўлди. Зулфиқоров оиласи бошига тушган фожиалар — Миёнхўжа оила аъзоларининг кирдикорини янада чуқурроқ кўламда очилишига ҳам сабаб бўлди. Оила вайрон бўлгач, Нигоранинг бошига қайнана, қайинсингил, кўёв бирлашиб азоб-уқубатлар солишиб, охири уйдан ҳайдаб юборишди. Қизлик чоғларида бирон ташвиш-ғам кўрмаган Нигора отаси қамалгандан кейинги азобларга чидолмай, ўзини ўлдиришга чоғлайди. Аммо атрофидаги инсофли одамлар — Амир ва унинг дўсти Нигоранинг ҳаётини сақлаб қоладилар.

Ёзувчи фантазияси кенг кўламда ишлайди, бир масалага дуч келиши билан шунга тегишли бошқа воқеа-ҳодисалар тилга олинади. Жумладан, Ҳабибда миллий туйғу кучли. Унга бу фазилат домласи — профессор Мавлонзодадан ўтган. Домланинг отаси ҳам катта зиёли ўтгани ва Фитрат билан шахсан ошно бўлгани, бир кун келиб Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий тупроқдан бош кўтариб чиқишлари аниқ, деган гапларни талабаларига айтиб юриши, дарслари ўқувчиларни ғоят қизиқтириши ва ҳоказолар эҳтирос билан таъкидланади.

Романнинг яна бир қаҳрамони Ҳабибга тўхталайлик. Ҳабиб ўз укаларини кўндириб — отасидан қолган ҳовлини 70 минг сўмга сотиб, пулини бўлиб олишади. Онасини қариган чоғида қаровсиз қолдиради. Охири қариялар уйига топшириб, ундан мутлақо хабар олмай қўяди. Ўша ёқда армон-ҳасратда она оламдан ўтади. Унинг чирқиллаб ётган арвоҳи Ҳабибни ниҳоят руҳий хасталикка олиб боради. Тўғри, Ҳабиб дастлаб софдил, камтаргина ёш зиёли эди. Турмуш қийинчиликлари уни издан чиқарди. Аммо миллий туйғу, миллий ифтихор унда ёзувчи айтгандай кучли бўлганда, у шу даражада пасткашликка бормасди-ку.

Асарда, таъкидлаб ўтилгандай, муаммолар ҳаддан ташқари кўп.

Наврўз байрамини тақиқлаш, ҳар куз пахтага чиқишлар, марказнинг жумҳуриятга тазйиқи, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларидаги порахўрлик ва ялтоқилик, пасткашликнинг кўпайиб бораётгани, ўғри ва безорилар дастидан кўчага чиқиб бўлмаётгани, Ғаллаороддаги табиат мувозанатига қарши очиқдан-очиқ амалга оширилаётган ишлар, «Шўрлик ўзбекнинг юзига боқмай... чўнтагидан вольфраму олтини қўлтиқлаб олиб» кетилаётгани ва яна «пешонасига турти-ба», «порахўрсан», «сув бермаймиз, қақраб ўлсин» қабилидаги таҳқирлар, ўзбекларнинг индамай юришлари... хуллас, бундай гаплар саноғини ҳали анча давом эттириш мумкин. Савол туғилади. Ёзувчини қизиқтирмаган масала ва кундалик муаммо йўқ, лекин ҳаммасини бир асарга сиғдириш керакмиди? Албатта бу жуда қийин ва мураккабгина эмас, иложи ҳам йўқ. Улардан баъзиларини кейинги асарларга олиб қўйиб айримларини эса чуқурроқ очилганда, романнинг бадиий қиммати ошарди.

ЁЗУВЧИ БУТУН АСАР ДАВОМИДА миллий маданият, тарих, миллий ҳиссиёт, миллий ифтихор сингари муқаддас масалаларга эътиборни тортади, бунга риоя қилмаётганларга қарши қаттиқ нафрат уйғотишга интилади. Бироқ бу жуда мураккаб ва нозик масалаларга муносабатлар — оёқости қилинаётганининг илдизлари чуқур очиб берилганда яхшироқ бўларди. Айтайлик, Ғаллаороддаги кичиккина бозорчада сут-қатиқ сотиб ўтирган оддий қишлоқ аёли — Рисолат учувчиларни қаттиқ қоралайди. Худди ҳамма нарсани биладиган олимлар даражасида тўғри фикр юритиб, аҳволни шундай изоҳлайди: «Еримизни кўрсичқондай кавлаб, олтину, вольфрам оласан. Ожиз халқни, хотин-қиз, болаларни қўрқитиб, осмондан даҳдаҳа соласан...» ва ҳоказо. Гап-сўзлар уни айтаётган кишининг савиясидан кўра юқорироқ туюлади. Шундай ҳолат баъзан Шарбатхон аянинг гапларида ҳам учрайди. Ўлгудай шалақ аёл ўғлига пулга диссертация ёзиб бераётганлар ҳақидаги маълумотни муакаммал тушунтиради, иш ҳақигача аниқ айтади. Айни кунларда ҳаётимизда рўй бераётган ифлосликлар ҳақида Шарбатхон ҳаммадан кўра тўлароқ маълумот ҳам бера олади ва ҳоказо...

«Илон ўчи» сарлавҳаси романда рамзий маънони англатади. Эл орасидаги уйда кўринган илонни ўлдирсанг, бошқаси келиб ўч олади деган ақида — ифлос одамларнинг ҳасадгўйлиги ҳаётни илондек заҳарлаётгани билан қиёсланади. Ёзувчи айниқса ҳасадга қарши кучли нафрат уйғотишга ҳар саҳифада ҳаракат қилган. Асар китобхонни худди шу кунларда бўлиб турган ҳаёт муаммолари билан бадиий таништиришни мақсад қилиб олган ва бунга асосан эришган.

Аҳмад АЛИЕВ

ХАСАД ҚАРМОҒИ

Сиртдан қараганда, Муртазо Султонов жуда омадли одам кўринади. Негаки, аввалига ишдан бўшатилди, фирқа сафидан ҳайдалди, минг хил шубҳа-гумон остига олиниб, роса текширилди. Пировардида, ҳеч қандай айб топишолмагач олдинги мансабига тенг келадиган вазифага тиклашди...

ХУДДИ ЭРТАКЛАРДАГИДЕК бахтли хотима. Ҳақиқатдачи?

Мен Муртазо Султонов билан танишиб, кўплаб ҳужжатларни кўздан кечиргач, у киши туҳмат балосига йўлиққанини, ғаразгўй, шуҳратпараст мансабдорлар туфайли ноҳақ азият чекканини сездим. Иш жараёнида рўй бериши табиий бўлган одатдаги гап-сўзлар, хизматга доир оддий фикр-мулоҳазалар пайти келганда бутунлай тескари талқин қилиниб, ўч олиш қуролига айлантирилганини ҳис этиб ачиндим.

Муртазо Султонов вазир муовини лавозимида 13 йилу 2 ой ишлаган, шу жараёнда ҳар жиҳатдан ўзини кўрсатган эди. У ишга келган 1972 йилда қурилиш ишларига ажратиладиган маблағ йилига бор-йўғи 6,1 миллион сўм бўлса, 1984 йилда 36,7 миллион сўмга етди. Шу мақсад йўлида у Москвага қатнашдан эринмади, турли вазирликлар, Иттифоқ режа қўмитаси ва бошқа ўнлаб идораларда талашиб-тортишди, фикрини исботлади, гапини ўтказди. Натижада Тошкент ва Самарқанддаги ўнлаб олийгоҳларнинг янги ўқув корпуслари, талабалар шаҳарчаси қурилди. Фарғона политехника институти, Нукус давлат дорулфунунининг ҳозирги кўркам бинолари қад кўтарди, вилоятлардаги кўплаб техникум ва билим юртлари янги ўқув биноларига эга бўлдилар. Минг-минглаб ёш авлоднинг билим олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун қулай шарт-шароит яратилди.

Самарали меҳнат Муртазо Султоновга обрў келтирди, у турли мукофотлар, фахрий ёрлиқлар, нишонлар билан тақдирланди, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган бинокор унвонларига сазовор бўлди. Бу кимларнидир қувонтирди ва... кимларнингдир тишини зирқиратди.

Бошқармада меҳнат интизомига бағишланган йиғилиш бораётган эди. Табиатан муросасиз, қатъиятли Муртазо Султонович тафтиш бўлими мудири ишидаги айрим нуқсонлар ҳақида қуюнчаклик билан дўстона мулоҳазалар билдирди. Бу бўлим вазирликдан ташқарида, анча узоқдаги бинода жойлашгани сабабли иш юритиш, бориб-келиш учун ортиқча вақт сарфланарди, оворагарчилик келиб чиқарди. Муртазо Султонович бўлимни маъмурий бинога кўчириш зарурлигини ва бунга имкониятлар борлигини ҳар жиҳатдан исботлаб берди. У бу масалани илгари ҳам бир неча марта кўтарган, бўлим фаолияти бевосита вазирлик назорати остида бўлиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган эди.

Иккинчи таклиф бевосита бўлим мудирига қаратилди. Қоидага кўра, мудирнинг хизмат машинасидан фойдаланиши кўзда тутилмаган эди. Шунга қарамай, у олийгоҳ раҳбарлари билан тил топишиб, институтга берилган «ГАЗ—24» маркали енгил машиналардан биринн ўз хизмати учун ажратиб олганди. У «Еган оғиз уялар» қабилида иш тутиб, институтдаги анча-мунча молиявий нуқсонларни яшириб келаётгани, оқибатда ишда жиддий ўпирилишлар юз бераётгани ҳақида Султонов кескин фикр билдирди.

Тошкент политехника институтининг Наманган филиали фаолиятидаги молиявий камомадлар ҳам бевосита мудир ҳомийлиги туфайли кўндан бери ошкор қилинмай келинарди. Қинғир ишнинг қийиғи чиқиб, мазкур филиалдаги ишлар билан тергов маҳкамалари шуғуллана бошлашди. Султонов бу маълумотлар билан мажлис аҳлини таништирар экан, ўз таклифларини очиқчасига қўйди: «Машинани қайси институтдан олган бўлсангиз, ўша ерга олиб бориб қўйинг, ишга ҳамма қатори келиб-кетишга одатланинг! Эртадан бошлаб бешинчи қаватдаги бўш хонага кўчиб келиб, ишингизни шу ерда давом эттиринг!».

Кўп ўтмай вазирлик коллегиясининг мажлиси бўлди. Кўпчилик қатори сўзга чиққан Муртазо Султонович бевосита вазирнинг феъл-атворига доир нуқсонлар ҳақида гапирди: «Бу кишининг ўта юмшоқлигидан фойдаланган айрим ректорлар ўз билганларича иш тутиб, кўнгиллари хоҳлаган нарсани қилмоқдалар. Оқибатда олий ўқув юрти деган муқаддас даргоҳ номига доғ туширадиган кўпдан-кўп ножўя ишлар содир бўлмоқда. Бунга барҳам бериш учун кўнгилчаликни йиғиштириб қўйиб, талабчанлик ва қаттиққўллик билан ишлашга тўғри келади».

ХУЛЛАС, СУЛТОНОВНИНГ ҳар иккала мажлисдаги танқидий фикрлари ҳам «дўст ачитиб гапирар» қабилида самимий айтилган эди. Аммо шу «беозор» танқид баъзиларга ёқмади. «Ҳаммага ақл ўргата бошлаган шаккок»нинг адабини бериб қўйишга киришилди, ими-жимида пухта режа тайёрлана бошланди. Вилоятлардан турли «маълумотлар» тўпланди, имзосиз хатлар уюштирилди. Бошланғич партия ташкилоти йиғилишида, Султонов йўқ пайтда, орқаворотдан унинг фаолияти танқид қилинди ва материаллар жумҳурият радиосига ҳавола этилди. Шунга кўра, 1985 йилнинг 15 майида «Қармоқ» ҳажвий эшиттиришида катта радиофельетон берилди. Унда олий ва ўрта махсус таълим вазирининг муовини Муртазо Султонов ўз мансабини суиистеъмол қилгани, биргина 1984 йилда давлатнинг 1 миллион сўм пулини совуриб юборгани, қариндошуруғчилик, ошна-оғайнигарчиликка муккасидан кетгани, камтарликни унутиб қўйганлиги ва бошқа «нуқсон»лари фош қилинди. Муаллифлар жўшиб гапирар эканлар, Муртазо Султоновичнинг шахсини ҳақорат қилишдан, неча йиллик ҳалол хизматлари эвазига қўлга киритган илмий даражаю унвонлари устидан очиқ кулишдан ҳам ўзларини тиймадилар.

Қуруқ туҳматдан иборат фельетон 16, 18 май кунлари яна тўлқинга чиқарилади. Радиожурналистлар ўша йилнинг 26, 27, 29 июнида мавзуга қайтиб, илк эшиттиришдаги маълумотлар ҳужжатлар асосида тўла тасдиқланди, яна катта камомадлар очилди, деб жар соладилар. 2, 3 ва 5 октябрдаги эшиттиришларда эса Муртазо Султонов КПСС сафидан ҳайдалгани, иши Тошкент шаҳар прокуратурасига ошириллани ҳақида хабар берадилар.

Шу тариқа Султоновнинг кирдикорларини «фош этувчи» машина шиддат билан ишлай бошлайди. Радиофельетон асосида «Правда Востока» газетасида 1986 йил 26 январда А. Аникеевнинг «Эфирда «Қармоқ» мақоласи ёритилади, 1986 йил 27 майда «Советская культура» газетасида ҳам шу мазмунда катта хабар босилади. Уларда бу жиноятни дадиллик билан фош этган ва қатъият кўрсатган радиожурналистлар мадҳ қилинади. (Қизиғи шундаки, кейинчалик муаммо Муртазо Султонович фойдасига ҳал бўлди, ҳамма бўҳтонлар бартараф этилди. У ҳар жиҳатдан оқланиб, юқори лавозимга тасдиқланди. Аммо бир вақтлар уни бадном этган мухбирлар матбуот орқали лоақал узр сўрашни ҳам ўзларига эп кўрмадилар).

Охир-оқибат қора кучлар мақсадга эришдилар: Тошкент шаҳар партия комитети бюросида Муртазо Султоновнинг шахсий иши кўриладиган бўлди. Бу жараёнда партия Уставининг оддий қоидалари ҳам осонгина четлаб ўтилди. Муовиннинг масалани аввал бошланғич партия ташкилотида муҳокама этинглар, деб қилган илтижоларини ҳеч ким эшитишни хоҳламади. Кетмакет уюштирилаётган туҳмат ва адолатсизликлар ўз — кучини кўрсатди. М. Султонов 1985 йил 18 август куни кечаси юрак хуружи туфайли шифохонага ётқизилди.

Тузалиб чиққач, у бюро қарорига мувофиқ партия сафидан чиқарилди, вазифасидан четлаштириш масаласи қўйилди. Бюро мажлисини олиб борган Тошкент шаҳар партия комитетининг собиқ иккинчи котиби К. Дудин ўзини худди тергов-чилардек тутди. Султоновнинг гапиришига ҳам йўл қўймади. У жазавага тушиб бақирар, тинмай ҳақорат қиларди. Ниҳоят, олдиндан пишитиб қўйилган қарор ўқиб эшиттирилди: «ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги қарамоғидаги капитал қурилиш режаларини бажариш чоғида давлат мулкини талон-тарож этгани, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишга йўл қўйгани, мансабини суиистеъмол қилгани, ўз тураржойи масаласини ҳал этишда шахсий камтарликни унутгани учун Султонов Муртазо Султонович КПСС аъзолигидан ўчирилсин. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига бундан кейин Султонов М. С. ни Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри муовини вазифасида қолдириш мумкин эмас деган таклиф билан мурожаат қилинсин». Шу ернинг ўзидаёқ Тошкент шаҳар прокурори Г. Филипенкога тергов ишларини бошлаш топширилди.

Иложсиз аҳволда қолган муовин эртаси куни фирқа билетини Киров район партия қўмитаси иккинчи котибига ўз қўли билан топширди. Уни тергов органлари бир ой, икки ой эмас, бир неча йил давомида 128 марта сўроққа чақиришди. Министрликдаги иш фаолиятини миридан-сиригача текширишди. 14 марта комиссия келиб, квартирасини қаричма-қарич эринмай ўлчаб чиқди.

Чархпалак дунё! Кечагина атрофида гирдикапалак бўлиб юрган кўп таниш-билишлар, ошна-оғайнилар бориш-келишни йиғиштириб, кўча-кўйда дуч келиб қолишганда ўзларини кўрмаганга солиб ўтадиган одат чиқаришди. Энг ажабланарлиси, у талабалик йилларидаёқ матбуотга меҳр қўйганди, бўш вақтларида хабарлар, мақолалар ёзиб, турли газеталарда чиқариб турарди, шунинг учун 1964 йилда СССР Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинганди. Келиб-келиб ана шу ташкилот уни ўз сафидан чиқаргани ҳақида уйига хат ёзиб, хабар бергани Муртазо Султоновга қаттиқ ботди.

ЯХШИЯМКИ, серфарзанд оилада ўсган Султонов ёшлигиданоқ ҳамма ишни пишиқ-пухта, саранжом қилишга одатланганди. Вазирликка келгай кунидан бошлаб, ўзи имзо чеккан ҳар қандай қоғоз, ҳар қандай ҳужжатдан бир нусха олиб, пўлат сандиққа ташлаб қўяр эди. Бошига мусибат тушган кунларда ана шу эҳтиёткорлиги жонига оро кирди. Текширишлар натижасида Султоновга қўйилган ҳамма айблар бутунлай асоссиз, туҳмат эканлиги очилиб қолди. Тошкент шаҳар прокуратураси қошидаги ўта муҳим ишлар бўйича терговчи, 1-тоифали ҳуқуқшунос Х. Азизов имзо чеккан 54 саҳифадан иборат қарорда бу ҳол моддама-модда таҳлил қилиб берилди. Масалан, шаҳар партия ташкилоти чиқарган қарорда министрликка қарашли илмий-тажриба конструкторлик бюроси бошлиғи Тошпўлатовнинг Султонов устидан ёзган (аслида уюштирилган) шикоят-аризаси айни ҳақиқат деб топилган эди. Текширишда бу ердаги айрим камомад-нуқсонлар учун Султонов эмас, аксинча, бюро раҳбарининг ўзи жавобгар эканлиги рад этиб бўлмайдиган ҳужжатлар асосида исботланди.

Ёки уй-жойга доир масалани кўрайлик. Султонов бу жиҳатдан ҳам қонунсиз хатти-ҳаракатларда, мансабини суиистеъмол қилишда айбланди. Киров район партия комитетининг собиқ биринчи котиби Ш. Маҳмудова имзо чеккан ва Тошкент вилоят партия қўмитасига ҳавола этилган ҳужжатда ёзилишича ҳамда прокуратура текширувига кўра, бу масалада ҳам ҳеч қандай қонунга хилоф иш ёки мансабни суиистеъмол қилиш, давлат мулкини ўмариш ҳоллари йўқлиги маълум бўлди. Хуллас, Султонов устидан жиноий иш қўзғатиш рад этилди.

Тошкент район партия комитети ноҳақ жазога гирифтор бўлган Султоновнинг партия сафига тиклашни сўраб юқори ташкилотларга мурожаат қилди, адолатли талаб кечикиб бўлса-да, қондирилди.

Ҳақиқат енгиб чиқишига ишонган Муртазо Султонов ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашар экан, идорама-идора обидийда қилиб юрмади. Қурилиш ташкилотларидан бирига оддий инженер бўлиб ишга кирди. Рақиблари уни — иқтисод фанлари номзодини ишга олмаслик ҳақида Тошкентдаги ҳамма олий ўқув юртларига кўрсатма бериб улгуришганди. Шу ўринда министрликдаги раҳбар ўртоқлар охиригача иккиюзламачилик қилишганини айтиб ўтиш лозим. Кечагина Султоновнинг меҳнатлари, инсоний фазилатларини улуғлаб, мукофот ва унвонларга тавсия этган, ижобий тавсияномалар ёзиб, қўл қўйиб берган ўртоқлар энди бутунлай бошқа йўлга ўтиб олдилар. Уни бошдан-оёқ қораловчи қоғозларга имзо чекишдан уялмадилар. Бири бирини инкор этадиган ва муаллифларини исподга қўядиган бундай тавсияномаларнинг ҳаммаси прокурор чиқарган қарорга илова қилинган.

Султонов ишига доир хатлар, кўрсатмалар, тавсиялар ва бошқа расмий ҳужжатлар билан танишсангиз, кўпгина раҳбарлар инсон тақдирига нақадар эътиборсизлик, беписандлик, такаббурлик билан қарашганини кўриб юрагингиз эзилади, ҳайратдан ёқа ушлайсиз.

Ниҳоят, ҳақ қарор топди. 1990 йилнинг январида М. Султоновни жумҳурият халқ таълими вазири ўринбосари вазифасига тайинлаш ҳақидаги махсус фармон матбуот саҳифаларида эълон қилинди. У ғайрат билан ишга киришиб кетди... Энди ҳамма нарса жойида, кўнгил хотиржам, аммо тўрт йил давом этган сарсон-саргардонлик хамирдан қил суғургандек изсиз ўтиб кетди, дейсизми? Вақти-вақти билан уни юрак санчиғи, безовта қилиб туради. Начора, одам темир эмас.

Шуларни ўйлаганда, кўнгилнинг бир чеккаси туз сепилгандек ачиша бошлайди. Юқоридаги сарсон-саргардонлик, азобу изтироблардан ким фойда кўрди? Жумҳуриятимиз ҳозир катта капитал қурилишларга муҳтож. Ишбилармон, тажрибали одамлар ҳамма соҳада сув билан ҳаводек зарур. Қанчадан-қанча иншоотлар, иморатлар неча йиллардан бери битмасдан, чала аҳволда ётибди. Шундай шароитда кўпчилик манфаати учун жонини аямай елиб-югуриб юрган софдил кишиларнинг оёғидан чалиш, панд бериш ўринлимиди?

Шубҳасиз, бундай адолатсизликлар, қонунбузарликларнинг жабрини халқ тортяпти-ку! Халққа, одамлар соғлигига, руҳиятига, ишонч ва эътиқодига етказилган маънавий зарарни пул билан ўлчаб, ўрнини тўлдириб бўлмайди. Шундай экан, нега биз чинакам демократия, адолат ҳақида кўп гапирамиз, «етти ўлчаб бир кес» деб ҳаммага ақл ўргатамизу, амалий иш қилиш, инсон қисмати учун чинакамига қайғуриш, уни аввайлаш, мадад бериш шарт бўлган пайтларда сўзимиз бошқа-ю, ишимиз бошқа бўлиб чиқади?

ЭНДИЛИКДА Муртазо Султонов ва унга ўхшаган минглаб софдил одамларнинг бошига тушган қуруқ туҳматларни жиддий таҳлил қиладиган, зарур сабоқлар чиқарадиган пайт келди. Токи, маъмурларимиз бундан кейин фақат оғизда, сўзда эмас, амалда одамларга чинакам ғамхўрлик қиладиган, уларни аввалаб-асрайдиган, ардоқлайдиган бўлсин. Бошимизни шунча ғажиганимиз, фитна-найранглараг учиб, бир-биримизга шунча панд берганимиз, алданганимиз етар. Куч-ғайратимизни халқимизнинг келажагини таъминлашдек улкан ишларга сарфлайлик. Зеро, ҳар қандай зўравонлик, устомонлик, мунофиқликлар ўтиб кетади, ҳақиқат эса, эгилса ҳам, букилса ҳам барибир синмайди.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

НЕГА ДАРСЛИКЛАРДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎЛМАЙДИ?

Илҳом Ғани ва Нодира Афоқованинг «Мудроқ саҳифалар фарёди» («ЎзАС», 1991, 29 март) мақоласини ўқиб менда ҳам айрим мулоҳазалар туғилди. Дарҳақиқат, мақола куюнчаклик билан ёзилган. Адабиёт дарсликларининг тузилиши, мантиқий ғализ, жўн ва схематик, баландпарвоз шеърий парчалар холис баҳоланган. Мактабда адабиёт фанини ўқитиш шу аҳволда давом этаверса, ўқувчини бу фанга қизиқтиришнинг сира ҳам иложи йўқ.

Тўрт ўқув йилидан буён ўрта мактабнинг юқори синфларида тил-адабиётдан дарс бераман. Машғулот пайтида ўқувчиларимдан бири: «Муаллим, сиз Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» қиссаси 1935 йили ёзилган», деб айтдингиз. Ахир, бу асар 1937 йили ёзилган эмасми?», — деб қолди. Ўқувчининг бундай фикрга боришининг сабаби бор экан. 9-синф учун чиқарилган «Ўзбек совет адабиёти дарслигининг 123-бетида «Судхўрнинг ўлими» қиссаси 1935 йили ёзилган дейилса, китобнинг 131-бетида 1937 йили ёзилган, деб изоҳланган. Қайсисига ишониш мумкин?

Худди шунга ўхшаш 9-синф адабиёт дарслигида «Ҳамза 1889 йил 6 мартда табиб оиласида туғилди», дейилса, олий ўқув юртлари учун чиқарилган дарсликда 7 мартда туғилди, дейилган.

Ўрта мактабларнинг юқори синфлари учун ёзилган адабиёт дарсликларида ўқувчининг фикр доираси, сўзни талаффуз этиш ва ўзлаштириш даражаси мутлақо назарда тутилмаган. Оқибатда ҳозирги дарсликдаги ёзувчи, шоирларнинг ҳаёти ва ижоди акс эттирилган материалларнинг ёзилиш услуби ўқувчи учун бадҳазм, ўқиш ва ўзлаштиришга оғирлик қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти томонидан 1986 йили чоп этилган 10-синф «Ўзбек совет адабиёти» дарслигида шундай жумлани ўқийсиз: «Бир-бирига қарама-қарши икки қутб кишиларининг образини чизиш санъаткор ижодининг муҳим шартлари бўлган типик шароит, типик воқеа ва типик образ яратиш масалалари билан бевосита боғлиқ эди». Бу гапдаги терминларни ўқувчига тушунтириш учун унга камида икки соат лекция ўқиш керак. Чунки назарий терминларни тушуниш осон иш эмас. Демоқчиманки, гаплар ихчам, лўнда ва ўқувчи дунёсига мос бўлсин. Шу китобда Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида» шеърининг бадиий хусусиятларига берилган изоҳда: «Социалистик реализм поэзиясининг принципларига амал қилишни истаган ҳар бир шоир турмушга фаол муносабатда бўлиши, ўз атрофида юз бераётган ҳодиса ва воқеаларга зўр қизиқиш билан қараши, ўз халқининг муваффақият ва ғалабаларини қуйлаш билан чекланмай,

шу муваффақият ва ғалабалар учун кураш ҳам олиб бориши зарур» деган жумладаги «кураш» мазмунини ўқувчи яхши тушунмайди. «Ҳаёт ва замон масалаларини кенг ва чуқур тасвирлаш зарурати, шоиримиз ижодий ишхонасидаги воситалар ва усуллар балоғат босқичи Ғафур Ғуломни монументал асарлар яратишга илҳомлантирди» деган гапларни ҳам ўқувчиларимиз қийналиб ҳазм қилади.

Дарсликда шоир Уйғун ўзи ҳақида гапириб («Жонтемир» поэмаси ҳақида): «поэма бошдан-оёқ ҳужжат асосига қурилган ҳолда, фақат ҳикоя ва қаҳрамонга романтик муносабат менинг номимдан кетди. Тарих ғилдирагини кўплашиб айлантирган темир иродали оддий кишилар отрядининг бир аъзосини умримда илк марта кўрган бўлсам керак-да. У том маъноси билан янги дунёнинг валломати эди», дейди. Бу гапни ҳам ихчам ифода дейишга асосимиз йўқ. «Пахтазор, Назир ота, булут ва ёмғир томчиси — ана шу тўртта деталь Уйғуннинг ғоявий-эстетик моҳият жиҳатидан жуда катта аҳамият касб этган поэтик картина ва замон қаҳрамонининг типик характерини кичик лирик шеърда маҳорат билан яратишига восита бўлган...». Нақадар мураккаб жумлалар!

Дарсликда айрим ўринларда тур билан жанр масаласи қориштириб юборилган. Масалан: «Айниқса у (Уйғун дейилмоқчи — А. Ҳ.) — Улуғ Ватан урушидан кейин драматургия жанрида маҳсулдор ижод қилди». Бу гапдаги «драматургия» ва «маҳсулдор» сўзлари ўринли ишлатилмаган. «Алишер Навоий» драмаси таҳлил этилиб, «Асар нима учун шунчалик шуҳрат қозонди?», — деган савол ташланиб, унга бундай жавоб берилади: «Алишер Навоийнинг образи XV асрнинг кескин синфий курашлар, зиддиятларга тўла ижтимоий ҳаёти фонида ҳаққоний яратилди». Менга қолса, драманинг катта шуҳрат қозонганлигини драматургларнинг бадиий маҳорати юксаклигидан, деб ҳисоблардим.

10-синф адабиёт дарслигидаги обзорларда изчиллик сақланмаган. Дарслик «Ўзбек совет адабиёти» деб аталади. Обзор материалларида эса кўпроқ рус ва қардош халқлар адабиётидаги асарлар санаб ўтилган. Оқибатда ўзбек совет адабиётида ёратилган насрий ва назмий асарларга дурустроқ баҳо берилмаган. Хусусан, «Проза» ва «Улуғ Ватан уруши ҳақидаги асарлар» сарлавҳали материалларда ўзбек совет адабиётидан мисоллар ниҳоятда кам.

Мен бу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Даврийлаштириш бузилса ҳам ўзбек классик адабиётини X ва XI синфларда ўтишнинг тарафдориман. Зеро, ўқувчи ёши улғайган сари классик адабиётдаги мотивларни, сўзнинг маъносини, ишқ-муҳаббат, васлҳижрон тушунчаларини қалбдан ҳис эта бошлайди. 13—14 ёшли ўспирин классик адабиётдаги назокатни, нозик ҳис-туйғуни (қалбидан ўтказмай туриб) қандай тасаввур қилсин?! Яна бир фикр. Мумтоз адабиётимиздаги сиймоларни ўтишни араб тили ва ёзуви билан таниш, аруздаги ғазалларни пухтароқ биладиган муаллимга топшириш керак.

Мен анча фурсатдан буён тилимга келиб турган сўзларни мулоҳаза тариқасида айтдим. Асосий талабим: адабиёт дарсликларида узундан-узоқ жумлалар, мавҳум сўз ва атамалар бўлмаса. Ўқувчини чарчатиб қўядиган, унга ҳеч нарса бермайдиган гапларни камайтирсак!

Аҳмад ҲАСАНОВ,
У. Юсупов туманидаги 2-ўрта мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси

ҲАҚИҚАТНИНГ БАҲОСИ

Ҳурматли муҳарририят!

Мен ўзим яшаётган жойда ҳақиқат юзага чиқишига кўзим етмаганидан Сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Шу йил 2 июнь куни саккизинчи синфда ўқийдиган ўғлим Муроджонни катта гузарда машина уриб кетди. Оқибатда оёғи синиб, буйраги шикастланди, икки ой давомида оёғи тахтакачда турди. Эндигина тузала бошлаганида эса «сариқ» бўлиб қолди. Бу касал ўша фалокат туфайли касалхонада ётганда шприцдан ўтган экан.

Қисқаси, боламнинг тортмаган азоби қолмади, лекин уни машина билан уриб, қонга бўяганича ташлаб қочиб кетган киши — қўшни Файзиобод қишлоғида яшовчи Ғулом Ҳожикамолов бундан заррача ташвишга тушмади. Аксинча, «гижабанг тўй» қилиб уйланди.

Мен боламнинг тирик қолганига шукур қиламан, оний дақиқаларда рўй берган фалокат туфайли бир ёш йигитнинг жазога тортилиб, қамалишини сира истамайман. Лекин менга бошқа бир нарса алам қилади. У фарзандим касалхонада ётганида лоақал бирор марта одамгарчилик юзасидан келиб ҳол сўрамади, оддий инсоний бурчини бажармади.

Фалокат рўй берган пайтда машинани ва рулдаги одамни ҳамма кўрган ва таниган, лекин туман ички ишлар бўлимидагилар шу вақтгача тополмаяптилар, тўғрироғи, топишни истамаяптилар. Ваҳоланки, биз эртасигаёқ машина Ғуломнинг амакиси Тожиматга тегишли 22—01 рақамли «Жигули» эканлиги, рулда Ғулом бўлганлиги ҳақида хабар қилгандик.

куюнчак газетхонлардан хатлар

Яқинда Ҳожикамоловлар қор ёғиб, излар босилди, қабилида иш тутиб, машинани ремонт қилдириб, миниб чиқишди. Мен бу ҳақда ҳам ички ишлар ходимларига бориб айтдим. Улар эса орадан кўп вақт ўтди, энди изни топиш қийин дейишди. Қизиқ, вақтни чўзиб, изни йўқотганлар ким?! Боз устига милициядагилар менга гувоҳ топиб келинг дейишди. Тавба, бу иш кимнинг вазифасига киради, менингми ёки терговчинингми? Балки, эрта-индин айбдорни ҳам ўзим топиб беришим керакдир?

Хуллас, сезишимча, тумандагилар ҳақиқатни бости-бости қилиб юбормоқчилар, шекилли. Агар мен ҳақиқатнинг баҳоси қанча эканлигини билганимда эди, жонимни бериб бўлса ҳам, уни қайтариб олардим. Йўқса, замон зўрники, ҳасса кўрники бўлиб қолаверади.

Мақсуда ЭРГАШЕВА,
СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси
Олтиариқ тумани, Оқбўйра қишлоғи

Ёзувчилар қурултойи: ҳаяжонли ва баҳсли гурунглар

ЗАНГИОТАГА ҚАЙТИШ

ЮРТИМИЗДА кўпгина қадимий шаҳар ва қишлоқлар мавжуд. Аммо уларнинг айримлари халқ маънавияти топталган кезлари умрида бирор маротаба келиб кўрмаган шахслар ёки ўша даврнинг давлат арбоблари номлари билан атала бошланди. Ҳеч қайси мустақил давлатда аҳоли яшаш жойлари биздагидай тез-тез ўзгартириб турилмаган бўлса керак. Хайрият, қайта қуриш ва ошкоралик жараёнида аста-секинлик билан бўлса-да, ҳушимиз жойига келяпти.

Зангиота атрофи салқин сўлимгоҳ бўлганлиги туфайли ўтмишда Тошкент шаҳар халқи тўп-тўп бўлишиб, ёзги қовун пишиғи палласида санъаткорлар, дорбозлар, цирк усталарини ўзлари билан олиб сайилга чиқишган. Маҳаллалар ким ўзарга санъатларини намойиш қилган, ҳофизлар беллашганлар, курашлар ташкил этганлар. Сайил кунлари деҳқонлар қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотларини шаҳар халқига ҳадя қилганлар. Зангиоталиклар уларни бир отли Қўқон араваларда олиб борганлар, ўзига тўқ кишилар эса фойтунларида оилалари билан сайилга чиққанлар. Қишлоқнинг соя-салқин жойларида чодирлар қурилган, қозонлар осилган, турли таомлар тайёрланган, баққоллар савдо-сотиқ расталари ташкил қилиб, келганларнинг кўнглини хушнуд этишган. Қишлоққа нафақат шу вилоят ҳудудидан, балки Туркистон ўлкасидан ҳам меҳмонлар келиб туришган. Бироқ йигирманчи йилларнинг охирида халқ сайли тақиқлаб қўйилгани сабабли аввал бир мунча олис жойдаги, кейинроқ шу яқин атроф аҳолиси келмай қўйди. Ажабланарлиси шундаки, халқ сайлини вилоят раҳбарлари «эскилик сарқити», диний низолар келтириб чиқарадиган маросим деб тақиқлаб қўйганлар.

Зангиоталик тарих фанлари номзоди, 90 ёшли Ғози бобо Тўраев:

«— 1929 йилгача пишиқчилик даврида Зангиотада халқ сайли бўларди. Сайил ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари то кузгача давом этарди. Охирида қозоқлар туя олиб келиб сўйишиб, ҳалим пиширишарди. Ҳалимдан сўнг сайил якунланиб, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар яна ўз жойларига келгуси шу кунларга соғомон етайлик деб, ният қилиб тарқалишарди. Унинг тақиқланишига сабаб бўлган воқеа қуйидагича: 1927 йилда шу ерлик икки киши ўз хотинини чавақлаб ўлдиради. Бу фожианинг асл моҳияти билан ҳеч ким қизиқмайди. Айбни халқ сайли ва бу жойда диний вазиятнинг кескинлашувига боғлаб қўяқолишади. Шу билан халқ сайли таъқибга учраб, йўқолиб кетади.

Кейинроқ қўнғирот ва қипчоқ уруғи авлодларининг макони бўлган Зангиота Свердлов номи билан атала бошлайди. Инқилобдан кейинги даврни хотирлаган кексалар шундай дейишади: «Ўша замонлар хўп ажабтовур эди-да, бир жойдан иккинчи жойга борувчи билан маслаҳатлашмай, келишмай оиласини кўчириб элтиб қўйишарди. Янги жойга келганлар «уста пахтакор» ёки яна бошқа жарангдор атаманинг эгаси бўларди. Исоқ Тўйчиев, Мирарслон ва Мирусмон Мирҳожиевлар, Мирза Исаев, Маҳкам Муҳамедов, Абдуғаффор Йўлдошев «биринчи ўқитувчи»лар сафида Фарғона водийсига юборилди. Ўз навбатида шаҳрихонликлардан бир қанча оила 1934 йилда пахтачиликни ривожлантириш учун бу томонларга кўчирилади. Бу каби ташаббуслар марказ қишлоқларидан дарё каби оқиб келаётган «ишчилар синфи»ни ниқоблаш учун ўша давр арбобларига қўл келган ё бевосита уларнинг «раҳнамо»лигида амалга оширилган. Ўлкани саноатлаштириш, бирор соҳани «ривожлантириш» учун аҳолини турли жойларга (ҳатто бошқа жумҳуриятларга кўчириш миллатларнинг ва туб жой аҳолисининг маънавий бойлигини оёқости қилишга, халқ обидаларига, жой номларига бефарқ қарашга олиб келди. Бунга юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

...Кўчириб келинган тажрибали деҳқонлар жамоада раҳбарлик лавозимини эгалладилар. Зангиота қишлоғидаги жамоа «Ўзбек меҳнати» деб юритиларди. Улар қисқа вақт ичида Свердлов театри билан алоқа боғладилар. Раҳбарлар ташаббуси билан Свердлов театри тез-тез келиб томошалар кўрсата бошлади. Натижада қишлоқ ва жамоага Свердлов номи берилди. Кейинроқ қишлоқ савдо ташкилоти ва дўкони ҳам шу ном билан юритиладиган бўлди».

XV—XVI асрларга оид бу тарихий меъморчилик обидаси йиллар давомида фақат саждагоҳ бўлибгина қолмай, илм-маърифат тарқатувчи маънавий маскан ҳам бўлган. Аммо 30-йилларнинг изғиринли шабадаси бунда-да эсади. Мадраса беркитилиб, домлалар таъқиб остига олинади. Толега шукрларким, динга қарши уюштирилган салб юришида бу обида қўпориб ташланмайди. Кўзи ожизлар жамиятига топширилади. 60-йилларда эса бу ерда «Билим» жамияти иш кўрди.

Қайта қуриш шарофати билан Зангиота қишлоғи ўзининг юз йилларга ҳамнафас номини қайтариб олди. Зангиота тарихий меъморчилик обидаси ҳозир Диний бошқарма ихтиёрига ўтказилди. Намозхонлик баробарида бу жой диний ва дунёвий билимлар берадиган мадрасага айлантирилса, янада мақсадга мувофиқ бўларди.

Ғафур ҲАКИМЖОН

Ёшлиқда

Иброхим ҒАФУР

БАДИАЛАР

ҚУРИГАН ЁВВОЙИ ЯЛПИЗ

2. 04. 91

САМАРҚАНДДАН ЧИҚИБ Қарши йўлидаги Жом қишлоғи рўпарасида тўхтадик. Самарқанддан Қаршига қараб юрганда йўлнинг ўнг томони бир-бирига мингашиб кетган адирлар. Чап томонда тоғ тизмалари ястаниб ётади. Ҳозир тизмаларнинг усти оқиш мовий жилва билан қопланган. Тизмалар йўл ёққа энган сари баланд тепаларга, сўнг елкадош адирларга туташади. Адирлар ҳозир нимтатир яшилликка ўранган. Онда-сонда оқ гулларга бурканган олмазор боғлар учрайди. Боғлар ғоятда сийрак. Қирларнинг бети яккам-дуккам ҳайдалган ва ҳозир кузда сочилган уруғ кўк аланга бўлиб товланади.

Олис тоғ этакларида ер бағирлаган лойкесак кулбалар етти—саккиз тўп бўлиб, шу мунғайиб туриши билан неча минг йиллар илгари бу ерларда мавжуд бўлган ҳаёт равишларини эслатади. Подалар олислардан нашвати гулига ёпишган боларилларга ўхшайди. «Бу ерлар жуда бой, ҳаддан ташқари бой бўлиши мумкин, — деган ўй келади. — Лекин ернинг бойлигини билдирадиган фақат битта ўлчам бор, у ҳам бўлса, шу ер эгаларининг юраги... Ер эгасидаги юрак бойлигигина ернинг бойлигини юзага чиқаради...» Эҳтимол, ўша пайтда етти машина қатор бўлиб йўлдан шувиллаб кетаётганда бундай кўтаринки хаёл миямга келмагандир. Эҳтимол, ҳозир шундай деб ўйлаётгандирман.

Кўтаринки ғаплар ўзининг ҳосилсизлиги ва ёлғонга яқинлиги билан киши юрагини эзади. Баъзан тўғри ғаплар кўтаринки шаклга киради. Бу шаклни кейин ҳеч нарса қилолмайсиз. Қулингиздан келмайди. Шаклни бузолмайсиз. Чақалоқни она қорнига қайтариб юбориб бўлмайди. Фикр ҳам шундай. Қайсар ва ўз дунёга келиш қонуниятлари бор. Мен Ғафур Ғулом ёки Ҳамид Олимжонни улар усуллар ва жумлазорларининг кўтаринкилиги учун айблай олмайман. Булар туғма кўтаринкилик. Уларни ё қабул қилиш керак, ё қабул қилмаслик. Бошқача йўл йўқ.

— Шу боғларнинг ўзигина ҳосилга кирса, бутун дунёни мева босиб кетса керак-а? — дейман машинада бирга кетаётган биродарларимга.

— Ҳаа-а... — дейди Абдураззоқ ака чўзиб. Абдураззоқ ака жуда чиройли киши. Юзидан ўзбек барқ уриб туради. У жуда олижаноб фикрлайди ва дунёга олижаноб назар билан боқади. — Тўғри-ю, ярмидан кўпи чириб кетади бу олмаларнинг... қолган ярмини қурт ейди...

— Нега ундай? Ахир, қаранг, беш-олти ёшли дарахтлар қаҳрабодай сарғайиб ётибди-ку, яхшилаб дориланган бу боғлар. Нега қурт есин? — дейман ўсмоқчилаб.

— Барибир қурт ейди. Бу сепган дорилари мевани, ҳосилни ҳамма қуртлардан сақлолмайди. Бири ўлса, бошқаси қиради олмаларни...

— Дорилар олмаларнинг ёғочини сарғайтириб ташлабди. Бу дорилар заҳарли бўлса керак. Улар кейинчалик мевага ҳам таъсир қилса керак.

— Йўқ. Таъсир қилмайди. Дорини олма гулламасдан олдин сепадилар.

— Лекин дори олманинг вужудига ҳам ўтадику. Вужудига ўтгач, гулига ўтмайдими, гулга ўтгач, меванинг мағзига ҳам кириб боради, — дейман нечукдир шаҳар бозорларидаги олмалар тобора бемаза бўлиб бораётганини эслаб.

Абдураззоқ ака ўйланади. У билан ёнма-ён ўтирган ҳамкасб дўсти тасдиқлайди:

— Таъсир қилса керак... Ҳа, албатта, таъсир қилади. Дори маълум муддатдан сўнг зарарсизланади деймизу, лекин ҳали заҳарли дориларнинг таъсири қанчага чўзилади? Уларнинг ўзгаришларининг ўзи яна қандай ўзгаришларни келтириб чиқаради? Ўзгарганда у дорилар нималарга айланади? — Буларни ҳали мутахассислар охиригача текшириб етмаганлар. Жуда-жуда нозик иш... Лекин бизнинг дориларни қўллашимиз тўла ҳамоқат даражасида...

Мен буйрагимни ўйлайман. Олма дарахтларининг дориланган қаҳрабо вужудларига қарайману буйрагимда симиллаб оғриқ қўзғалади.

«Шу дориларнинг бари охир-оқибат бориб менинг буйрагимдан ўтади. Буйрагим ҳам охир-оқибат шу ота юртимда ўсган дарахтлардай... уларнинг пажмурда меваларидай... берч олмалар... берч буйраклар... яллиғланган буйраклар...»

●

АНИНГ ШЕЪРЛАРИНИ ўйлайман. Бизнинг ҳаммамизни йўлга отлантирган А.нинг шеърлари.

Кечагина дорулфунунда сўйлаган сўзларимни қайта хаёлимдан кечираман: А.нинг шеъри ҳаёт учун курашади. А.нинг ўзи ҳам ҳаётда ўз ўрни учун курашади. Унинг бутун умри шундай ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш учун курашдан иборат. Ҳаёт эса мудом бизнинг курашларимиз устидан кулади... А. йигитлик куч-қудратига тўлган чоғларида кўп башоратангез сатрлар айтган. Улар миллий онг, миллий хаёлни шакллантирган фикрлар. А. «Ниманидир ахтараман шеърдан ҳам улуғ» деган. А. албатта буни ўзи ҳақида айтган. Лекин бу олтмишинчи йилларда мингларча ўйли ёшларнинг фикрига айланган... Сатр-ку айтилди. Лекин А. орадан йигирма беш йил ўтиб ўзи ахтарган нарсасини топдими? Топмадими?

Кўзларимга гоҳ кўринар телба мисоли
Мен бир вақтлар сажда қилган ҳазрати инсон...

А. ўз шеъри билан мурожаат қилган авлод топдими? Топмадими? Шараф ҳам келди шоирга. Шуҳрат ҳам келди. Давлат ҳам... Лекин А. шуларни ахтарганмиди? Лекин булар ҳар қанча жозибали бўлмасин, шеърдан улуғ эмас. Шоир хаёлли одам назарида шеърдан улуғ эмас. А. узоқ йиллар ўтиб, жуда кўп нарсаларни ҳафсаласи пир бўлиб, гоҳ ториниб, гоҳ ҳаволаниб ва ҳар сафар яна ўша асил дарвешона хаёллари оғушига қайтиб, мен қидирган нарса Муҳаббат эди, деди.

Рост муҳаббат шеърдан улуғ бўлиши мумкин.
Аксинча шеър қайда?
Қайдан келади?

Лекин, барибир, А. ахтарган нарса Муҳаббат бўлганда ҳам у сиз билан биз ўйлаган, тасаввур қилган муҳаббатмикан? Муҳаббат деганда, А. тамомила ўзга бир олам ва унинг равишларини тасаввур қилса керак. Биз эса бу тасаввур оламига ҳали-ҳамон кириб боролмаётгандирмиз? Дўстим Олим Отахон бир пайт: «Алҳамдулиллоҳ...» деганда, арабнинг кўз ўнгида бошқа бир олам, бизнинг кўз ўнгимизда эса бошқа бир олам рўёси турса керак», деган эди.

А. муҳаббат деганда, кўз ўнгида нималар пайдо бўлади? Бу сирни у бизга очган эмас. Очмайди ҳам.

●

АДИРЛАР КАВЛАБ ТАШЛАНГАН эди. Ҳар томонга қараб кавланган. Ҳар томонга қараб тартибсиз симлар, симёғочлар тортиб кетилган. Кавланган жойларнинг қирғоқларини ёмғир, қор ювиб тушган, тупроғи сарғайиб кўринади. Эскироқ кавланган ерлардан майсалар унган. Ер ўз вужуди яра бўлиб ётишини истамайди. Ярасини дарров майса билан ёпади. Кечиринг. Яна чиройли ғаплар...

Орқада келаётган уч машина бирдан йўлнинг ўнг томонидаги адирлар сари тушган чоғроқ йўлга бурилди. Биз олдинга ўтиб кетдик.

— Юраверайлик. Биз уларни Жомда кутиб оламиз, — деди машинамиздаги аллаким.

Бироз юргач, Жомнинг мармар кони кўринди. Мармарни Белоруссиядан келиб олиб кетишар экан. Мармар эвазига бу ерларга мактаблар, боғчалару ва турли замонавий болалар муассасалари қуриб беришни келишилган экан.

— Қуриб бердиларми? Кўрсак бўладими? — деб сўрадим Абдураззоқ акадан.

— Қайда дейсиз? Ҳеч нарса қурилган эмас.

— Мармар-чи?

— О, мармарни майдалаб олиб кетишаяпти.

— Нега ундай?

Бу ерларни ва унинг урф-одатларини биладиган ҳамроҳларим елкаларини қисдилар. Адабиётшунос Исроил Самарқанддан чиқаверишдаги боғда бизнинг шарафимизга ёзилган дастурхондан заҳира тарзида олинган чойнакдек анорни қонини оқизмай сўйди. Ҳаммамиз тамшана-тамшана анор едик.

Йўл босарканмиз, мармар кони доим кўз ўнгимизда, чап кўзимиз устида турди. Кон. Бағри тилиниб, ўйиб ташланган унча баланд бўлмаган тоғ. Атрофи айлана йўллар. Юк машиналари тўхтовсиз чопади. Тоғнинг боши оқиш ғубор билан қопланган.

Мармар тоғнинг нариси Жом. Ўз номига жуда ярашган. Адирлар бу ерга келиб айланади ва пасаяди. Улуғ кулол бу ерда адирларни шапатилаб-шапатилаб сўнг бир гўзал жом ясаган. Жомни ясаб бўлгач, кўнгли ўрнига тушиб, яна адир-адирлаб кетган...

Бу йўлда Самарқанддан кетаверишда барча қишлоқлар чап томонда, яъни тоғ тизмаси этакларида муюшган эди. Ўнгда эса фақат мингашган улкан адирлар ва ора-чора боғларгина кўзга ташланади.

Жомгача бўлган каттагина қишлоқ Оқсой ҳам сўл ёқда. Йўлдан Оқсой жуда жозибали кўринади. У ерда яшагинг келади. Сўлим, сурурли ранг-бўй ҳали бундан ўчмаган. Лойшувоқ уйлар нечукдир ўзига тортади. Оқсой ёнидан ўтиб бораётганимизда Абдураззоқ ака:

— Оқсой чиройли қишлоқ. Бу ерда Суннатилла Анорбоев ишлаган. Айтмоқчи, нега Суннатилла Анорбоев кўринмай кетти? — деди. Саволини ҳаммага қарата айтти.

Ичимда: «Ростдан, нега Суннатилла ака кўринмай кетди?» — деб ўзимдан сўрадим. Ичимизда икки шоир бор эди. Улардан бири:

— Ўта дилкаш одам Суннатилла ака. Шахматни жуда қотиради. Этагингдан тутиб олиб ўйнамаганингга қўймайди. Ажойиб...

Бошқа бир шоир менинг ёнимда бирга ўтириб эди. Кўпга эмас, менга эшитарли қилиб: «Ҳозир кўчага чиқиш, бир жойга бориш ҳам қийин бўлиб қолди. Бир гуноҳингни эслатиб дарров юзингга сапчишдан тоймайдилар. Ҳаёт жуда дағал бўлиб кетди. Суннатилла ака эса кўнгли нозик одам...» — деди. Сўнг бироз ўйланиб ўтирди-да: «Бир дунё туғаб, бошқа дунё бошланди... — деди. Энди кўплар бу дунёга етиб юролмайдилар. Улар бошқача тарбияланганлар, бошқача ёзганлар. Ўша бошқача ёзилганларни кейин қизиқиб, топишиб ўқишармикан?». У елкасини қисди. Усиқ қошларини юқорига кўтариб, узун киприкларини тез-тез пирпиратди. «Ҳай, билмадим. Билмадим-ов, — деди. — Балки қидириб ҳам ўтирмаслар... Бу фожиа...»

Бошқалар бу ғапга аралашмадилар.

Машиналаримиз сой ичига эниб борди ва кўприкдан ўтгач баландликка кўтарилди. Баландликнинг белига чиққанимизда бу ерда, йўлнинг ҳар иккала томонида йигирма-ўттиз чоғлик турли машиналар қаторлашиб турганн, кўп одамлар йўл четида А.ни кутаётганликларини кўрдим.

Шу тепадан эътиборан Қарши ерлари бошланаркан. Йўл Қарши томонга ҳам улкан адирлар оралаб кетарди.

— Мен бу йўлдан ўқиб юрган пайтларим кўп ўтардим. Жуда қадимги йўл... — деди Абдураззоқ ака машинадан тушаётиб. — Анави қишлоқ эса Жом. Ёзувчиларингиз Мурод Муҳаммад Дўст шу қишлоқдан чиққан...

Кимдир унинг гапини бўлди: — Жой ҳам солаётган эди шу ерда.

Кўплар билан қучоқлашиб кўришдик. Бошқабирлар эса чеккароқда бизга қараб турдилар. Чамаси уларни А.дан бошқа ҳеч ким қизиқтирмасди.

Кўклам қуёши анча ҳаволаб қолган. Осмонни нимтатир оқиш, кир булутлар чулғаган. Қуёш шу булутлар орасидан эриган қумушдай ярақлайди.

Йўлнинг ўнг томонидаги баландгина тепага чиқдим. Шу ердан Жомни, қадрдон Муроднинг қишлоғини томоша қилдим. Қишлоқнинг уйлари тўп-тўп ва тартибсиз қурилган эди. Янги солинаётган жойларнинг сони эскиларидан қолишмайди. Энди кўтарилаётган уйлар сойнинг узоқ ичкариларигача кўзга чалинарди. Шулар ичидан Муродга ўхшаган уйни ахтардим. Олисда энг чеккада қадди баланд уй кўзимга чалинди. «Балки шудир...», — деб ўйладим. Сўнг бу беҳосил машғулотим ўзимга нашъа қилди. «Сенда заковат бўлса, — дедим ўзимни ўзим яниб, — бировнинг қурилиб битмаган уйини қидириб ўтирмас эдинг. Мана, А.да чинакам заковат бор.

«— Устоз, — деди бир кун тулки тулкига,
Нечун биз ишонмиз доим кулкига!»

Шу икки қатор шеърнинг ўзидан истаганча заковат нишонасини топиш мумкин. У «Калила ва Димна»даги заковатдан кам эмас. Шогирд тулки ҳам, устоз тулки ҳам, гарчи уларнинг ҳеч қандай тавсифи келтирилмаган бўлса-да, кўз ўнгингизга келади. Шоир чизмаган нарсани ўз хаёлингизда чизасиз. Шоир сизнинг заковатингизга йўл очади. Шогирд тулкининг ори келганга ўхшайди. Менга тажрибакор тулкининг шогирд тулкига: «ука» деб мурожаат қилиши жуда маъқул келади. Агар шу ерда у «ука» демаса, шеър ҳам шеър бўлмасди:

«— Ука, — деди шунда тулкига тулки
Бул ҳодисотнинг сабаби шулки,
Касбини эпполмай қолса аксари
Тулкилик қилади ҳайвонлар бари...»

Бу нозик қочирим ғоят нашъали. Устоз тулкининг донолиги ҳам, тулкилиги ҳам бунда тўла мужассам».

Мен шу шеър ҳақида одамларга сўзлаб бермоқчи бўламан. Лекин қачон қаерда сўйласам, ҳеч фикрни шу шеърга тўғри келтиролмайман. А.нинг моҳиятини бошқа, кўтаринки ватанпарварона шеърларидан топмоқчи бўламан. Хаёлим шу томонга оғади. Рост, А. кўтаринкилик ва мадҳда ҳам чакки эмас. Бекорга у Ғафур Ғулом билан аллақандай туғма яқинлик сезмайди ўзида. Лекин менга қолса, мадҳ А.нинг стихияси эмас.

А.нинг стихияси — зарофат.

Шуниси ҳам борки, зарофат — сўз ўйинларигина эмас.

Зарофат — нимкулги.
Зарофат — ўткир киноя.
Зарофат — беозор ҳазил.
Зарофат — кутилмаган нигоҳ.
Заковат ва зарофат — А.нинг стихияси. Фалсафий, таълимий, қочирим шеърларда у ўз юксак баландлигига кўтарилади.

А.нинг рубоийларида ҳам шу икки хислат шоҳ хислат. Улар худди Бадахшоннинг ложувард тоши каби, Кўзингизни майин ва бебаҳо шуълага тўлдиради.

Мен тепага чиқиб ўтирдим. Бу тепанинг номи бордир. Лекин мен билмайман. Бу ерда биладиганлар ҳам йўқ. «Тошкентга борсам, албатта Муроддан сўраб оламан», деб сўз бераман ўзимга.

Тепанинг энг тепасига чиқдим. Пастдагилар кўринмай қолди. Фақат биз келган йўл, мармар кон ва Жомгина кўринади.

Осмон эса ғарчи юпқа булутли, аммо бепоён. Баҳорнинг осмони. Мармар кон чангиб ётир. У ердан қимматбаҳо оқ мармар чиқади. Йўлдан онда-сонда машиналар ўтади. Лекин ўнгга бурилиб кетган уч машинадан дарак йўқ. Тик турган кишилар машиналарнинг ичига ёки соясига ўтдилар. Нариги тепаларга ҳам одамлар ва хотин-халаж, бола-бақра ўрлаб кеттилар.

«Ўтир!» — деб буюрди ғайбдан кимдир. Бир чимдим бўлиб қолган майсага ўтирдим. Чумолилар қалъаларидан чиқиб ширин ўтларни ялаб, заиф очилган чечаклар узра ўмбалоқ ошиб юрадилар. Олдинги қўлларини қуёшга кўтариб силкитадилар, сўнг шу қўлларини ялайдилар.

Бу ер жим-жит. Йўлдан ўтаётган машиналарнинг овозини ҳам тепалик ютади ва шовқин бу ердан беозор эшитилади.

Қир. Яна қир.
Пода. Яна пода.
Бир тепа. Яна бир тепа.
Бир жар. Яна бир жар.

Қишлоқ ичида ҳурпайиб гуллаган ўриклар. Ҳурпайган ўриклар.

Ҳурпайган гуллар.

Жомнинг қантак ўриклари шундай ҳурпайиб гуллайди.

Гўзал Зарафшон тизмалари шу ерда, Жом қишлоғининг тагида тугайди. Бурилиб кетади.

ХУРПАЙГАН, ЭЙ, ҚАДИМ ЖОМ! Кечир мени! Сени билмайман!

Адир тепасида тош устида ўтирибман. Бирдан турналарни беҳад маюс овозлари келди. Хира булутлар тагидан турналарни қидириб топдим. Улар учта тўда эдилар. Учала тўда бир-бирини хабарлаб ва бир-бирларига учиш йўлини кўрсатиб қурайлардилар. Дунёда турнанинг овозидан ҳам маюс овоз бўлмаса керак. Балки алла шундай маюсдир. Турналар жуда баланд учаётир эдилар. Оқада қолган дўстларини чақирар эдилар. Олдинда учаётган тўда Жом тепасида анчагина айланди. Кейин бошқа тўдалар етиб келгач, учала тўда Жом узра айланиб ўттилар-да, сўнг тўғри Самарқанд томон йўл олдилар. «Йўл олдилар», деб ёздим. «Учдилар» десам, тўғрироқ эди. Лекин гап карвон устида, турналар карвони устида кетаётгани учун «йўл олдилар», дедим. Карвон йўл олади-да...

Муҳаммад Юсуфнинг кеча дорулфунундаги зарофатини эсладим. «А. баҳор билан бирга юради. У турналар борган томонга боради. Бугун мен Самарқандга турналар Қаршига қараб учганларини кўрдим. Эртага биз турналар изидан Қаршига борамиз...»

Шоирлар ёлғон сўйламайдилар. Лекин бугун турналар ўз азалий йўлларидан, Қаршидан Самарқанд сари учиб борардилар. «Узбеклар қадимдан содда халқ бўлганлар, — деб ўйладим. — Улар содда сўзлайдилар. Содда иш қиладилар. Содда ўйлайдилар...» — деб ўйлаб ўтирдим-да, турналарнинг ҳазин нолиши таъсиридами ё Жом қишлоғининг бағри кенг шукуҳими, хаёлимда «Содда тушунчамда... содда тушунчамда... менинг содда тушунчамда...» — деган жумла тилимда айлана бошлади.

Менинг содда тушунчамда —
ой осмонга одамни
сеҳрлашга чиқади,
ойдан бўлар одамларнинг
жигари.
Менинг содда тушунчамда —
чин шоир сеҳргардир,
одамларга одамни
жигар қилар
ғамгузорий сўзлари.
Менинг содда тушунчамда —
қуёш чиқар кўк юзига
ўт бергани одамларнинг
қонига.
Менинг содда тушунчамда —
қуёши йўқ одамлар
бўлар доим шафқатсиз.
Менинг содда тушунчамда —
ўзбек кўкси тилсимдай,
бу тилсим калитини кўкка отгандай
Худо.
Менинг содда тушунчамда —
шу калитни кўк бетидан
қидиради шоирлар.
Менинг содда тушунчамда —
на ўзини,
на ўзгани
тиндиради шоирлар...

Қир тепасида тош устида ўтириб шуларни ўйладим. Жомдан менга шу сўз келди. Жом менга А.нинг отаси сўйлагандай фақат бир қадам орадангина эшитиладиган ва фақат рубоий ўқиладиган ғамгузорий овозда: «Ўтир!» — деб эди.

Энди: «Тур» — деди. Туриб қир устини кездим. Тошбақалар шибир-шибир ўт оралардилар. Пастга тушдим. Бир болакай тошбақанинг боласини тутиб ўйнарди. Унинг кунгирасини қўлчалари билан силарди.

Қолиб кетган машиналар келди.
Биз яна йўлга чиқдик.

Болакай тошбақасини қир бағрига қўйиб юборди. Тошбақа одам қўлининг изларини олиб кетди.

●

Дафтарим ичидан бир кафт қуриган ёввойи ялпиз чиқди.

Кўп урниб уни қаердан олганим, ким берганини ҳеч эслолмадим.

Ялпиз ўткир исини йўқотмаган эди.

ҚУТИРБУЛОҚ

3. 04. 91

КИР ОШДИК. Қир ошиб текисликка чиққанимиз йўқ. Яна бошқа қир-адирлар орасига кириб бордик. Йўлнинг ўзи адирлар ичидан ўтади.

Мен бу қирларни билмайман. Бу адирларни билмайман. Зарафшон тоғларини билмайман. Тизмалар устида ё остида юрган эмасман. Менинг бу «Билмайман» дейишим мақтанишга ўхшаб кетаяпти. Лекин бу мақтаниш эмас, уят. Ўз ерини билмаслик жуда уят. Баландпарвоз сўзлаяпти деманг, ўз элини билмаган одам бошқа нимани билади? Агар билганда ҳам, унинг булардан ташқаридаги, булардан истисно, холи билимига ишониб бўладими? Шунинг учун мен билмаганимдан уяламан ва, шу уятдан озгина бўлса-да халос бўлиш учун, буни очиқ тан олаяпман. Менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ, деган фаришта одамдан, хўп, сенинг сира гуноҳинг йўқ экан, сен тоза экансан, айт-чи, сен ўз элингни биласанми, ўз юртингни, ўз жуғрофиянгни биласанми, деб сўранг. Мабодо, билмаса, унинг фаришталиги ва тозалигига ишониш қийин. Элни билмаган кимса эли олдида гуноҳкор. Бу ерда «гуноҳкор» деганим «қарздор» деганим ҳам.

— Иброҳим ака, бу қирларда кузда ё ёз ўртасида бўлганмисиз? — деб сўради адирнинг майсса кўрпасига ёнбошлаб ётганимизда шоир Икром.

Бўлмаганман, дедим, бўйнимни қисиб. Билмаган одамнинг бўйни доим қисиқ-да ва иши мудом орқага кетган-да. Билган ўн дақиқада етиб борадиган манзилга билмаган ярим кун, баъзан эса йиллар давомида етиб боролмайди. Гапларим доноликка ўхшаб кўринмасин. Билмаган ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қилаверади. Билмаганнинг билгани қурсин. Қийнаб юборади.

Икром денгизчиларникига ўхшаган қўли билан шабадада тебраниб турган майсаларни силади ва кафтини чалғи чалгандай у ёқдан бу ёққа чалди.

— Тақрон нима дегани биласизми? — сўради Икром.

— Билмайман.

— Ёз чиққанда қирда ўтларнинг сарғайиб қуришини бу ерларда «тақрон» дейишади. Тақрон чоғи ҳам бу ерлар чиройли бўлади.

«Тақрон» сўзини дафтаримга ёзиб қўйдим. Атрофимга қарадим. Сайлга чиққан ўзбеклар. Машиналар, отлар, эшаклар, туялар, бир сўз билан айтганда, кўҳна ва ёмонавий уловлар тепалар чеккасига қантарилган. Нотиқлар сўз айтмоқдалар. Шоир шеър ўқимоқда. Одамлар қирда ранг-баранг гуллаб ётган чечакларга ўхшайдилар. Улар ўланларга қоришиб кетганлар. Уларни майса-чечаклардан ажратиб бўлмайди. Ўзбеклар майса. Ўзбеклар қир ва саҳро одамлари. Саҳро ва қир улардан ҳеч қачон ётсирамайди.

Қизлар эса шунчалар алвон либосларга ўранганларки, капалаклар мисол у томондан бу томонга тўда-тўда бўлиб ўтадилар. Бунақа чиройли капалакларни ҳеч кўрган эмасман.

Шунчалар ранго-ранг издиҳом!

А.нинг шиқаста овози бу издиҳомнинг эр ҳайқириқларига кўмилиб кетади. Лекин булар шиқаста овозни ҳам диққат билан тинглайдилар ва уни ўз қийқириқларига кўмиб юборадилар. Барибир, А. шуларнинг шоири. Шу тўлқинда туғилган. Эҳтимол, ҳозир бу қийқириқлар уни чўчитади, лекин унга ёт эмас. Бу ранго-ранг азамат издиҳом манави баҳор чечакларини қанчалар суйса ва қиш бўйи орзиқиб кутса, А.нинг шеърларини ҳам шундай суяди. Ўқиганман: «Кибор шоир» деган тушунча бор. Халққа юксак булутларнинг оқ тўдаси ичидан боқадиган шоирлар балки кибордирлар. Лекин А. ундай эмас. У кибор эмас. Кибор фикр эгаси эмас. Унинг сўзи халққа яқин. У ўз халқининг тилини топган. Унинг шеъри бу баҳор майсаларига ва баҳор шабадаларига, илк чечаклардан шарват эмадиган ва ҳеч қачон ҳеч нарсани яксон қилмайдиган мана шу капалакларга ғоятда яқин.

У ҳайқиролмайди. Ҳайқиришни истайдими, йўқми, билмайман. Истамаса керак. Ҳайқириқ унга ёт. Лекин баъзан аллақандай кайфият таъсирида ҳайқириб шеър ўқимоқчи бўлади. Шунда нозик қомати орқага, ҳа орқага (олдинга эмас!) ёй каби эгилади. Тобора жўшиб шеър ўқиркан очилган қавсга ўхшаб қолади. Бу зўриқиб шеър ўқиш туфайли бўлса, эҳтимол. Ҳамма шеърларини эмас, айрим шеърларини ўқиганда, унинг ҳолати шундай очилган қавс ҳолига киради.

«Ҳайқиряпман ҳозир... Баъзида лекин
Зайф шамолларга бўйсунар созим.
Юрагим, юрагим, миттисан-ку сен,
Ҳайқириш аслида сенгами лозим...»

Турғунлик бошланмаган, лекин унинг шабадаси келаётган ва коммунизм ўзининг энг чўққисига кўтарилган пайтда айтган буни А.

Митти юрак. Митти юлдуз. Митти шеър. А. ўзи ҳақида ўзи шундай дейиши мумкин. Бунга ҳақли. У ўзини «Энг нўноқ одамдан нўноқман» деб ҳам пастга уриши мумкин. Бир чеккаси шоирона камтарлик удуми. Бошқа бир чеккаси ўзи табиатан дарвешликка мойил. Лекин бошқалар унга бундай деёлмайдилар. Бошқалар бундай десалар, бошқача эшитилади. Шоир ҳақли бўлган нарсага бошқалар ҳақли бўлмасликлари мумкин.

Ўзбек миллий ҳаётида «базм» тушунчаси ўзига хос. Ўзбек ўз ҳаётини базмсиз тасаввур қилолмайди. Базмни айш-ишрат маъносида тушуниш ҳам йўқ эмас. Лекин халқ базмни умрнинг байрами деб билади. Навоий базмни ижод ва шеърият, гўзал шеърий мусобақалар деб тушунган. У барча йирик асарларида базмларни алоҳида шавқ-завқ билан тасвирлайди. Унинг ҳар бир ғазали эса туйғулардаги чексиз гўзалликларнинг чин базмидир.

Агар ўзбекнинг базми тортиб олинса, унинг энг қиммати нарсаси — ҳаёти тортиб олинган бўларди.

А. ўйга ботиб юради.

Юраги митти. Ўйи полвон.

У ўйнинг исканжасидан қутулиш учун муттасил уринади.

●

КАПАЛАКЛАР ПОРИЛЛАБ учиб кеттилар. Отлар дупур-дупур ҳар томонга тарқади. Майсалар яна ёлғиз осмон билан сўйлашмоққа тушдилар.

Йўл четидаги бекат.

Йўлга қарата солинган шинам қўналға. Қўналғанинг икки томони баланд айвон.

Дастурхонга бир неча турли қовурдоқлар катта лаганларда уюлган. Чойнакдек-чойнакдек ноклар. Кафтга сиғмайдиган анорлар. Нок ва анор апрелнинг бошида бениҳоя лаззатли бўлиб кетади. Бу дастурхон Германиядаги бир князликни бир ҳафта тўйдириши мумкин. Етти-саккиз хил, турли шаклда қизартириб пиширилган сомсалар.

Булар дастурхонга қўйилган таомларнинг фақат бир қисми. Тортилаётган таомлар алоҳида. Жўжа қовурдоқдан лаззатли шўрвагача. Фақат қўйнинг қовурғасидан қовурилган қовурдоқдан иккиуч турли кабоб ва охири паловгача... Еган билан, ичган билан дастурхон устида ҳеч бир тортиш озаяётгани йўқ. Бўшаган лаганларнинг ўрни тўхтовсиз тўлиб турибди.

Одам ўзини жуда оҳиз ва ҳақир сезади бу ўзбекнинг базм дастурхони рўбарўсида.

4 апрель, жума

БОЛАЛИК ЧОҒЛАРИМИЗДА, қирқ олтинчи, қирқ еттинчи йилларда ёз ва куз пайтлари чуқурсойлик Салом аммамизнинг узумзор ва нокзор боғларига сайлга чиқардик. Салом аммамнинг боғлари ва улкан қўрасига темир йўл изидан ўтиб бориларди. Темир йўл ва поездлар бизга фавқулодда қудратли нарсалар бўлиб кўринарди. Катталар олдинга ўтиб кетиб, биз чўян изларга энгашиб ётиб диққат билан изга қулоқ солардик. Узоқлардан бўлса-да поезд келаётган эса чўян из ажиб бир тарзда зинғиллаб турарди. Биз чўян изга қулоғимизни қўйиб шу товушни эшитишни севардик. Анчагача зувиллаган овоз келмаса, катталарнинг орқасидан қоронғу қамиш ариқдан тезроқ ўтиб олайлик, бўлмаса, бувимиз кетиб қоладилар, деб зинғиллардик.

Қарши четидаги улкан қадимий қабристонда туриб ҳозир, шу тобда, ҳеч нарсага қарамасдан, ғарчи галстук таққан одам бўлсам ҳам, ерга ётиб, қулоғимни қабристон майсаларига тутгим келди.

Қабристоннинг кунботарида ҳайбатли девдай тепа. Жуда маюс тепа. У ерга Жинлар ва Руҳлар макон қурган. Дунёнинг сирли тепаси. Нигоҳимни қадим ва янги қабрлар эмас, нуқул шу тепа тортади.

Бу орада А.нинг отаси ёнимдаги кимгадир тушунтира бошлади:

— Муқанна ўтган жойлар-да бу ерлар. Ана шу тепа ҳам Муқаннанинг тепаси бўлган. Унинг қўрғонлари ва қоровулхоналари бўлган бунда. Бу ҳамма тепаларда... — Қарши атрофидаги барча тепаларни қулочини ёзиб кўрсатди.

Бобонинг қиёфасида жуда қадим одамларнинг нуқси бор. Қошлари қуюлиб, қийиқ, асл ўзбекона, мангитона кўзларига тушган. Даштнинг ҳавоси юзини ва қўлларини мумдай қорайтириб юборган. Хастароқ овоз билан равшан-равшан сўйлайди. Тетик фикрлайди. Қабристондан чиқиб борамиз. Атрофдагилар ола-ғовур сўйлашиб борадилар. Мен бобонинг сўзларини яхшироқ эшитиш учун унга яқинроқ юраман. Ҳассасига мункайиб бораётган бобога шовур-шувур нечукдир ёқмайди.

— Қабристондан чиқаётганда дуо ўқиб чиқинглар. Бу ерда ётганлар тиланиб ётибдилар. Сиздан дуо тилайдилар. Кимлар ётибди бу тепаларда...

Шунда мен бу тепага сажда қилиб, уни тинглагим, қадим боболар ва момоларнинг, Муқаннанинг сасини уққим келди.

Муқаннанинг овози келиб турганига ҳеч шубҳам йўқ. Фақат у овозни эшитгувчи зийрак қани?

Исо ҳазратлари чин дилдан ўлик тирилсин десанг, ўлик тирилади. Ихлос қилсанг, ихлосинг рўёбга чиқади, деганлар. Бунинг учун дилнинг тозалиги ва ихлоси қай мақомда бўлиши керак...

●

РУЗА ОЙИ ЭДИ. Кун ботганда, бобо билан унинг кенг ҳовлисининг ғарбий томонига қўйилган чоғроқ сўрисида ўтириб ифторлик қилдик. Бобо бизнинг тагимизни суриштирди. Айтик. Бобо нечундир бизга эшон деб мурожаат қилдилар. Бободан буни мақтов ўрнида қабул қилдик. Бобо А. атрофини қуршаган ёки бир пайтлар А. билан яқин бўлган барча адибларни яхши билади ва улар ҳақида билганларини кулиб-кулиб ҳикоя қилиб ўтиради. Сайёр, Шукур Холмирза, Маҳмуд Саъдийни эслаб, нега булар кўринмай қолди, дедилар. Замон ўзгариб бориши, шунга яраша А. нинг атрофи, уни қуршаган одамлар доираси ҳам, табиийки, ўзгариб боришини бобо тан олгилари келмайди. У киши бир пайт дўстликда дилдорликлар қилган одамлар охиригача ҳам шундай бўлиши керак деб ўйлайдилар. Йўловчини йўлда ташлаб кетишни ақлларига сиғдиролмайдилар.

Омон Азиз бобони гапга солиб ўтиради. У кимни сўйласа, бобо уни таниган бўлиб чиқади. Ўша одам ҳақида бир қизиқ тафсилотни албатта айтиб ўтади.

Қоронғу тушди. Бугун булутлардан холи кўкда тиниқ юлдузлар бодради. Битта яқироқ кўкимтир йирик юлдуз сўримизнинг нақ тепасида мовий шуъла сочади. Ҳовли чорси ва кенг. Атрофда уйлар. Бобонинг ўзи ҳовлининг кунботишига қатор солинган камтарона уйларда ёлғиз истиқомат қилади. А. кунботишга тушган, лекин кунчиқишга қарата солинган шу уйлардан бирида туғилган. Уйларнинг томига қараб ток сўрилари тортилган. Биз ўтирган сўридан сал қуйироқда битта олма қийғоч гуллаган. Юлдузларнинг шуъларида у худди шамдай оқариб кўринади.

Омон Азиз бобога Қутирбулоққа борганимизни ҳикоя қилади. Бобонинг мийиғида табассум жилваланади.

●

БУЛОҚ ҚУНҒИРТОВНИНГ этагида. Баланд-баланд тепалар орасида. Биз булоқ бўйига борган маҳалда кун уфққа оғган, ётоғига тез эниб борарди.

Булоқ икки тепалик орасидан чиққан ва айлана бўлиб бироз ергача чўзилган. Булоқнинг суви ҳаддан ташқари шўр. Омон Азиз пича чеккароққа бориб авайлаб қўлини билагининг ярмигача сувлади. Қўли бир зумда оппоқ оқариб қолди. Булоқнинг ичи юзлаб ҳовузчаларга айлантирилган. Ҳовузчаларнинг атрофи лой билан ўралиб гўё «ванна» ҳосил қилинган. Ҳозир бу ерда зоғ йўқ. Лекин ёз келиши ҳамоноқ булоқ атрофи зиёратчилар ва даволанганн келганларга тўлиб кетади. Касалга чалинганлар шу «ванна» — ҳовузчаларга тушиб бўйинларигача кўмилиб ўтирадилар.

Ҳозир баҳор. Сувга ҳеч ким тушмаган ва хира кўкимтир. Лекин одамлар туша бошлагач, ҳовузчаларнинг сувлари қанчалар лойқаланиб кетишини тасаввур қилиш мумкин. Шуниси ғаройибки, барча ҳовузчаларнинг суви бир сатҳда. Булоқнинг суви ҳеч қачон камаймас экан. Булоқнинг кунботиш тарафида ёлғиз бир қабр с

Боши учинчи бетда

халқнинг барча қатламлари фикрини ўрганиш асосида бир фикрга келиш зарур. Б. Назаров жумҳуриятнинг миллий мустақиллиги пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида қўйилаётган қадамлар тўғрисида ҳам гапириб, ўтган ойда тарихда илк бор Ўзбекистон ўз олтин бойликларига эгалик қила бошлади, унинг муайян қисми мустақил давлатимиз хазиналарига олиб келинди, деб айтди. Нақд имкониятларни ҳисобга олмасдан, амалга оширилаётган муҳим ишлар ҳусусида аниқ тасаввурга эга бўлмасдан туриб, билиб-билмасдан «раҳбарлар қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдирди» қабилида фикр юритишга ишқибозларни кенгфеълликка, одил бўлишга чақирди.

19 октябрда, қурултойнинг иккинчи кунида доклад юзасидан музокарани ёзувчи **Зоҳир АЪЛАМ** бошлаб берди.

— Уюшма ғоялар генератори бўлиши керак ва у ўзининг шу вазифасини баҳоли қудрат амалга оширмоқда, — деди у. — Бизнинг мустақил жумҳуриятнинг ҳаёти учун ҳозир нималар зарур? Маълумки, бизнинг ҳаётимиз, иқтисодимизгина эмас, онгимиз, маънавиятимиз ҳам юксалмаётибди. Биздан ҳали қулчилик психологияси чиқиб кетмаётибди. Шунинг учун биз ижодкорларнинг биринчи навбатдаги ишимиз инсонга ўз эрки, мустақиллигини англатишдан иборатдир.

Шунингдек, З. Аълам баъзи нотиқларнинг уюшма раҳбари О. Ёқубовни нотўғри танқид қилгани, регионлардаги юз бераётган фожиалар мазлум бир шахслар томонидан уюштирилаётгани, халқ ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун уни қуроллантириш кераклиги ҳусусида ҳам фикрлар билдирди.

Музокаралар пайтида **А. КАРИМОВ** (Жиззах), **М. ҲАЙДАРОВ, Б. ҒОЙИБ, Ҳ. САИДҒАНИЕВ** (Қўқон) уюшма Низоми лойиҳаси тўғрисида таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ёзувчи **Эркин АЪЗАМОВ** ёзувчилар уюшмаси фаолияти ҳақида сўзлаб, ёш истеъдодларга чинакам ғамхўрлик масаласига тўхталди: Хабарларинг бор, «Шарқ юлдузи»да Абдулла Қодирийнинг тергов иши асосида ёзилган «Қатлнома» деган асар босилди, жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди. Унинг муаллифи Набижон Боқий Давлат Хавфсизлик Қўмитасининг қора ҳужжатгоҳларида неча ойлаб ўтириб, ўша мураккаб жараённи тиклади. У ҳозир атай ишдан бўшаб, ёнидаги сўнгги чақаларини сарфлаб, деярли бир йилдан бери Тожикистон Давлат ҳужжатгоҳларида материал тўплаб юрибди. Халқ қаҳрамони Иброҳимбек ҳақида йиққан материали юз босма тобоққа етди, лоф қилаётганим йўқ, биродарлар, юз босма тобоқ!

Агар уюшмага ёзувчи керак бўлганида эди, ана шу асарни муҳокама қиларди, баҳо берарди, шу йигитни чақириб, аъзоликка оларди, ёрдам кўрсатарди, ҳеч қурса, бир парча қоғоз юбориб мана шу анжуманга таклиф этарди... Афсус!

Мана, кечадан бери Ватан, истиқлол ҳақида гаплар бўляпти. Мен бунга қарши эмасман, лекин бу юксак, муқаддас тушунчаларни чайқовга солиб, ҳадеб такрорланишига, сийқалаштирилишига қаршиман. Ундан кўра фидойи биродаримиз Набижон Боқийга ўхшаб, муайян ишларимиз билан амалда мустаҳкамлаш тарафдориман.

Сўнгра адиб ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қай йўсинда қайта қуриш мумкинлиги, котибиятдаги баъзи ўринларни қисқартириш юзасидан таклифлар билдирди. «Қўлимизга қалам тутибмизми — қисмат бу. Уюшмага таяниб, ундан бирнима таъма қилиб эмас, қаламимизга таяниб иш кўрайлик. Мен бу гапни, аввало, ўзимга қарата айтяпман!» — деди.

— Ёзувчи — халқ виждони деган гап бор. Шунинг учун мен ҳурматли халқ виждонлари ҳақида гапирмоқчиман, — деди шоир **Юсуф ЖУМАЕВ.**— Қурултойга келаётиб кўп нарсаларни ўйлаган эдим. Айниқса, номигагина мустақил бўлган, ҳамон бойликларини марказ ташиётган, дастурхонидаги сўнгги ушоқларни мафия ўмараётган жумҳуриятнинг шўрлик халқи озодлиги учун ижодкорлар бирлашади, деб кутган эдим. Пахтанинг ҳар килограммига 40 тийин ҳақ тўлаяпти деб саҳардан то шомгача оч-яланғоч пахта тераётган, касаламанд болаларини мактабдан не наф, деб «оқ олтин» теришга жалб қилган нотовонларни жаҳолатдан қутқариш ҳақида адиблар ўзаро келишиб олишади, деб умид қилгандим. Кеча мустақиллик учун курашганларга қарши курашган, бугун эса мустақиллик ҳақида лоф ураётган риёкорларни барча ёзувчилар биргаликда фош қиламиз, деб ўйлагандим. Афсуски, уюшма биносига қадам қўйишим билан бу ўйларимнинг бари бекор эканлигини англадим. Салом аликдан аввал, фалонча учун овоз бер, мени фалон ўринга кўрсат каби гаплардан бошим ғовлаб кетди.

Мен тушунмаётгандирман. Эҳтимол, ҳаммамиз раис бўлсак, Ўзбекистон ҳақиқий мустақилликка эришар, балким, халқ жаҳолатдан қутилар, балки Орол тўлиб қолар, балким иқтидорсиз қаламкашлар Москвода ҳам, бошқа жойларда ҳам халқни ёқлаган, уюшма биноси бағридан «Бирлик»ка ҳам, «Эрк»ка ҳам жой бериб, не-не маломат тошларидан озор чеккан Одил Ёқубов даражасида романлар битишар, балким амалпараст шоирларимиз шеъриятимизда бурилиш қилган Эркин Воҳидовдай шеърлар ёзишар. Буларга ақлим етмаётган бўлса, узр.

Раисликка даъвогарлар, айримларни ҳисобга олмаганда, ҳаммамиз — қарийб сакқиз юзта! Афсуски ўрин битта! Шу учун таклиф киладим: байрам ва дам олиш кунларини ҳисобдан чиқарсак, беш йилда 1600 кун бўларкан. Бу ҳар биримизга раҳбарлик учун икки кундан етади. Фақат бунда тартиб бўлса, бас.

Худди шу бинода Шайхзода юбилейи муносабати билан ўтказишган кечада Г. Нуриллаева «буюк шоир руҳини шод этайлик, тилимизга давлат тили мақоми берилсин», деганида кўпларимизнинг лабимизга учуқ чиққан эди. Кейинчалик «Бирлик» ҳаракати бу масалада кураш олиб борди. Амалпараст адиблар, тўраларнинг этагини ушлаганлар эса четда турдилар. Қонун қабул қилинди. Курашганлар таъқиб қилинаверди. Четда турганлар эса телеэкранларга чиқиб, тил ҳақида куйина бошладилар. Халқ олдида қаҳрамон бўлиб олдилар. Гап бу ерда қаҳрамонларни аниқлаш борасида эмас, виждон ҳақида бормоқда. Фақат тил масаласидагина эмас, армиядаги фожиалар ҳусусида ҳам, мустақиллик масаласида ҳам худди шундай бўлди.

Яқинда бир ёзувчи Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида деҳқонлар билан гаплашганида пахтакорларнинг митинглардан

Ёзувчилар қурултойи: ҳаяжонли ва баҳсли гурунглар

безганлиги тўғрисида сўзлаганликларини ёзди. Унингча, гўё вилоятларимизда ҳар куни митинг бўлаётгандай. Наҳотки, шўрлик деҳқон ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўлмаган митинглардан безган бўлса. Қолаверса, демократияни сталинчилардан бизнинг пахтакорларимиз эмас, ўша митингчилар қутқариб қолдику. Хўш, ҳурматли халқ виждонлари «халқ виждонлари»да виждон борми ўзи?

Шунингдек, шоир ўз сўзида «Бирлик» халқ ҳаракати ва унинг фаоллари тақдири ҳусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Музокарада сўз олган адабиётшунос **Қолдибек СЕЙДАНОВ** қурултойда кўпроқ адабий жараён ҳақида фикр юритилишини, шоира **Ойгул МАМАТОВА** Ўзбекистон фуқаролиги ҳақида эълон қилинаётган қонун ҳусусида ижодкорлар ўз муносабатларини билдиришини, адабиётшунос **Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ** уюшма Низомига ижодкорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги фикрлар киритилишини таклиф қилдилар.

— Ёзувчилар уюшмаси ижодкорлар муассасаси сифатида ўз вазифасини адо этмай қўйганига талай йиллар бўлди. Бу даргохда адабиётдан бошқа ҳамма нарса муҳокама бўлади, — деб бошлади сўзини ёзувчи **Эмин УСМОН.** — Қаламкашлар маънавият, ҳаётнинг адабиётдаги инъикоси, маърифатнинг инсон руҳиятига таъсири, умуман, адабиётимизнинг бугунги савияси ҳақида фикрлашиш ўрнига енг шимариб ялписига сиёсатга киришиб кетишди.

Айни пайтда, одамлар бошига топса оёғига, оёғига топса бошига тополмайдиган ҳозирги кунда ҳар бир маҳалла, туман, вилоят ва жумҳурият мукофотларининг сон-саноғи йўқ. Кейинги йилларда уларнинг сони янада кўпайтирилди. Совет ҳукумати тугатилди, Коммунистик партия завол топди, лекин бизнинг ёзувчиларимиз унинг орден, медалларини олишдан ҳануз номус қилишмаяпти. Аллоҳ таоло ҳар қандай тамани ҳаром қилади. Шунинг учун ижодкорларни тамагирликка ундайдиган мукофотларнинг сонини кўпайтириш эмас, аксинча бутунлай йўқотиш керак. Агар мукофотсиз кунимиз ўтмаса, фақат Навоий мукофотини қолдириш, уни ҳам ҳар йили фақат бир кишига бериладиган, мабодо муносиб асар топилмаса, умуман берилмайдиган қилиш керак. Унвонлар эса мутлақо кераксиз, тўғирофи бачкана бир нарса. Мен ёзувчиларимизни Совет ҳукумати ва Компартия берган унвонлардан воз кечишга чақираман.

Маълумки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уйғур адабиёти кенгаши мавжуд, бироқ бу кенгаш уйғур ёки ўзбек тилида биттагина китоб, кундалик ва ойлик матбуотини чиқариш, республика радиоси ва телевидениесида эшиттириш ва кўрсатув тайёрлаш ҳуқуқига эга эмас. Ўзбек китобхонлари адабий ҳамкорликларимиз ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас. Мен Совет Иттифоқида яшаб, уйғур ва рус тилларида қалам тебратувчи ёзувчиларнинг қисса ва ҳикояларини тўплаб нашрга топширганимга яқинда ўн йил тўлади. Шунча йилдан бери Ғафур Ғулом номидаги нашриёт ваъда бериб зерикмади. Бундан уч йил муқаддам Матбуот Давлат қўмитасининг раҳбарлари ҳар йили уйғур қаламкашларининг учта тўпламини мунтазам равишда ўзбек тилида чиқаришга сўз беришган ва бу хайрли ишлар Ғафур Ғулом ҳамда «Чўлпон» нашриётларига юклатилган эди. Афсуски, бу умид ҳам сароб бўлиб чиқди. Ваҳоланки, уйғур тилига ўзбек ижодкорларининг юзлаб асарлари ўгирилган ва нашр этилган.

Қурултойда айрим таклифларимни ўртага ташламоқчиман. Аввало, уйғурлар учун вақтли матбуот сув билан ҳаводек зарурлигини яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчиман. Шунингдек, бирон нашриётда уйғурча асарларни чоп этадиган ёки уларни ўзбекча чиқарадиган бўлим очилса яхши бўларди.

Иккинчи таклифим, бугунги қурултой Ўзбекистонни бетараф давлат деб эълон қилиш ҳақида ҳукуматга мурожаат қабул қилишини ва барча Ўрта Осиё жумҳуриятларини шунга даъват этишни истар эдим. Шундагина Ўрта Осиёда бетараф Туркистон давлати вужудга келиши осонлашади. Бундай давлатдан мустабид Қизил Армиянинг чиқиб кетиши ўз-ўзидан зарур бўлиб қолади.

Учинчи таклифим, салкам бир ярим минг йиллик тарихимиз битилган араб имлосидан воз кечиб лотин имлосига ўтиш ҳақидаги фикрларга қўшилмаслик керак. Ахир бугунги кунда биз пойига гул қўйиб улуғлаётган барча алломаларимиз шу имлода қалам тебратишган, Қуръони карим шу имлода ёзилган.

Шоир Тўлан **Низом** қурултойда иштирок этаётган андижонлик йигирма нафар ёзувчи номидан гапириб бундай деди: биз майда-чуйда гинакудуратлардан воз кечиб, шахсий адоватлардан устун туриб, адабиётимизнинг келажагини ўйлашимиз керак. Бу ерда сўз айтган баъзи ижодкор дўстларимизнинг айрим одамларга ғайри муносабати аниқ билиниб қолди. Бу бизнинг маънавий савиямиз ғариблигини кўрсатмоқда. Бунинг ўрнига биз уюшма ишини яхшилаш юзасидан ўз таклифларимизни дўстона айтишимиз мумкин эди. Масалан, Андижон вилояти мисолида оладиган бўлсак, кейинги бешолти йил ичида бизда ижодий муҳит сусайганлиги маълум. Умуман, вилоятлардаги ижодкорларга, вилоят бўлимларини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш лозим. Адабиётни тарғиб қилиш ишини уюшма фақат Тарғибот бюросига топшириб қўймай ўз зиммасига олса яхшироқ бўларди. Ишчанлик руҳини, умуман барча котиблар ишчанлигини ошириш керак.

Сўнгра нотиқ О. Ёқубовга мурожаат қилиб, андижонликлар адибнинг уюшма раиси сифатидаги фаолиятини ёқлашларини айтди ҳамда ёш ижодкорларга янада кўпроқ ғамхўрлик кўрсатасиз, деб тилак билдирди.

Ёзувчи **Нурали ҚОБУЛ** адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, лекин ярим асрдан бери Ватандан узоқда яшаётган Боймирза Ҳайитни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жумҳуриятга таклиф қилиши ҳусусида мулоҳаза билдирди. Адабиётшунос **Матёқуб ҚУШЖОНОВ** Боймирза Ҳайитни уюшма аъзолигига қабул қилиш ҳақида таклиф киритди. Қурултой қатнашчилари бир овоздан Боймирза Ҳайитни уюшма аъзолигига қабул қилишди.

Шоира **Гулчеҳра ЖУРАЕВА** аёл ижодкорларга нисбатан меҳр-муҳаббатни кучайтириш ҳусусида сўз юритиб, жумладан бундай деди: «Халқимизда «ранг кўр, ҳол сўр», деган гап бор. Лекин бу гап тобора унутилмоқда. Бу айниқса, хотин-қизлар орасидан чиққан ижодкорларга нисбатан муносабатда яққол сезилмоқда. Кейинги йилларда Ҳ. Худойбердиевани ҳисобга олмаганда аёл ижодкорлар орасидан бирортаси мукофотларга тавсия этилмади. Асарларимиз адабиётшунослар томонидан таҳлил этилмади. Тўхтасин Жалоловдан кейин бирорта олим ижодкор қизларимиз ҳақида йирик эпик полотнолар яратмади. Буларнинг бари уюшмамизда бизларга нисбатан ғамхўрлик йўқлигини кўрсатади. Шунинг учун уюшма котиблигидан биттаси аёл ижодкорларга беришини, ижодкор аёлларга ижодий имкониятлар яратиб бериш учун иш соатларини қисқартиришни, ижодий кунлар белгиланишини, улар асарлари етук таҳлил қилиниб, унвон ва мукофотларга тавсия этилишини таклиф қиламан».

Ёзувчилар уюшмасининг тўрт йиллик фаолияти қониқарли, деб топилди. Мандат комиссияси (раиси Барот **Бойқобилов**) ва Тафтиш комиссиясининг (раиси Расул **Раҳмонов**) маърузалари тингланди ва уларнинг фаолиятига ҳам қониқарли баҳо берилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси янги Низоми лойиҳаси бўйича таҳририят комиссиясининг раиси Муҳаммад **АЛИ** гапирди. У қурултой қатнашчилари томонидан айтилган таклиф ва мулоҳазаларга муносабатини билдирди. Қайтақайта муҳокама қилиниши жараёнида лойиҳани мукаммаллаштиришда ҳисобга олиш зарур бўлган жиддий қусурлар баён этилди. Бундан буён Ёзувчилар уюшмаси бошқарувини Кенгаш, деб аташ ва уни 81 кишидан иборат қилиб тузиш, котибиятни эса Ҳайъат, деб аташ ва уни 11 кишидан иборат қилиб белгилаш зарур деган фикрга келинди. Муҳокама сўнггида шу таклиф кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Қурултойнинг куннинг иккинчи ярмидаги мажлисини жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, шоир Эркин Самандаров бошқарди. Ёзувчилар уюшмасининг раислиги лавозимига Одил **Ёқубов,** Хуршид **Даврон,** Саид **Аҳмад,** Тўра **Мирзо,** Мирзо **Кенжабек,** Эркин **Воҳидов,** Омон **Матжон,** Нурали **Қобул** номзодлари кўрсатилди. **С. Аҳмад, Т. Мирзо, М. Кенжабек, Э. Воҳидов, О. Матжон, Н. Қобул** ўз номзодларини қайтариб олдилар.

Уюшма раислиги сайлови учун фақат икки адиб — Одил **Ёқубов** ва Хуршид **Даврон**нинг номзодлари қолди...

Шундан сўнг сўз олган Одил Ёқубов Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг биринчи котиби лавозимидан бўшатишни сўраб қурултойга мурожаат қилди. Қурултой уюшма раҳбариятини сайлашни анжуманнинг иккинчи навбатига қолдирди ва ташкилий масалаларни ҳал этиш учун Муроса комиссияси тузди.

АНЖУМАН ЎТДИ ВА... КЕЧИКТИРИЛДИ

Турли сабабларга кўра бир неча маротаба орқага сурилган ёзувчиларнинг ўнинчи қурултойи ниҳоят ўтди.

Қурултой бугун жумҳуриятда ва куни кеча Совет Иттифоқи деб аталиб келинган империяда рўй берган, бераётган, бериши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдирди.

Одил Ёқубов маърузасининг марказида ижтимоий эркинлик ва жумҳурият мустақиллиги масаласи турди. Барча адиблар ўз сўзларини асосан мустақиллик билан чамбарчас боғланган масалаларга қаратдилар.

Мустақиллик, янги дунёга келаётган партияларга ўз қарашларини ифодалаб баёнотлар билан чиқдилар. Қурултой ушбу муҳим баёнотларни ўз ишининг якунида қараб чиқиш ва қабул қилишга келишди. Лекин қурултой тугамай тарқади. У ташкилий масалаларни алоҳида кўриб чиқиш учун кейинчалиқ йиғиладиган бўлди. Ташкилий масалаларни тайёрлаш ва рўй берган ихтилофларни бартараф этиш учун қурултой Муроса қўмитасини тузди ва унинг аъзоларини бир овоздан тасдиқлади. Ёзувчилар ташкилотининг қурултойгача бўлган бошқарув органлари ўз ваколатларини зиммадан соқит қилдилар, қурултойнинг қарорига кўра ваколат Муроса комиссияси устига юклатилди.

Ўзбекистон мустақиллиги, эркинлик устида гап борганда ёзувчилар ўртасида ихтилоф йўқ. Мабодо бунда айрича қарашли қаламкашлар бўлганда ҳам, уларнинг қарашлари қурултойда кўзга ташланмади. Тўғрироғи, мустақиллик ва эркинлик ҳақида икки турли фикр айтилмади. Буни шу масалада якдиллик белгиси деб қабул қилиш мумкин. Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг ҳозирги аҳволи кўпчилик ёзувчиларни қаттиқ ташвишга соляпти. Жумҳуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиёти бундан сўнг қандай йўлдан боради? — деган бош муаммо адибларни жиддий ўйлантириб, безовта қилиб турибди. Бунга равшан иқтисодий-сиёсий дастурнинг ишлаб чиқилмаганлиги сабаб бўляпти.

Мустақилликни мустақил ташқи ва ички сиёсат, мустақил чегара, мустақил қўшин, мустақил сўм каби асос нарсалар белгилайди.

Ушбу асос масалаларни узоққа ташлаб қўймай бирма-бир қатъият билан ечмоқ даркор.

Биз Ўзбекистон дарвозаларини мутлақо ёпиб олсин демаймиз. Лекин ҳар қандай келди-кетди, борди-келдилар, турли мулоқотлар халқаро ҳуқуқлар асосида, расмий виза системалари асосида олиб борилиши зарур. Ҳуқуқлар ва халқаро тан олинган, амалда бўлган қонун-қоидаларга асосланган эркинлик ва демократия жуда мустаҳкам бўлади, халқларни фаровонликка олиб боради. Чин дўстлик ипларини боғлайди. Бизда ҳозир ҳеч ким ҳеч кимдан виза сўрамайди. Қаердан, нега келдинг, нима қилиб юрибсан, неча кун бўласан, бу юришингдан бизга ва ўзингга нима фойда етади? — деб сўрамайди. Ҳолбуки, борди-келдилар заминида шу саволлар туриши ва келди-кетдиларни қатъий тартиб-интизомга солиши зарур. Ўзбекистоннинг барча кириш-чиқиш йўлларида дарҳол божхоналар ўрнатилиши заруратга айланди. Мамлакат ўзига кириб келаётган ва чиқиб кетаётган нарсаларни қаттиқ ҳисоблаб ва назорат этиб бормаса, у мамлакат бўлмайди. У мамлакат бўлса ҳам, унда ҳеч қачон тартиб ва фаровонлик ўрнатилмайди.

Ёзувчилар ҳақли саволларни ўртага ташладилар: Ўзбек халқи қаттиқ меҳнат қилиб ётибди. Жун деса жун, ипак деса ипак, қоракўл деса қоракўл, сара буғдой деса, сара буғдой, узум деса узум, олма деса олма, пахта деса пахта етиштириб турибди. Хўш, нега энди тер тўкиб меҳнат қилаётган ва катта ҳосил кўтараётган халқ қашшоқ яшаши ёки очлик хавфи билан тўхтовсиз қўрқитилиши керак?

Фақат қулгина оғир меҳнат қилиб оқибатида юпун яшайди. Биз эса бугун ўзимизни қулликдан чиққан деб санаймиз. Меҳнат қилган одамнинг очлик ва қашшоқликка гирифтор этилиши ўта кетган ахлоқсизлик ва ижтимоий ёвузликдир. Қайсики давлат шундай ахлоқсизлик ва ёвузликнинг тепасида тураркан, у охир-оқибат ҳалокатга маҳкумдир.

Қурултойда мени бир нарса ҳайратга солди. Қурултой бошдан-оёқ ижтимоий муаммоларни ўртага ташлаш билан машғул бўлди.

Ёзувчилар адабий-ижодий ишлардан сўзлашни эсларидан чиқариб қўйдилар. Биронта ёзувчи муайян бир китоб ёки асар, адабий маҳорат, услублар, янги бадиий йўналишлар тўғрисида махсус тўхталмади. Фақат Саид Аҳмад бадиий прозани публицистикага айлантириб юбормаслик устида қисқагина эслатиб ўтди. Ҳатто бош маърузада ҳам адабий асарлар таҳлилига андак бўлсин ўрин қолмагани жуда сезилиб турди.

Ҳамманинг хаёлини ижтимоий-сиёсий муаммолар бутунлай банд қилган. Адиблар бу муаммоларни ҳал қилишни биринчи ўринга қўймоқдалар. Токи улардан ҳотиржам бўлмагунча ижод сирлари ҳақида сўйлашни ўзларига эп кўрмаяптилар. Ёзувчиларнинг хаёлининг марказида ижод эмас, ижтимоий-сиёсий муаммо чиққани бугун ажабланарли туюлмайди. Ҳозир ёзувчи-ижодкордан кўра ёзувчи-фуқаро устун чиқмоқда. Ижтимоий таҳликалар ёзувчилар диққат-эътиборини тўлалигича қамраб олганлиги аён бўлиб қолди. Таҳлика остида яшаш, таҳлика остида сўзлаш, таҳлика остида ёзиш кўп замонлардан бери одат тусига кирган эди. Лекин ижтимоий таҳликалар ақллар ва юракларни қанчалар ишғол қилиб олгани шу қурултойимизда айниқса бўртиб кўзга ташланди.

Бу ҳодиса охир-оқибат ижод жараёнларига унинг сифати, савиясига жуда кескин салбий таъсир кўрсатиши, адибларни уларнинг бош иши — китоб яратишдан чалғитиб юбориши мумкин. Аммо умид қиламанки, бу муаммобозлик, сиёсатга берилиш кўп узоқ давом этмайди. Акс ҳолда ҳозиргидай китоб ёзмайдиган, китоби йўқ «ёзувчилар» кўпайиб кетади ва бу ижодни инқирозга гирифтор қилади. Қурултойда асар яратувчи эмас, гапирувчи, нутқ сўйловчи, тўхтовсиз микрофонларга сакраб чиқувчи тоифа пайдо бўлганлиги ҳам кўзга ташланди. Сакраб туриб қичқиришлар, бемаъни лўқмалар, ўта кетган даражадаги пала-партиш муҳокамалар, сурбетларча суқилиб боришлар — бу асло демократия эмас. Бундай ҳоллар ижодий ишда нечоғлик хатарли эканлиги равшан. Ўз «антипатия» ва «симпатияларини», ўта шахсий қарашларини кўпчиликка сингдиришга уринишлар муҳокамаларимиз ҳали ғоятда хомлиги, фикримизнинг ғўрлиги, ташкилий ишларнинг шаклли ва йўлларини билмаслигимизни кўрсатди.

Барча нутқларда бир сўз ҳеч канда бўлмай эшитилиб турди. Ҳамма аввал диёнат, иймонни тилга олди. Бошқаларни диёнатли бўлишга чақирди ёки диёнатсизликда айблади. Ҳатто қизиқ бўлди. Бир ёзувчимиз залга қарата бу ерда ўтирган ёзувчилар ичида имонсиз, диёнатсизлар кўп экан, деганда, залда қарсак бўлиб кетди. Ҳар ким ўзинигина имонли санаб, ёнидаги шеригини имонсиз деб билса, ана шундай бўлади. Албатта, одам роман ёки достон ёзгани билан имонли ёки яхши инсон ёки ақлли фуқаро бўлиб қолмайди. Яхши инсон билан яхши ёзувчи деган тушунча ҳар доим ҳам биргаликда тўкис намоён бўлавермайди. Лекин ёзувчилар аллақандай манфаатларни кўзлаб бир-бирларини имонсизликда айблашга тушиб кетсалар, бу жуда хунук кўринади ва халқ ичида оғир таассурот қолдиради.

Булар бари ўзини, ўз ўрнини билмаслик натижаси. Тоталитаризмча қадрсизланиш боис ҳозир ким кўп — ўз ўрнини билмаган, чамасини йўқотганлар кўп. Қанча қичқириб сўйласам, шунча ақлли кўринаман, деб ўйлашлар шундан дарак беради.

Қурултой ташкилий масалаларни муҳокама қилишга ўтганда, қизиб турган залда ихтилоф чиқди.

Қурултойнинг бориши ва равишидан, ўз таклифларининг амалга ошмаётганидан норози бўлган бир қанча адиблар қурултой залини ташлаб чиқиб кетдилар. Улар ёзувчилар ташкилотининг ички қурилишини, раҳбарликни тамомила янгилашни талаб қилдилар. Бу талабларга қурултой етарлича хайрихоҳлик билдирмаётганлигини кўргач, улар «чиқиб кетиш» йўлини тутдилар. Кўпчилик баъзан ўта консерватив бўлади. Кўпчиликнинг одатий тусга кирган қарашларини енгиш ғоятда қийин. Камчиликнинг гоҳо «зални ташлаб чиқишдан» ўзга чораси қолмайди. Буни ёқлаб бўлмаганидек, қоралаб ҳам бўлмайди.

«Чиқиб кетишдан» сўнг қурултойга қарадим. Қурултойда асосан бошлари оппоқ оқарганлар ўтиришарди. Нега сочлари тим қора, билаклари кучга тўлиб турганлар қурултойни тарк этишди? Буни-ку майли норозилик манифести дейлик. Лекин «манифест» тагида ожизлик ҳам йўқ эмасми? Бу енгилишдан қўрқиш эмасми? Биз янги авлоддан ғоят жиддий ижтимоий-ижодий ишлар кутишга ҳақлимиз.

Кейин мен кўп адиблар билан суҳбатларда айнан бир фикр кўп такрорланганига эътибор бердим. Нега чиқиб кетишади? Қийинчиликдан қўрқиб чиқиб кетган одамлар раҳбарликнинг чигал ва оғир масъулиятини қандай кўтаришади? Бугун курашга тоб беролмаган дўстимиз эртага масъул жойни ҳам «бор-э» — деб қолдириб кетмайдими!

Бу гаплар бари тўғри. Лекин бошқа бир томондан шу норозилик ечилмаган муаммоларимизни янада бўрттириб кўрсатди. Иккинчи бир жиҳатдан эса, эркинлик бизга ихтиёримизни қайтариб берганлиги ва эндиликда ҳамманинг биттагина чизиқдан юриши шарт эмаслигини англатди.

Қурултой охирлади. Лекин у ёзувчилар ташкилоти қандай бўлиши керак? — деган катта масалага жавоб тополмади. Қурултой шу муҳим саволни ўртага ташлади. Албатта, унга бир кунда ёки бир қурултой доирасида жавоб топиш қийин. Лекин бир нарса жуда аниқ ва ҳар қандай шубҳадан холи: Ёзувчилар ташкилоти керак! Бу ташкилотнинг ўрнини бошқа ҳеч қандай идора босолмайди.

У халқ суянадиган ташкилот. Халқ ўзининг кўп саволларига ва дардларига шу даргоҳдан жавоб топишни истайди.

Шунинг учун ҳам халқимиз бу даргоҳдан жанжалларнинг сурони эмас, ёркин ишлар, гўзал ва ҳаққоний китоблар, етук фикрларнинг зиёси таралиб туришидан беҳад манфаатдордир.

Бу эшик ҳеч қачон ёпилиб қолмасин!

И. ҒАФУР.

ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН ШОИР

Етмиш йил. Уни йилларга, ойларга, кунларга, соату дақиқаларга бўлиб чиқсанг қаршингда кўз илғамас фазодек улкан вақт пайдо бўлади. Бу бир инсон ҳаётига сиғмайдигандек, ниҳоятда катта даврдек таассурот қолдиради. Лекин бу етмиш йилга кўҳна тарих минбаридан назар ташласанг, у бир ёниб ўчган шамдек, коинот бағрини бир зум ёритган чақмоқдек кўз олдингдан йилт этиб ўтади. Бу табиатнинг буюк неъмати — инсон учун ниҳоятда қисқа фурсатга айланади. Лекин инсон бу улкан вақт ва қисқа фурсат оралиғида ҳам ўз ўрнини, ўз йўлини топа олади, ўзлигини намоён қила олади.

Шукуруллонинг Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биносида бўлиб ўтган 70 ёшлик тўйида ўтириб бу ҳақиқатга яна бир карра имон келтирдим. Шоирнинг шу фурсат ичида ҳаётда ҳақиқат учун курашиб, ижодда яхшиликни куйлаб жуда кўп ишлар қилганини кечага раислик қилган ва олиб борган Одил Ёқубовдан тортиб сўзга чиққанларнинг ҳаммаси бир оғиздан таъкидлашди. Жумҳуриятимиз Президентининг юбилярга йўллаган ва Бахтиёр Назаров ўқиб берган табрикномасида адибнинг халқимиз олдидаги хизматлари яна бир бор улуғланди. Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров ёзувчи ҳақида сўз юритар экан, унинг ҳаёт ва ижод йўлини дорулфунун деб атади. Шоир оғир, машаққатли даврда яшаганини, таҳликалар ижодкорни тинимсиз эзиб турганлигини, унинг ижодини ана шу таҳликали замон ва шароитдан келиб чиқиб баҳолаш зарурлигини айтди. «Шукрулло тоталитаризм алангаси ичида ёниб кетмади. Унинг ичидан лирика найини чалиб чиқди», деди у.

Ҳа, у чалган лирика найининг оҳанглари кечада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаровнинг, «Шодлик» ансамблининг, артист Марям Ҳатамованинг, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабийнинг, «Турон чечаклари» ансамблининг вакили Бахтиёр Холхўжаевнинг қўшиқ ва куйларига қўшилиб кетди.

«Бугун инсонлар сўзбозликдан чарчади. Биз ҳамма нарсанинг қадрини йўқотаялмиз. Шунинг учун, энг аввало, сўзнинг қадрини тежайлик!» Шукрулло «Унсиз фарёд» драмасида ана шундай деб ҳайқиради. Бу ҳайқириқ ҳаммамизнинг кўзимизни очиши керак», дейди кечада сўз олган жумҳурият маданият вазири Наим Ғойибов, «Гулистон» ойномаси бош муҳаррири Мирмуҳсин, СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари диний бошқармасининг бошлиғи, муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Римма Казакова, Юсуф Жумаев, жамоат арбоби Нуриддин Муҳиддинов шоир ҳақида юрак сўзларини изҳор қилдилар.

Шукрулло чинакам халқ шоири. У шеърларидан бирида:

«Дунёда қолдими кўрмаган нарсам!..»
Кўрдим деб гердайма,
не кўрибсан, кам.
Бир одам кўнглини овлай
олдингми,
Инсоннинг қалбидан борми
кенг олам,

деб ёзади. У ҳар бир одам кўнглини овлаш, ҳар бир одам юзида табассум кўришни ният қилади

Шунинг учун ҳам Шукрулло кечада миннатдорлик билан шундай деди: «Бошимга не-не кулфатлар ёғилмасин, қўлимдан келганча халқим кўнглидаги гапларни топиб айтишга ҳаракат қилдим. Элдошларимнинг ҳамма орзулари ушалишини, тилимиз давлат тили бўлишини, мол-мулкимизга ўзимиз эгалик қилишимизни, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этишимизни, давлатимиз истиқлолга эришишини кўйладим. Худога минг қатла шукрким, мана 70 ёшга кирдим. Азал-азал орзуим, ниятим — халқимиз эришган истиқлолни кўриш эди. Ниятимга етдим. Менга бундан ортиқ бахт йўқ».

Қутлайлик!

ЁРҚИН ОБРАЗЛАР

Сиз бу кишини бир қарашдаёқ танийсиз. Ва ҳайрат ичида «Э-э, бу Шопирку?!» деганингизни беихтиёр сезмай қоласиз. Бугун худди шу роллар ижрочиси Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов 60 ёшга тўлибди. Бу 60 ёшгача бўлган давр ичида Суръат Пўлатов эл назарида бўлди, унинг севимли артистларидан бирига айланди. Албатта, бу даражага у ўз-ўзидан эришмаган, бунинг айрим қирралари ҳақида Суръат Пўлатов билан бўлган суҳбат давомида ишонч ҳосил қилдим.

— Отам Миробид Пўлатов ҳофиз бўлмаса ҳам дутор чалиб яхшигина қўшиқ айтарди, — деб эслайди у. — Бунинг устига уйимизда таниқли ҳофизлар Қобил Қори Сиддиқов, Боборайим Мирзаев, Карим Зокиров, атоқли созанда Пўлат Раҳимов тез-тез йиғилишиб, соз чалиб қўшиқ куйлашганда булардан мен ҳам баҳраманд бўлардим. Шунинг таъсири бўлдими, 1943 йилнинг апрель ойида И. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрида шаҳар мактаб ўқувчиларининг конкурси бўлиб, мен ҳам ўртоқларим қистови билан унда қатнашиб, якка хонандалар орасида иккинчи ўринни олдим. Шундан сўнг театр қошидаги студияда ҳам ўқ

Ёзувчилар қурултойи: ҳаяжонли ва баҳсли гурунглар С. МАҲКАМОВ суратга олган

СИНОВ

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

Айтишларига қараганда, ўтган йили райком котиби хотинларингизни 8 Март билан табриклаб қўйинглар, деган экан, район халқ таълими бўлими мудири Хизиров шу куниёқ ўқитувчиларни йиғиб: «Ўртоқлар, жуда муҳим партиявий топшириқ бор. Ҳаммамиз хотинларимизни саккизинчи март билан табриклашимиз керак экан», депти.

Мана бугун котиб Хизировга қўнғироқ қилиб: «Эртага вилоят газетасида бизнинг район халқ таълими фаолияти ҳақида мақола чиқаркан. Шу газитдан эрталаб битта олиб келиб бер-сангиз, мен дала айланаман, мусобақадошлар келишган», — деди.

— Тўғрилаймиз, раҳмат, минг раҳмат, — деди Хизиров телефон гўшагига қуллуқ қилиб. Нега «раҳмат» деганини ўзи ҳам тушунмади. Одати шунақа. Раҳбарлар уни танқид қилса ҳам «минг раҳмат», деб туради.

Хуллас, Хизиров партиявий топшириқни олиб визиллагانича ишга тушиб кетди. Район алоқа бўлими бошлиғига қўнғироқ қилди.

— Алло, Собитхон ака, ўзингизми, минг раҳмат. Эртага газит чиқаркан.

— Қайси газит?

— Шу, ўзимизни вилоят газити. Шундан биттани райкомга олиб бориб, шахсан Раҳимовичнинг ўзларига топширишимиз керак.

— Соат нечага?

— Эрталаб тўрт яримга.

— Тўрт яримга-а?

— Ҳа, Раҳимович соат бешда дала айланадилар. У киши далага чиқиб кетмай туриб улгуришимиз керак.

— Вилоят газетаси бизга соат ўн иккига аранг етиб келади-ю.

— Энди, оғайни, эрталаб бешда Раҳимовичнинг столлари устида газит турмаса, сиз билан биз ҳам районда турмаймиз. Бу, партиявий топшириқ.

Алоқа бўлими бошлиғи «уф-ф», деб турди-да, «бўпти, мен шаҳарга битта одам юбораман», деди.

Хизиров уйга келиб хотинига уқдирди:

— Мени кечаси соат учда уйғотиб қўясан. Раҳимовичнинг олдиларига бораман, партиявий топшириқ бор.

Хотин соат қўнғироғини учга тўғрилаб қўйди.

Хизиров оқшом пайти алоқа бўлими бошлиғига қўнғироқ қилди:

— Собитхон ака, қалайсиз, топшириқ эсдан чиқмадими? Ҳа, баракалла, минг раҳмат.

У ярим кечада Собитхон акага яна қўнғироқ қилди:

— Собитхон ака-а, қалайси-из? Ухламадингизми? Топшириқ эсдан чиқмадими-и?

Алоқа бўлими бошлиғи мудроқ товушда тўнғиллади:

— Ҳа, бир марта айтдингиз, бўлди-да. Газитни эрталаб олиб келади.

— Собитхон ака, бу партиявий топшириқ-да, ўзингиздан қолар гап йўқ, шефни биласиз-а.

— Жа, қўрқаверманг, у даврлар ўтиб кетди. Райком бугун-эрта йўқ бўлади.

— Ҳай-ҳай, Собитхон ака, унақа деманг. Райком йўқ бўлса ҳам, партия қолади. Партия сиз билан бизни энди синовдан ўтказяпти. Бу синовдан шараф билан чиқишимиз керак. Яна бир гапни айтиб қўяй: Раҳимович котибликдан кетсалар ҳам, кенгаш раиси бўлиб қолаверадилар. Буни унутманг, Собитхон ака...

Хизиров тун ярмида апил-тапил чой ичиб олдида, идорага қараб йўл олди. Қоровулни турғиб уйғотди:

— Ҳасанбой ака, кечқурун ўн марта тайинладим сизга, а? Ухлаб қолманг, бугун масъулиятли кун деб.

Қоровул қизарган кўзларини ишқаб, таҳорат қилиб келди-да, чой қўйди. Кейин иккови қоровулхонада чой ичиб валақлашиб ўтиришди. Соат эрталаб беш бўлди ҳамки, вилоят рўзномасини олиб келадиган кишидан дарак бўлмади. Вақт ўтиб борар, Хизиров у ёқдан-бу ёққа бесабр бориб-келар, ташқари чиқиб-ичкари кирарди...

Ниҳоят соат олтиларда тиканак мўйлабли пакана бир йигит икки нусха рўзнома келтирди. Хизиров рўзномани унинг қўлидан юлиб олди-да, кўчанинг нариги бетидаги райком биносига қараб учиб кетди.

Фирқа котиби келмаган эди. Хизиров икки соат кутди, эшик оғаси-миршабдан котибнинг келмаётгани боисини нақ ўн марта сўради. Миршаб ҳам нақ ўн марта бир хил жавоб берди:

— Раҳимович ўн бешта кам ўнда келадилар. Ташлаб кетаверинг, бериб қўяман.

— Жон ука, шахсан ўзларига беринг, мен ҳали хабар оламан, — деди Хизиров миршабга ва ортига қайтди.

У соат ўнларда фирқа котибига қўнғироқ қилди. Котиб ўрнида экан.

— Асаломалайкум, Раҳимович, мен Хизировман. Минг раҳмат, эрталаб соат тўртда келувдим, йўқ экансиз...

— Газетани ўқидингизми? — сўради котиб унинг гапини бўлиб.

— Ўқидим-ўқидим, минг раҳмат, — деди Хизиров гарчанд рўзномани очиб кўрмаган бўлса ҳам.

— Ҳа, мақола чиқмабди-ку. Мен ҳозир муҳаррирга қўнғироқ қилдим. Расмий материал келиб қолибди. Эртага беришаркан, — деди котиб ва телефон гўшагини тақ этиб қўйиб қўйди.

Хизиров ғалати бўлиб, бўшашиб кетди. «И-е, чиқмабди-да, — деди ўзига-ўзи сўлжайиб. Сўнг қўшиб қўйди: — Партия бизни синовдан ўтказяпти...»

МУХТАСАР МУЛОҚОТЛАР

— Тинмаса ҳам хўш, нега—
Терлаб-пишмас чумоли?!
— Ахир терни артишга—
Йўқ унинг даструмоли...

●

— Хўш, бозордан нималар
Харид қилдинг, Тошбақа?
— Ҳеч нима ўзимга —
Болаларга ҳеч вақо!..

●

— Дейлик, юз сўм пулинг бор —
Не олардинг, о бунга?!
— «Шум бола»га, билсайиз
Бўлар эдим обуна...

Абдулла ТУРДИЕВ

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўтган сонда хабар қилганимиздек, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги редакцияси ўз обуначилари учун махсус лоторея ўйинини ташкил этди. Лоторея ўйинида ҳафталигимизга 1992 йил учун обуна бўлган муштарийлар иштирок этишлари мумкин.

Бунинг учун энг аввало обунани расмийлаштириш лозим. Сўнг қуйидаги лоторея билетини тўлдириб жўнатиб юборинг. Улар алоҳида дафтарларда қайд этиб борилади.

Обуна мавсуми якунлангач, «Спортлото» ўйини қоидалари асосида 50 та омадли муштарий аниқланади. Улар учун бугунги кунинг энг ноёб буюмлари бўлмиш

ТЕЛЕВИЗОР,
МАГНИТОФОН,
ЧАНГЮТГИЧЛАР,
ҚЎЛ ВА ОСМА СОАТЛАР,
ДАЗМОЛЛАР

ва бошқа шу каби кўплаб қимматбаҳо ютуқлар ажратилган.

Қирқиш чизиғи

«ЎзАС»нинг 1992 йилги обуначилари лотореяси

Исмингиз ва фамилиянгиз _____

Касбингиз ва ёшингиз _____

Турар жойингиз _____

Ҳафталигимизни қачондан бери ўқийсиз? _____

1992 йил учун қачон ва қаерда обуна бўлдингиз? _____

Обунани расмийлаштирган алоқа бўлимининг рақами, пул тўланганлигини қайд этган касса аппаратининг номери (обуна квитанциясидан кўчириб ёзинг) _____

САЙЛОВБОЙНИ ТАНИЙСИЗМИ?

Танимай турибман дейсизми? Танийсиз. Танимасангиз ҳам номини эшитгансиз. Шу ўзимизнинг Сайловбой-да, Жумақул аканинг ўғли. Ҳатто «Сайловбой Жумағулов дегани туф деса тупуги чаённи тил торттирмай ўлдирадиган, тили «заҳар искалатига» айланиб кетган ҳажвчи» деб сўз ёзган, ўзи эса «Мушукнинг қуйруғидаги ҳатлар»ни, бировларнинг «Кундалик»ларини ёзиб олиб редакцияга йўллаб юрадиган йигит. Саид Аҳмаддай улкан ёзувчи. Барибир танимадим дейсизми? Ҳай, танимаган бўлсангиз, мана, энди номини эшитдингиз.

Хўш, десангиз, ана шу йигит яқинда «Қорақалпоғистон» нашриётида «Туфлининг нағали» деган сатирик қисса ва «юморлиқ гурунглар»дан иборат китоб чиқарибди. Бу китобда кўпчилигимизнинг номимизни тилга олиб, қилган ишларимизни ёзибди. Ана шу китобдан мана бир гурунг. Агар унда номингизни тополмасангиз хафа бўлманг, яхшилаб ўқинг, зора қилмаган ишларингизни кўриб хурсанд бўларсиз.

МИРЗАБОЙ ОҒАНИНГ ўтган жума кундан бери тинчи йўқ. Даҳлизсиз икки хонадан иборат идорасига эрта тонгда келиб, қора кечгача ором нима билмайди. Ишдан сал қўли бўшади дегунча шаҳар томондан келадиган асфальт йўлга бўйнини чўзганча қараб-қараб қўяди. Ахир, ҳазил гапми, бошқармадан бир одам у бошчилик қилаётган товуқ фермасини текширишга келмоқда. Бироқ нима сабабдандир шу пайтгача бу одамдан дарак йўқ эди.

Мирзабой оға кўнглининг бир чеккасида ўзўзидан хурсанд эди. Ҳар қалай, текширувчининг келаётгани узунқулоқ гап-сўзлар орқали бўлса-да олдинроқ эшитди. Тўрт-беш куннинг ичида кўзга ташланадиган бир талай ишларни амалга оширтирди. Аввало, кичкинагина бўлса-да идорасининг йўл тарафини оппоқ пахтадай қилиб оҳаклатди. Тепасига қип-қизил байроқ илдирди, эшиги олдидаги олдинги қийшайиб ётган «4-қушчилик фермаси» деган ёзувни тўғрилаб қоқтирди. Шаҳардан зўр рассом чақиртириб, олдинги ранги ўчиб кетган шиорларни олиб ташлатиб, янгиларини ўрнаттирди. Кираверишдаги бир челак тухум кўтариб турган ёш товуқ боқувчи қизнинг сурати ҳам янгиланди, энди у кулимсираган кўйи қўлларида икки челак тухум кўтарган ҳолда тасвирланди. Темир дарвоза қайтадан бўялиб, унга ҳам қанотларини ёйиб қичқириб турган икки улкан хўрознинг сурати ишланди.

Ўзларининг обрўларини ўйлашдими, ҳайтовур товуқ боқувчи хотинлар ҳам бир зум тинчиганлари йўқ. Товуқ фермасининг ичкари-ташқариси супириб, артиб тозаланди. Неча йилларди бери товуқларнинг қат-қат бўлиб уюлиб кетган ахлатлари ҳам йиғиштириб олинди, унинг ўрнига сариқ қум сепилди. Бундан ташқари, товуқларнинг ўзларига ҳам жиддий «ғамхўрлик» кўрсатилди. Махсус идишларга анчадан буён бермай қўйилган дондунлар мўл-кўл қилиб солинди. Кўм-кўк ўтлар майда қилиб қирқиб берилди. Уч товуқка эса тухум чақиб қўйилди. Саратоннинг иссиғи бўлишига қарамай, улкан самоворда сув қайнатилиб, сўнг совутилиб товуқлар олдидаги идишларга солинди. Хўрозлар алоҳида қамалди ва улар бемалол чангитиб ўйнаб, сўнг кўнгилларини ёзиб юришлари учун ғиш пиширилади ган хумдондан бир тележка кул олиб келиб тўкилди. Уч кундан бери фермадан ташқарида қолиб молхонанинг гўнгхонасида қўноқлаётган товуқлар бор эди. Уларга ҳам товуқ фермасининг тарихида бўлмаган алоҳида меҳрибонлик кўрсатилди. Кирлашиб, тўзғиб қолган парлари тароқ билан таралиб, кокиллари атир қўшилган илиқ сув билан ювилди.

Эртасига эрталаб кўпдан кутилаётган текширувчининг келаётгани хабари қулоққа чалинди. У район марказига қизил «Икарус»да етиб келибди. Уни олиб келиш учун дарров машина тайинланди. Фермани бош зоотехниги Ўзининг янги «жигули»сида олиб келишга кетди, кетди-ю бироздан кейин ёлғиз ўзи асабийлашиб қайтиб келди.

— Мен бундай ўжар одамни кўрмаган эдим, — деди у жаҳл билан сигаретини тутатиб, — текширувчи бўлса ўзига, менга нима, қанча ялинсам ҳам машинамга минмади.

— Нега минмади?

— Нега бўларди. Ҳозир ҳамма жойда қайта қуриш давом этаётганмиш. Бундай кутиб олиш олдинги турғунлик даврида қолган одатмиш, энди бундай одатлар такрорланмаслиги керакмиш. У фермамизга йўловчи машинада етиб келармиш. Шунинг учун мени қайтариб юборди, — деди у.

Мирзабой оға бу гапларга қуларини ҳам, йиғларини ҳам билмади. Лекин кўнглининг туб-тубида жиндай қувонч ҳам пайдо бўлди. «Қайта қуришнинг дастлабки қалдирғочлари учишни бошлабди. Демак, энди яхши бўлади», ўйлади у. Унинг бу «қалдирғоч» билан тезроқ учрашгиси ҳам келиб кетди. Текширувчи ҳам узоқ кутгирмади. Асфальт йўлда катта юк машинаси чайқалиб тўхтаб, ундан бир йигит ошиқмай туша бошлади. Мирзабой оға олдига югуриб чиқиб, саломлашиб бўлар-бўлмасдан унинг қўлидаги портфелини олишга интилди.

Сайловбой ЖУМАҒУЛОВ

— Раҳмат, ўзим кўтара оламан! — деди текширувчи уни писанд қилмагандай.

Текширувчи йигитга шу заҳотиёқ идоранинг бир хонаси ажратиб берилди. У товуқ фермани текширувни тушдан кейин бошлайдиган бўлди. Мирзабоой оғага бу ўнғай тушди. «Томоғида бир тешик бўлса, овқат ер, ахир!», ўйлади у. Ў тушликка катта тайёргарлик кўришга буйруқ берди. Кўп ўтмай текширувчи билан икковининг олдидаги дастурхонга икки чойнак кўк чой билан қовурилган семиз товуқ келди.

— Бу нима? — сўради текширувчи уни туртиб.

— Товуқ.

— Ўзингизнинг фермаданми?

Мирзабой оға бу гапга пиқ этиб кулиб юборди, сўнг ўзини қўлга олиб жавоб берди.

— Ҳа, бошқа қаердан бўлсин?

— Олинг уни дастурхондан, — деди текширувчи бирдан қизишиб. — Сизнинг бу ишингизни қандай тушуниш мумкин? Биринчидан, мен сизга товуқ қовуринг деганим йўқ-ку. Товуқ қовуришдан мақсадингиз не? Билиб қўйинг, мен сиз ўйлагандай фақат томоғини ўйлайдиган аввалги текширувчилардан эмасман. Мен ҳозирги даврнинг виждонли, ҳалол текширувчисиман. Яъни, қайта қуришнинг дастлабки солдатларидан бири бўламан. Олиб кетинг, бу товуқни!

Мирзабой оға ундан бундай аччиқ гапларни кутмаган эди. Оғзи очилиб, ҳайрон бўлиб қолди. Бироз довдиради ҳам. Лекин сал ўтиб, яна бир марта таваккал қилиб сўради.

— Қовурилганини хоҳламасангиз, шўрва қилинганини истарсиз, у ҳам тайёр. Олиб келишсинми, бир мириқиб шўрва ичинг!

— Овора бўлманг, кераги йўқ!

— Хўп-хўп. Майли уни ҳам қўйдик. Бироқ шунча жойдан товуқ фермамизга келиб, оч кетсангиз уят бўлар. Жуда бўлмаса озроқ тухумни сувда...

— Йўқ, керак эмас, — деди текширувчи ва портфелини оча бошлади. — Ўзимнинг олиб келган овқатларим бор. Шу менга етади.

Шу куни кечга довур текширувчи йигит товуқбоқарларнинг оғзидан тушмади. Улар бири-бирига гал бермай гоҳ бош чайқаб, гоҳ пешонасини тириштириб, гоҳ тилини танглайига тақиллатиб уриб уни мақташдан бўшамадилар.

— Ана, ҳалол текширувчи деб шуни айтадилар. Бошлиғимиз унинг олдига ўзини яхши кўрсатиш учун товуқ қовуртириб қўйган экан, оғзига ҳам олмабди.

— Ҳа нимасини айтасан, емагани ҳам майлига, бошлиғимизни ферманинг товуғини нега сўйсан деб уришгани-чи?

— Шу ерда ишлай бошлаганимдан бери товуқ фермамизга бундай ҳалол текширувчи келганини биринчи марта кўришим — яна биттаси гапга қўшилди. — Ўтган йил келгани беш-олти товуқни қовуртириб еб, яна тўрт донасини шўрва қилдириб ичиб ҳам кетганди. Ўшанда шўрвасини ўзим қилиб бергандим. Яна икки кун ишдан қолганимизни айтмайсанми?..

— Бу ҳам ҳолва, — яна бир товуқбоқар аёл гапни бўлди. — Кечагина дарвозамизни бўяб берган соқолли рассомнинг ўзи йигирмата тухум билан учта нонни кўрдим демади. Бу ҳам камдай олтита товуқни уйига олиб кетди. Бу эса виждонли текширувчи экан. Ахир, бошлиғимиз беш-олти тухумни сувга пиширтириб берайин деса емайман деб турса.

— Йўғ-э?!

— Ҳа, рост. У ўзини қайта қуришнинг солдатиман деб атабди. Қани эди, ҳар биримиз ўшандай солдатга айлансак!

Ана шундай мақтовларга сазовор бўлган текширувчи йигит икки кундан кейин товуқ фермасининг бошлиғини чақириб шундай деди:

— Хўш, сиз менинг ҳалол текширувчи эканлигимга ишондингизми?

— Албатта, — деди Мирзабой оға. — Икки кундан бери товуқбоқарларимиз сизни оғзидан қўймай мақтаб юришибди. Сиз қайта қуришнинг қалдирғочларидан бири экансиз.

— Қалдирғочи эмас, солдати денг!

— Солдати десангиз солдати-да. Сизнинг келгуси ишларингизга муваффақиятлар тилайман!

— Раҳмат! Бизнинг текширув ишларимиз ҳам якунланди. Фермангизда катта камчиликлар йўқ. Майда-чуйда камчиликларни эса тузатиш мумкин. Бироқ бизнинг бир илтимосимиз бор эди?

— Қандай илтимос экан?

— Мен келгандан бери сизнинг битта товуғингизни ёки бўлмаса ферманинг бирор тухумини ҳам олганим йўқ, тўғрими? Энди менга товуқларингиздан юлиб ташланадиган, биров сўраб-суриштирмайдиган, давлат учун фойдазарари бўлмаган, хуллас, «тийин»га ҳам арзимайдиган бир нарсаси керак бўлиб турибди.

— Хўп, у нима нарса экан?

— Озроқ товуқ пати керак эди, — деди текширувчи йигит сиполик билан. — Бу уйдаги янгангизнинг илтимоси.

— Қанча пат керак?

— Қизимизнинг тўйи. Шунга бирор ўн ёстиққа етадиган бўлса...

...Ўша куни кечгача товуқбоқар аёлларнинг қўллари тинмади. Улар зўр бериб етмишга яқин товуқнинг патини шилишди...

К. МАТЕҚУБОВ таржимаси

ШАЙТОН ШАРҲЛАРИ

● Ҳаётнинг одамлар деб аталмиш шундай нодир мевалари борки, баъзилари бир умр ҳам пишмайди.

● Раҳмоннинг бандаларига қойил эмасман: омадлари юришса, «эгамга шукр», — дейишади-ю, чаппа кетса, «шайтон йўлдан урди», деб мени сўкишади, нобакорлар!

● Инсоннинг иғвогар деган сорти мусобақада мендан ўзади.

● Ўзи қодир бўлмаса ҳам, кимларнидир орқа қилиб амал курсисига ўтирган амалпараст кимсалар тақдири менинг қалтис ҳазилим: энди томошасини кўраверасиз.

ЁН ДАФТАРДАГИ ЁЗУВЛАР

● Ажаб, одамлар ҳақида энг яхши сўзлар унинг таъзиясида айтилади!

● Шундай гўзал аёлни севмаслик — жиноят, севиш эса — жазо.

● Одамлар ҳар доим уч нарсани сир тутишади: ақли пастлигини, пули кўплигини, кўнглидаги кек-адоватни.

● Қассобга ўз она тилидан кўра ҳар қандай молнинг тили афзал.

● Бизда ҳам энг қалтис ҳажвни чоп этиш мумкин. Тагига «инглизчадан таржима» деб қўйилса, бас.

● Аҳмоқ ақлдан озмайди.

● Бўйга етган-у, ўйга етмаган қизлар оз эмас.

Йўлдош СУЛТОНОВ

Рассом А. ҲАКИМОВ

ШОИРЛАР УЙИ

ҲАЗИЛ

Бир тўп шоир кўчиб чиқди
Янги уйга — бинойи.
Қаватларни айтмай қўяй,
Уймисан, уй, киройи.
Омад бақди, раҳбаргаю,
Ижроқўмга офарин.
Сийлаб қўйди кераксиз деб,
Бир кундаёқ оҳ, барин.
Уй кўрдню, ҳовли тўйи
Деган гап бор, қилишди.
Тарқоқ эди, қўшни бўлиб
Бир-бирини билишди.
Томошонинг энг кичиги
Болалардан бошланди.
«Менинг дадам зўр шоир», — деб
Талашишди, ташланди.
Аралашди хотин-халаж
Сану менга боришди.
Қувончли тонг улар учун
Хира бўлиб ёришди.
Бу орада чоп этилди,
Бирисининг китоби.
Дурдона деб янграб қолди,
Танқидчининг хитоби.
Қолганлари асаб билан,
Эшикларин ёпишди.
Сим қоқишиб бормисан деб,
Яқинларин топишди...
Яна бири мошин миниб
Келганида эртаси,
Гап тарқалди — «ўзи қуруқ,
Фалончининг эркаси»...
Қаватлар ҳам кўп ўтмайин,
Бўлиндилар бўлакка.
Шоирларнинг хотинлари
Чиқмай қолди йўлакка.
Баҳона кўп: гоҳи кийим,
Ким ўч қази, қимизга.
Битта-битта эрларини,
Олишдилар ҳибсга...
Шоирлар-чи, тутаб ётар,
Шеър ёзишдан дарак йўқ.
Бормисиз деб келай деса,
Илҳомда ҳам юрак йўқ.
Қораликда қилич акси,
Худ-беҳуд тиш ғижирлар.
«Менинг дадам зўр шоир», деб,
Қичқиришар ўжарлар.
Балки, балки, бари тахмин
Эрта-ю, кеч «жанг» борар.
«Тинч қўй мени», бечоралар,
Хотинига ёлворар.
Шоир керак бу замонга,
Меҳр шунча тошмиди,
Китоб нархи ошди аммо
Шоир нархи ошмади...
Сиз уларни уйдан қисманг,
Илтимосим, кўп беринг,
Уйга қўшиб битта-битта
Ҳар бирига тўп беринг.

КИТОБЛАРНИНГ ҲАСРАТИ

Китобларнинг ҳасратин эшитмоқ жуда қийин,
Наилож, гувоҳдирман, қулоқ солдим атайин.
Бири сўз олди гирён, «чарм камзул» кийинган,
— Мен нашрдан чиққан кун акажоним суюнган,
Қопчиғини тўлдирдим, бўлмаганин бўлдирдим,
Даста-даста ғанимин тил торттирмай ўлдирдим,
Битта қўнғироқ билан акажоним қисқаси,
Осмонгача чиқарган мендайларнинг нусхасин.
Шундан бери омборда ётибдирман чанг босиб,
Қовурғамдаги симлар кетди-ку-ей занг босиб,
— Бўлди қил эй, бас, — деди заррин ҳошиялиси, —
Сенинг ҳар бир сўзингдан келади латта иси.
Мана мен ўз эгамга унвон олиб берганман,
Ўзим унн етаклаб Масковгча борганман.
Мана бунга қараб қўй эгаси-чи совриндор,
Катта-кичик курсини эгаллаган неча бор.
Сафдошимиз жуда кўп, чарм камзулингни еч,
Нолишни қўй, биродар, қадим ҳасратингдан кеч,
— Марказни-ку кўрибсан, демак жиндай ақлинг бор.
Ётамизми, шу ҳолда китобхонга интизор.
Биз не учун яралдик, кимнинг кўзи учганди?
— Э, қўявер бу гапни, биздан ҳамма кечганди,
Рози эдик туғилмай бошимизга урсалар,
Бу дунёга келтирди катта-кичик курсилар.
Тақдир экан пешона, неки бўлса бўлганмиз,
Акаларга умр бериб, ўзларимиз ўлганмиз.
Бу дунёда бермади бизнинг бозоримизни,
Ёқиб юборса арзир энди мозоримизни,
Тоғ-тоғ китоб зорланар, билмай йўғу борини,
Тонгни тонгга улашиб, ҳидлаб куя дорини...

Сафар БАРНОЕВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ ВА ЖУМҲУРИЯТ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

●

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН КП МҚ НАШРИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

МУҲАРРИРИЯТ МАНЗИЛГОҲИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49, БЎЛИМЛАР: ижтимоий ҳаёт — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Навбатчи муҳаррир — Муталлиб СОДИҚОВ
Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 19.15

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

●

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. индекс 64593. Буюртма 6140 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12